

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

УФҚЛАРНИНГ ЧИН ОШИҒИ

*(Саид Аҳмаднинг ижодий йўли,
адиб билан суҳбатлар)*



“Yurist-media markazi” nashriyoti
Тошкент – 2008

83.3(5Ў)6
Н79

Норматов, Умарали.

Уфқнинг чин ошини: (Саид Аҳмаднинг ижодий йўли, адиб билан суҳбатлар)/ У.Норматов; Масъул муҳаррир Б.Каримов. тошкент: YURIST-MEDIA MARKAZI, 2008. – 96 б.

ББК 88.3(5Ў)6

Масъул муҳаррир:
БАҲОДИР КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

Тақризчи:
ЎТКИР ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Азиз китобхон! Қўлингиздаги рисолада Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг ижодий йўли ёритилган, маънавий-маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлган лирик ва ҳажвий-юмористик ҳикоялари, “Келинлар кўзғолони” комедияси, “Уфқ” трилогияси, “Жимжитлик” романи, “Йўқотганларим ва топганларим” хотира китоби таҳлил этилган, шунингдек, китобча муаллифининг адиб билан “Уфқ” ва ҳажвий-юмористик асарлари ва уларнинг ижодий тарихига онд суҳбатлари ҳам ўрин олган.

№343-2008/1934.

ISBN 978-9943-337-22-0

© YURIST-MEDIA MARKAZI,
Тошкент, 2008 й.

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР (Мукаддима ўрнида)

2007 йил 5 декабр - чоршанбага ўтар кечаси ярим тунда телефон орқали устоз Саид Аҳмад аканинг вафоти хабарини эшитиб, тонгга қадар мижжа қоқмай бу аломат инсон, беназир ижодкорнинг умр ва ижод йўли, у билан салкам ярим асрлик мулоқотларимиз хусусида ўй суриб чиқдим. Ўлим бу фақат жудолик эмас, Аллоҳ берган умрнинг сарҳисоб палласи.

Саид Аҳмад ака мен ҳаётда дуч келган ижодкорлар орасида ноёб сиймолардан бири эди. Унинг салкам тўқсон йиллик умр йўли, ижодий тақдирининг ўзи ғаройиб жумбоқ. Бутун вужуди, тани-жони адабий истеъдод нури билан йўғрилган, фақат адабиёт, ижод учун яралган, ботиний дунёсида ҳам жожеий, ҳам қувноқ кулги, ҳазил-мутойиба руҳи мужассам, узоқ йиллик машаққатли ҳаёти давомида бошга тушган жамики кўргилик азобларини, мислсиз фожиаларни, жудолик, ёлғизлик изтиробларини ҳазил-мутойиба билан енгиб ўтган бу аломат зот миллий адабиётимизнинг кейинги юз йиллик тарихида ноёб ходисадир. У асрлардан-асрларга ўтиб келаётган халқ даҳоси яратган Насириддин афандининг бизга замондош тирик тимсоли эди. Бу одам кирган давраларда аския, ҳазил-мутойиба авжига чиқарди, минбарларда сўзлаганда залда кулги-кийқириқ янграрди. Яратган етук асарлари, қахрамонлари каби унинг ўзи, шахсияти, суҳбатлари ҳам ғоят мароқли ва ардоқлидир. Садокатда тенгсиз, шеърятда беназир Саида опамиз билан қурган «адабий оила» тарихи достони миллат тарихининг зарвақларига айланган.

Шоиранинг умр йўлдоши беназир истеъдод соҳиби Саид Аҳмадга алоқадор дилбар сатрлари ўқувчи қалбида ажиб кайфият уйғотади. Айни пайтда Саид Аҳмад ҳам Саида опамиз ҳақида ғоят теран, ўта самимий, бекиёс ёрқин хотиралар ёзиб қолдирди. Миллий адабиётимиз тарихида бунақаси бўлган эмас! Ниҳоят, улуғ адиб бу фоний дунёни тарк этгач, ўз

васиятига кўра Саида опамиз ёнига дафн этилди, ўттиз йиллик жудоликдан сўнг абадий висолга эришди.

Болалигидан ҳаёт сўқмоқларида тобланган, жабрдийда меҳнат аҳли орасида дунё, одам таниган бу аломат зот бир умрга шу жўшқин ва чигал ҳаётнинг мафтунни, шу меҳнат аҳлининг, жабрдийда халқнинг куйчиси бўлиб қолди. Саида опа айтганидай, у уфқларнинг чин ошиғи эди; тартибларни, тўсиқларни хушламас, туғилиб ўсган шахрига сиғмас, чексиз уфқлар, поёнсиз чўллар томон талпинар, асарлари учун қахрамонларни ўша ерлардан қидирарди. Бош асарининг номи “Уфқ” деб аталиши ҳам бежиз эмас. Унинг бутун ҳаёти, кейинги уч-тўрт йилини мустасно қилганда, ҳар доим одамлар орасида, меҳнат аҳли билан мулоқотда ўтди. Шунинг учун ҳам у меҳнаткаш халқ дили, тили, кайфияти, урф-одатларини яхши биларди. Бутун ижоди давомида у фақат ўзи кўрган, яхши билган воқеа-ҳодисалар, таниш одамлар ҳақида ёзди.

Адибнинг роман, қисса, ҳикояларида қаламга олинган ҳаёт, Абдулла Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, оғир ва шу билан бирга гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзараларидир, ўлимларни доғда қолдириб бало-офатлардан омон чиққан ўзи каби замондошларнинг мадҳиясидир.

Саид Аҳмад кулгиси ҳам ноёб ҳодиса. Табиийки, адиб кулгиси замирида турмушдаги, одамлар табиатидаги қусурларни чимдиб ўтиш бор, бироқ охир-оқибат бу кулги асосан ҳаётни, инсон зотини улуғлашга, ҳалол, покиза одамларни, миллат ҳаёт тарзига хос бебаҳо қадриятларни тараннум этувчи кулги, одамнинг одамга меҳрини товлантирадиган, ҳамдардлик туйғусини уйғотадиган, одабийлик хислати билан йўғрилган ҳаётбахш кулги. «Келинлар кўзғолони» томошалари чоғи неча минглаб, балким миллионлаб томошабинлар саҳнада Фармонбиби, унинг ўғил, келинлари хатти-ҳаракатини кузатиб кўзидан ёш чиқар ҳолатда қаҳқаҳ отиб кулганликлари ва театр залидан шу

одамлар билан дўст, кадрдон тутиниб чикқанликларига ўзимиз гувоҳ. Ҳаётбахш юмор орқали миллат шаънини улуглаган бу комедия фақат она юртимизда эмас, қўни-қўшни республикалар, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ҳам доврўғ қозонди, «Келинлар қўзғолони» шарофати билан кекса муаллиф ҳатто Америкага ташириф буюрди.

Устозларни, тенгдошларни қадрлаш, шогирдларни авайлаш бобида ҳам унинг хизматлари бекиёс. Қайта-қайта чоп этилган «Йўқотганларим ва топганларим» китоби адиб калбидаги ҳамкасбларига, миллий адабиётимизнинг кечаги, бугунги куни ва истиқболига бўлган чексиз эҳтироми. саховати ифодасидир.

Истиқлолга эришганимизда, устоз 72 ёшда эди. Кекса бўлишларига қарамай, у зот зўр илҳом, ғайрат-шижоат билан ижодий фаолиятини давом эттирди. Истиқлол руҳи билан йўғрилган етук асарлар яратди. Мустақилликнинг қувончли кунларида ҳам, кайгули дамларида ҳам ҳамиша қатъият билан истиқлол фидойиларининг олдинги сафларида турди. Устози Абдулла Қаҳҳордан мерос қолган Дўрмондаги боғ ҳовлиси тенгдош қаламкаш дўстлари, сон-саноксиз шогирдлари учун ўзига хос «мажолис-ун нафоис», адабий-ҳаётий мулоқотлар даргоҳига айланган эди.

Унинг миллат, адабиёт олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. Умидимиз шулким, эзгуликка бахшида умр соҳибининг охирати ҳам обод бўлғай...

ИЖОДНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ВА НУРАФШОН ЙЎЛИ

1940 йили “Тортиқ” деган мўъжазгина ҳикоялар тўплами чоп этилди. Тўпламга Саидахмад Хусанхўжаев деб имзо чекилган эди. Йигирма ёшли бу бошловчи ёзувчи илк китоб шавқи билан ўзини кўярга жой тополмай юрганида, бирданига “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” журналида тўплам ҳақида “Тортиқ” сарлавҳали тақриз чикди. Бу “тортиқ” китобча муаллифини довдиратиб қўйди. Тақриз муаллифи атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор тўпламдаги ҳикояларни бирма-бир таҳлил этиб муаллиф шайнига анча кескин танқидий гаплар айтган бўлса-да, ёш ёзувчидаги истеъдод учқунларини пайқаган, унинг келажагига умид билдирган эди. Рад этиш мумкин бўлмаган танқидий руҳдаги таҳлилу далиллар ёш ёзувчига қанчалар оғир ботмасин, талабчан устознинг умид ва далдаси кўп жиҳатдан унинг ижодий тақдирини белгилаб берди. Орадан чорак аср ўтиб Саид Аҳмад “Уфқ” романини эълон этганида, бу роман ҳақида устоз махсус тақриз ёзди. “Илҳом ва маҳорат самараси” деб номланган мақолада, жумладан, шундай самимий сўзлар айтилган:

“Саид Аҳмад бундан кўп йиллар муқаддам кўлига адабиёт танбурини олиб чертганда, кўли келишганини кўриб, яхши созанда бўлиб, яхши-яхши машқлар чалишини орзу қилган эдик. Шу орзумиз ушалиб келаётибди. “Уфқ” унинг илҳом ва маҳорат билан чалган машқидир”.

Дарҳақиқат, Саид Аҳмад 60-йилларга келиб илҳом ва маҳорат билан битилган “Уфқ” романи муаллифигина эмас, лирик ҳикоянавис, юморист, жўшқин публицист сифатида танилди. Кейинчалик бирин-кетин яратилган “Уфқ” трилогияси, “Келинлар кўзғолони”, “Қуёв” комедиялари, “Жимжитлик” романи, қатор замондош адиблар ҳақидаги эссе-хотиралари билан XX аср миллий адабиётимизнинг етук намояндалари қаторидан муносиб ўрин олди; халқчил

асарлари орқали эл-юртнинг меҳрини қозонди, эл ардоғидаги адибга айланди.

Бундай обрў-эътиборга у осонликча эришгани йўқ. Ҳаёт ва ижод йўлида адиб кўп қийинчиликларга дуч келди, булутли кунларни ҳам кўрди, қатагон қурбони бўлди, ижодда адашгани, хато ва камчиликлари учун қаттиқ дакки эшитган пайтлари ҳам бўлди. Бир қатор тенгдош қаламкаш дўстлари сингари Саид Аҳмад учун ҳам ижоднинг катта йўлига чиқиб ўтиш анча узоқ ва машаққатли кечди.

Саид Аҳмад Хусанхўжаев 1920 йил 10 июнда Тошкентнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида обрў-эътиборли зиёли хизматчи оиласида тугилди. Бобоси Дадахўжабой Тошкентнинг энг катта бойларидан бўлган. Бойлигининг кўп қисмини юрт ободончилигига, миллат ёшларини ўқитишга сарфлаган. Отаси Хусанхўжа Дадахўжа ўғли рус тилини мукаммал билган, машҳур маърифатпарвар Исмоилбек Гаспринский билан дўст тутинган, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган, маърифат, ижод аҳли билан яқиндан мулоқотда бўлган. Бўстонликлик машҳур шоир Элбек анча вақт Хусанхўжа хонадонида яшаган; бу хонадонга А. Қодирий, Чўлпон, Ғ. Зафарий, Ғ. Юнус, Ғ. Ғулом, Ойбек, Хуршид, Тавалло, Хислат, М. Уйғур, Н. Ғаниев каби ижод аҳли тўпланишиб адабиёт, санъат, дунё ишлари ҳақида суҳбатлар қилишган. Саид Аҳмад мана шу муҳитда ўсиб улғайган. Ўрта мактабда, тасвирий санъат билим юртида, сўнгра Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетида таълим олган.

Мустабид тузум Хусанхўжаевлар оиласи бошига кўп жабр-зулмлар солди. 1938 йили бўлгуси адиб Саид Аҳмаднинг отаси ва амакиси қамоққа олиниб бедарак кетди. Орадан ўн йил ўтиб акаси – ўзбек стенография ёзуви ижодкори, таниқли педагог олим Имомхон Хусанхўжаев, 1950 йил 10 май кунини эса Саид Аҳмаднинг ўзи ҳибсга олинди; беш йил КГБ қамоқхоналарида азоб чекиб, Жезқозғон қонида тош қазиб, силласи қуриб қайтиб келди. Қамоққа олинганидан сўнгра рафиқаси – олти ойлик келинчак истеъдодли шоира Санда

Зуннунова бошига кўп савдолар тушди, уни ишдан ҳайдашди, шеърлари босилмади, «халқ душмани» эридан воз кечишни талаб қилишди. «Хрушчевнинг отасига минг раҳмат, кофир бўлса ҳам бир мусулмоннинг ишини қилиб кетди, – деб ёзади Саид Аҳмад таржимаи ҳолида. – Неча-неча миллионлаб кишиларнинг оёғидан кишани олиб ташлади. Менга ўхшаганларнинг кўкрагига шамол тегди».

Саид Аҳмадга тенгдош бўлган авлод ижодий машқни 30-йиллари бошлаган; улар эндигина ижодда тетапоя бўлиб, илк китоблари чоп этила бошлаганида машъум қатағонлар бошланди, сўнг она юрт бошига катта кулфат тушди. Иккинчи жаҳон уруши бошланди, кўнгилдаги ижодий режалар қолиб кетди. Ёш қаламкашларнинг кўплари жангга отландилар, уруш ортида колганлари эса ўқишни, ижодни йиғиштириб қўйиб Ватан мудофааси, тирикчилик йўлида ўзларини меҳнатга урдилар. Ниҳоят, ғалаба кунлари келди. Урушдан кейинги давр мураккаблиги, тоталитар режим адабий сиёсати, айниқса, тажрибасиз ёшларни чалғитди, уларнинг ўзлигини, истеъдодини тўла намоён этишига монелик қилди. 50-йилларнинг ўрталарига келиб мамлакат ҳаётида юз берган илиқлик, ижобий жараёнлар туфайли адабиётда, жумладан, Саид Аҳмад ва унга тенгдош авлод фаолиятида муайян бурилиш, жонланиш содир бўлди. Бу авлод, бир чеккаси, бой берилган вақтини қоплаш ниятида зўр куч-ғайрат билан ижодга киришдилар. Шу тариқа, тенгдошлари қатори 30-йиллари қўлига қалам олган Саид Аҳмад истеъдоди 50-йилларнинг ўрталарига келиб очилди, эътиборга сазовор жамики асарларини шу пайтдан ярата бошлади.

Ҳар бир истеъдодли адиб адабиётга ўз овози, ўз мавзуи, муаммолари, образлари билан кириб келади; мавзу, муаммо ва образлар табиати ҳамда моҳиятини эса, аввало, шу адиб яшаган давр, унинг ҳаёт тарзи, муҳити, қолаверса, шу адибнинг майли, манфаат доираси, ҳаётий тажрибалари белгилайди. Саид Аҳмад деярли XX аср тенгдоши, аср давомида юртимизда юз берган жамики муҳим ҳодисаларнинг жонли гувоҳи, иштирокчиси. У Тошкент шаҳрида тугилиб

ўсган, шу ерда ўкиб таҳсил кўрган, бутун умри шу шаҳарда ўтган бўлса-да, унинг ижодий тақдири кўпроқ қишлоқ ҳаёти билан мустаҳкам боғланган.

Болалигиданоқ қишлоқлардаги мураккаб ҳаёт ичига, одамлар орасига талпинган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 30-йилларнинг чигал шароитида у мунтазам таълим ололмади, қаерга борса халқ душманининг ўгли деб кўкрагидан итаришди; тирикчилик йўлида қилмаган иши қолмади; рассомлик, сураткашлик қилди, артистликка уришиб кўрди, бирортасидан кўнгли тўлмади; сўнг дилига журналистлик, ёзувчилик ишқи тушди. Мухбирлик касбини танлаб редакцияларда ишлаган пайтлари унинг қишлоқ ҳаёти, жафокаш меҳнат аҳли билан алоқаси янада кенгайди. «Редакция топшириғи билан узоқ областларга борадиган бўлдим, – дея эслайди у. –Хоразмдаги Тошсоққа канали қурилиши тугагунча мухбир бўлиб турдим. Ҳали Чирчиқдан, ҳали Чустдан хабарлар ёзиб келардим. Республикамизда қазилган ҳамма каналларга борганман, илгор ер қазувчилар ҳаётидан очерклар, хабарлар ёзганман. Бўзсув ГЭСи, Лоғон канали, Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона канали ва ниҳоят Фарҳод ГЭСи қурилишларида мухбирлик қилдим».

Жўшқин ва чигал ҳаёт кучоғида, оддий жабрдийда меҳнат аҳли орасида, меҳнат жабҳаларида дунё, одам таниган адиб бир умрга шу жўшқин ва чигал ҳаётнинг мафтуни, шу оддий жафокаш меҳнат аҳлининг, жабрдийда халқнинг куйчиси бўлиб қолди. Ёшликдаги, йигитликдаги шу ҳаётий тажриба унинг ижодий тақдирида жуда катта рол ўйнади.

У ҳамиша сафарда, ҳар доим одамлар орасида, меҳнат аҳли билан тинимсиз мулоқотда, меҳнат аҳлининг ташвиш ва қувончларига шерик. Шундан бўлса керак, у меҳнаткаш халқ қалбини, дардини чуқур ҳис этарди, меҳнат аҳлининг кайфияти, тили, урф-одатини, она юртнинг пасту баландини яхши биларди. Бугина эмас, сафарда кўрган, билганлари, юртни кезганда тўплаган бой ҳаётий тажрибалари у яратган жамики асарларининг мавзу-мундарижасини белгилайди. Ҳаётда учратган таниш сиймолар адиб ижодий фантазияси

билан йўғрилиб жонли образлар қиёфасига кирарди... Ёзувчининг гувоҳлик беришича, шу пайтга қадар нимаики ёзган бўлса, барини ўз кўзи билан кўрган.

Саид Аҳмад асарларини мавзу, муаммолари жиҳатидан уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин: уруш ва унинг оқибатларини, уруш даври одамлари қисматини кўрсатувчи асарлар; севги-садоқат, оилавий-маиший ҳаёт масалаларига, маънавий-ахлоқий муаммоларга бағишланган комедия, ҳикоя ва ҳажвиялар; ниҳоят меҳнат кишисини, она табиатни улуғловчи роман ва ҳикоялар.

Бундай мавзу муаммоларга бошқа адиблар, жумладан, Саид Аҳмадга тенгдош қаламкашлар ҳам мурожаат этганлар. Хўш, Саид Аҳмад шу анъанавий мавзу, муаммоларга қай тарзда, қай даражада ёндашди, уларнинг қанақа янги жиҳатларини кашф этди? Бу саволга жавоб олиш учун, аввало, адиб шахсияти, унинг услуги, ҳаётни бадиий идрок этиш тарзи устида тўхталиш лозим. Саид Аҳмад – табиатан лирик ва кувноқ, ҳазилкаш одам. У кирган давраларда аския, ҳазил-мутойиба авжига чиқарди, минбарларда сўзлаганда ҳам нукул кулгили қилиб гапирарди; таниш-билишлари табиатидаги, нарс-ҳодисалар бағридаги кулгили жиҳатларни ниҳоятда тез ва соз илғай оларди. Бу хислат унинг учун туғма, болаликдан унга йўлдош. Шу туғма хислат – ҳазилга, кулгига мойиллик тобора тобланиб такомиллашиб, кейинчалик қўлига қалам ушлаганда ўз кучини кўрсатди, илк бора ёзганлари ҳам юмористик асарлар бўлди; гарчи илк юмористик ҳикоялар тўплами «Тортик» муваффақиятсиз чиққан, қаттиқ танқидга учраган (А. Қаҳҳорнинг «Тортик» ҳақидаги мақоласида) бўлса ҳам, унда ёш қаламкашнинг юмористик истеъдодидан далолат берувчи учқунлар мавжуд эди. Бу учқунлар йиллар оша секин-аста алангага айлана борди.

Саид Аҳмад айти пайтда, табиатан лирик, дедик. Адибнинг умр йўлдоши нозиктаъб шоира Саида Зуннунова бир суҳбатда шундай деган эди: «Саид Аҳмад акангизни кўча-кўйда кўрган киши шунчаки бир қизиқчи, ҳазилкаш одам деб ўйлайди. Шундай бир ҳазилкаш одамнинг қандай қилиб

«Уфқ»дек жиддий асар, кўплаб лирик ҳикоялар ёзганига ишонгиси келмайди. Дарҳақиқат, Саид Аҳмад кўча-кўйда, одамлар орасида ўта қувноқ, ҳазилкаш бир кимса, аммо ёлғиз қолганда, столга ўтирганда бутунлай бошқача одамга – ҳақиқий лирик шоирга, жиддий носирга айланади».

«Услуб – одам демакдир» деган доно нақл бор. Ёзувчи табиатан қанақа бўлса, асарлари ҳам шунақа бўлади. Бу таъбирни Саид Аҳмадга бемалол нисбат берса бўлаверади. Табиатидаги лирик ва юмористик хислат ёзувчининг тасвир услубига, асарларига шундайгина кўчади-кўяди. Унинг ижодига назар ташлаганда икки услубий йўналишни кўриш мумкин. Саид Аҳмад – ҳам лирик, ҳам юморист ёзувчи.

Маълумки, Саид Аҳмад тенгдошлари – А. Мухтор, Мирмуҳсин, Шухрат, Шукрулло, С. Зуннуновалар ҳам носир, ҳам шоирдирлар. Саид Аҳмад шеър ёзгани йўқ, ёшлигида ёзган бўлса ҳам шоирликни даъво қилган эмас. Лекин у насрда шоир бўлиб танилди, унинг ҳикоялари, қисса, романлари, ҳаттоки комедия ва ҳажвиялари шеърӣ асарни эслатади, уларда ичдан шеърӣ руҳ уфуриб туради, адибнинг оддий насрий тизмалари бамисоли шеърдай жаранглайди, унинг яхши ҳикоялари шеър каби ўқилади... Саид Аҳмад асарларининг образлари, етакчи мотивларини унинг ана шу хил тасвир услубидан ажралган ҳолда талқин этиш асло мумкин эмас.

Саид Аҳмад созига хос лирик тарона адибнинг уруш ва унинг оқибатларига бағишланган асарларида алоҳида куч билан янграйди. Адиб уруш фожияларидан баҳс этувчи ўндан ортиқ ҳикоя яратди. («Ҳазина», «Турналар», «Онажонлар», «Кўклам чечаклари» ва бошқалар). «Уфқ» трилогиясининг «Ҳижрон кунлари» деб аталган китобида уруш даври воқеалари қаламга олинган.

Саид Аҳмад урушда бевосита қатнашган эмас. Адиб асарларида ўша даврнинг бевосита ўзи шоҳид бўлган, яқиндан билган лавҳаларини –кишиларимизнинг фронт орқасидаги ҳаётини, урушнинг уруш ортида қолганлар тақдиридаги асорати, урушдан қайтганлар қисматини ифодалайди.

Бу асарларда ёзувчи уруш туфайли алоҳида шахслар, қолаверса, бутун халқ бошига тушган қийинчилик, жудолик, дард-аламларни, фашизм ҳарбий жиноятининг мудҳиш оқибатларини рўй-рост кўрсатади. Асар воқеалари уруш майдонларидан жуда олисда, республикамизнинг турли бурчакларида, Фарғона қишлоқларида ўтса ҳам ҳар қадамда урушнинг қонли қиёфаси, порох ҳиди анқиб туради. Уруш туфайли бола отадан, ота боладан, маъшуқа ошиғидан жудо бўлади, биров умрбод майиб бўлиб тўшакка михланади, биров касб-коридан, севган санъатидан жудо бўлади, уруш тўзони ота билан болани бир-бирига рақиб этиб қўяди, муштипар она нобоп ўғил қилмиши туфайли уят, ор-номус исканжасида оламдан ўтади, бошқа бир она жангда ҳалок бўлган ёлғиз ўғли доғида телба бўлиб қолади... «Дод, деб йиғласа бўладиган ишлар ўтди бошимиздан», – дейди чуқур изтироб билан ёзувчи персонажларидан бири. Бу каби лавҳалар орқали адиб урушнинг ғайрининсоний моҳиятини очади, гуманизм ғояларини илгари суради.

Ёзувчи уруш даврининг нуқул маломатли лавҳаларини, мусибату фожиаларини кўрсатиш билан чекланмайди, унинг персонажлари фақат жабрдийда, аламзада, хўрланган кимсалар эмас; аксинча, муаллиф кишиларимиздаги уруш туфайли юз берган мусибатларни енгиллашга қодир бўлган маънавий кучни зўр эҳтирос билан ошкора мадҳ этади, ўша оғир уруш йилларининг ҳам нурли жиҳатларини эътибордан четда қолдирмайди; чунончи, вафодор ёр садокати туфайли тўшакка қадалган уруш қурбони кўнглида чирок ёнади, садокатли хотин далдаси билан урушда икки оёғини йўқотган эр оёққа туради; қўлидан ажралиб севган санъатидан жудо бўлган уста шогирдида йўқотган санъатини топади; Абдулла Қаҳҳор айтганидай, уруш бўрони кўз очирмаётган пайтда бировнинг қалбида муҳаббат гунчаси япроқ ёзади; ота аскарликдан қочган фарзандини отади ва шу билан бирга «хайрият, ўқ тегмади», дейди; қишлоқдан қаҳрамон чиққанда бутун қишлоқнинг кўкраги кўтарилади; ҳар бир хонадонга файз киради; оддий одам меҳнат фронтида катта ташкилотчи бўлиб

кетади; одамлар кўлидаги бир бурда ноннинг юмшоқ жойини жангчиларга илинади...

«Бу соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир ва шу билан бирга, гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини «тошдан» қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзарасидир...

«Уфқ»да тасвир этилган кишлоқ ҳаётини, одамларни кўриб ҳар бир ўзбек катта ифтихор билан: «Биз ўзбеклар!» дейди, қардош халқлар ўзбекни меҳр билан: «Ўзбек оғайним» деб атади».¹

Саид Аҳмад севги, садоқат, ёшлик куйчиси. У бевосита маънавий ахлоқий муаммоларга бағишланган бир туркум ҳикояларнинг муаллифи. Унинг бу мавзудаги асарлари қаҳрамонлари ғоят хилма-хил кишилар: уларнинг бирида мустақил ҳаёт оstonасига эндигина қадам қўйган, меҳнат, илк муҳаббат, илк бўса лаззатидан баҳраманд бўлган ёшларни учратсак, иккинчисида ҳаётда адашиб, шахсий бахтини бой бериб қўйган ношуд-нотавон кимсаларга дуч келамиз; яна бирида ўз шахсий ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, ўзгаларга бахт, шодлик ҳадя этган олижаноб кишиларни кўрсак, бошқасида фақат ўзини деб ўзгаларни қон қақшатувчи худбинларга рўпара келамиз. Саид Аҳмад фақат ёшлик куйчиси бўлиб қолмай, кўплаб ёқимтой қариялар образини ҳам яратган адибдир, унинг қатор ҳикояларида асримиз юқини елкасида кўтарган, кўпни кўрган отахонлар, мунис-меҳрибон онахонлар сиймоси билан танишамиз.

Саид Аҳмаднинг ёшлик, севги, садоқат ҳақидаги ҳикояларини («Муҳаббатнинг туғилиши», «Ойдин кечалар», «Иқбол чироқлари», «Тоғ афсонаси») ўқиганда китобхон қалби алпанечук туйғуларга тўлади, ёзувчи сўзлари билан айтганда, киши ўзини ўт-олов болалик, тўполончи ёшлик,

¹ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. Олтинчи том, Т., 1971, 331 – бет.

канотли ўспиринлик йилларини эслаб кетади; фақат нурдан, фақат оҳанглардан яралган ишқ деб аталмиш йигитлик тонгларини, истикбол дардида ўртанган безовта дамларни, бахт-саодат бағрига чақирган эртани кутган кечаларини кўргандай бўлади; эндигина балоғат остонасидан ҳатлаган ўспиринларнинг ўзидек беғубор ўйлари, болаларча тиник, севги, муҳаббатнинг пинҳоний ва лекин ширин туйғулари, биринчи бор бўсага интилган лабларнинг тиниклиги, эрта тонгдек мусаффо, офтобдек иссиқ, баҳор елларидек димокни яйратувчи, танга ҳузур бағишловчи биринчи севги, адашишлар, интилишлар – барча-барчасини кўриб, юракдан ҳис этиб туради. Энг муҳими, бу ҳикоялар бизни инсонга бир бор бериладиган ҳаётни, инсоний бахтни, илк севгини қадрлашга, ҳаётда чин инсон бўлиб ҳалол яшашга даъват этади, одамнинг одам олдидаги, эл-юрт олдидаги бурчи, масъулиятини эслатиб туради, инсондаги ноёб туйғу, олижаноб фазилатларни қадрлашга, асрашга ундайди.

Саид Аҳмаднинг бу тур ҳикояларидаги қаҳрамонларнинг аксарияти эмоцияга бой, ҳиссиётчан кишилар. «Муҳаббатнинг туғилиши»ни олайлик. Бу ҳикояда қаҳрамоннинг зиддиятли руҳий ҳолати, кайфияти эмас, балки осойишта, қувончли дамлари тасвир этилади. Осойишта, қувончли ҳолатлар тасвирида ҳам ёзувчи одатдагидек ҳиссиётнинг олий, тигиз дақиқаларини танлаб олади. Бир қарашда ҳикояда у қадар жиддий воқеа йўқдек; Омон ва Азиза ўнинчини тугатиб, битирув кечасидан тунда бирга кайтишади, йўл-йўлакай у ёқ-бу ёқдан гаплашиб боришади ва тинчгина уйларига тарқалиб кетишади... Сиртдан осойишта, жўн кўринган шу воқеа замирида жиддий маъно, ўзига хос драма яшириниб ётибди. Бу маънони ёзувчи ёш қаҳрамонларнинг қалбидаги, ўша хайрлашув дақиқаларидаги кайфиятдан қидиради. Хусусан, ёзувчи киз қалбида уйғонаётган сеҳрли севги туйғуси, болалик билан хайрлашиш, улғайиш, катта ҳаёт остонасига қадам қўйиш билан боғлиқ ҳислари жараёнини бамисоли сеҳргар каби кузатиб боради. Бу жараён шу қадар нафис, осойишта бир тарзда бериладиги, уни фақат тўлиб турган ғунчанинг

очирилиш жараёнига қиёс қилиш мумкин. Ғунчанинг очирилиш жўнгина туюлса ҳам, бу жуда катта кескин ички ҳаракатнинг самараси; ҳикоя қаҳрамони Азиза қалбида севги, болалик билан хайрлашув туйғуси ҳам кескин руҳий жараёнларнинг оқибати тарзида юзага келади; бу жараёнлар эса соф лириканинг ўзгинаси, уни Белинский сўзлари билан айтганда, гапириб бериш, оддий инсон тилига таржима қилиш мумкин эмас. Ана шу туйғулар олами билан танишгандан кейин, ҳикоядаги ҳодисани «жўн» деб айтолмаймиз, у ёш қалбда улкан сеҳрли туйғунинг туғилиши ҳақидаги ҳикоядир.

Ҳиссиёт таҳлили билан иш кўришнинг муайян хатарли жиҳатлари ҳам бор. Биламизки, кайфият, ҳиссиёт ўй, ақлга қараганда тезкор, ўзгарувчан; бинобарин, ҳиссиётдаги жараён, ўзгариш ҳеч қачон характердаги туб ўзгаришга тўла тенг келолмайди. Саид Аҳмад кўпроқ ҳиссиёт таҳлили билан банд бўлганидан, баъзан қаҳрамонлар ҳаётидаги кескин бурилишлар етарли далилланмай, персонажлар тўлақонли характер даражасига етмай қолади.

Саид Аҳмад ижодининг етакчи хусусиятлари устида гап борганда адиб асарларининг яна бир хислати эътиборни тортади. Саид Аҳмад қаҳрамонлари бевосита табиат кўйида – тоғларда, яйловларда, чўлларда, далаларда, боғларда, қир-адирларда ҳаракат қиладилар, улар нуқул табиат қучоғига, кенгликка, уфқларга талпинадилар. Адиб она табиатнинг мафтунли, ёниқ куйчиси сифатида иш кўради, хусусан, Олтин водий – Фарғона манзараларини алоҳида бир меҳр, самимият билан қаламга олади. Унинг асарларида табиат-бир оромгоҳ, сиқилган, зериккан кўнгилларга таскин берувчи маскан, ўқувчида завқ-шавқ, лирик кайфият уйғотувчи поэтик борлиқ. Унинг роман, қисса, ҳикояларида кўклам таровати, саратон ҳарорати, олтин куз саҳовати, тиниқ тонг, сўлим кечалар нафосати яққол бўйланиб туради; юлдузлар чарақлаган осмон, гоҳ ҳилол, гоҳ тўлин ой, кўм-кўк қирлар, қип-қизил лолаларга бурканган адирлар, билқиялган тупроғида арава излари қолган кўчалар, икки тарафида адл тераклар саф тортган йўллар, азамат чинорлар салобати кўзларни қамаштиради;

туллари эсадиган чўл шамолларининг гир-ғири, осмонни тилка-пора қилган момақалдироқ гумбури, ёгаётган ёмғирнинг шивирн, дарёнинг шовуллаши, қирғоққа сапчиётган сувнинг шопиллаши, нимкўк осмонда учиб ўтаётган турналарнинг «қуре-қуре»си, кўк гумбазидан элас-элас қулоққа чалинаётган тўрғай навоси, чумчуқнинг чугури – барча-барчаси чарчок рухга ором, кўнгиللарга шодлик бахш этади. Саид Аҳмад асарларида мафтункор ёз кечалари тасвири кўп учрайди, аммо бу тасвирлар бир-бирини такрорламайди, ҳар бир оқшомнинг ўз файзи, ўз таровати бўлгани каби ҳар бир тасвирнинг ҳам ўз шукухи, сурури бор.

«Дарё шовуллайди, тоғ орқасидан осмонга сут пурка-гандек бўлиб, аввал ой шуъласи кўринади, кейин ўзи салмоқ-лаб осмонга кўтарилади-да, тоғ чўққисига айри миниб туриб қолади. Бирам чиройли, бирам ёқимли шамол эсади. Саратон дазмолдек қиздирган тошларни шу шабада пуфлаб совутади. Ўт-ўланларни силкитади. Жўжаси ҳали учирма бўлмаган она ўрдакларнинг аллага ўхшаш ғалати ғаққиллашини узоқлардан олиб келади. Каналнинг бетўсик-бетўлқин суви ойдинда худди поёни йўқ яхлит ойнадек ялтирайди. Қулоқ бошида сув очаётган миробларнинг товуши эшитилиб қолади. Айниқса биттаси эзиб-эзиб ашула айтади. Кечаси олисдан келган кўшиқ ғалати бўларкан. Одамнинг томир-томирига кириб кетаман, дейди» («Тоғ афсонаси»).

Бу тур парчалар асар ичидаги мустақил, тугал лирик асарлар каби таассурот қолдиради.

Саид Аҳмад ижодида ҳажвий асарларининг, юмористик йўналишнинг салмоғи катта. Ижодининг каттагина қисми ҳажвиётдан-комедия, сатирик, юмористик ҳикоялар, фелъетонлардан иборат. Сатира-юмор жиддий асарлари – ҳикоялари, ҳаттоки «Уфқ» трилогияси бағридан ҳам кенг жой олган.

Саид Аҳмад асарларида кулгининг ҳамма тури – қувноқ ханда, енгил табассум, беозор ҳазил-мутойибадан тортиб киноя-кесатик, масхара ва ғазабли қаҳқаҳагача-барчаси бор. Шундай бўлса-да, Саид Аҳмад кулгиси асосан юморист кулгиси. Саид Аҳмад – қувноқ, ҳазилкаш ҳажвчи, унинг

ҳикояларидаги кулги аввало қувноқ кулги. Бу ҳол бир чеккаси, ёзувчи услубидаги лирик йўналиш билан алоқадор. Унинг асарларида юмор билан лирика ажиб бир уйғунлик касб этади. Ёзувчи табиатан лирик бўлганидан ҳажвиётда ҳам лириклигича қолади, ҳажвияларида ҳам лирик жўшқинлик сақланади. Шунингдек, ёзувчи табиатан юморист бўлганидан бошқа жиддий асарлари кўпинча ҳаётбахш кулги, ҳазил-мутойиба билан йўғрилиб кетади.

Саид Аҳмад кулгисини қувноқ, ҳаёбахш кулги дедик. Табиийки, бундай кулги заминида ҳам ҳаётдаги, шахс табиатидаги кам-кўстларни қоралаш мавжуд. Шундай бўлса-да, у асосан, ҳаётни, одам зотини улуғлашга қаратилган. Муаллифнинг кўпдан-кўп ҳажвиялари, «Чўл ҳикоялари» персонажлари, «Уфқ»даги Асрора, Азизхон ва, ниҳоят, «Келинлар қўзғолони» комедияси бошдан-оёқ шу хил қувноқ, шу хил инсонни шарафловчи юмор билан йўғрилган. Ҳаттоки, «Ханка билан Танка», «Менинг дўстим Баббаев», «Лаъли бадахшон», «Қоплон» каби ҳажвияларида танкид тиғи хийла ўткир бўлса-да, оқибат-натижада қувноқ кулги, ҳазил-мутойиба устунлик қилади. «Келинлар қўзғолони»да бу фазилат янада ёрқинроқ намоён бўлди.

«Келинлар қўзғолони»нинг тақдири мураккаб кечди. Комедия муаллифи Саид Аҳмад «Хуррият» газетасининг 2001 йил 15-21 август сониди эълон этилган, кейинроқ «Киприкда қолган тонг» китобидан жой олган «Фармон биби қалъасига штурм. Большевиклар ололмаган кўргон» бадиясида «Келинлар қўзғолони»нинг машаққатли ва шарафли йўли ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берган, бош қаҳрамон Фармон бибини, умуман, бу комедия моҳиятини англаш бошда ниҳоятдамушкул кечганлиги, асарни сахнага олиб чиқиш жараёнида қанақа кескин курашлар бўлгани айтиш бу бадия орқали кенг жамоатчиликка маълум бўлди. Қаҳрамон адабимиз бу ҳақдаги бор ҳақиқатни – комедия йўлига кимлар тўсиқ бўлганлигини ўзгаларга, ҳатто «Келинлар»нинг рақибларига ҳам малол келмайдиган бир тарзда ҳазил-мутойиба йўли билан дангал айтди.

«Келинлар кўзголони»га, аввало, унда жиддий гап йўк деган айб қўйилди, «тутуруксиз, гоясиз, ҳатто зарарли» асар деб баҳоланди. Марказком ходими муаллифга қарата сурбетларча: «Пьесани ёзишдан мақсадингиз нима? Мен тушунмадим», дея дағдаға қилади. Унга жўровоз бўлиб гумроҳ кимсалар комедия муаллифи: «Кекса онахонларимизни масхара қилиб кўрсатган», «Хукумат нега кампирларни масхара қиладиган театрға рухсат бериб қўйибди?», «Ҳамза театрининг кунни майнавозчиликка қолган», дея таънадашномлар ёғдирадилар. Бунақа гаплар секин-аста матбуот саҳифаларига ҳам чиқа бошлайди. Танқидчи Норбой Худойберганов «Литературная газета»даги комедия баҳсида «Келинлар кўзголони» хусусида тўхталиб: «Комедия билан танишгач, биз драматург нега, қандай мақсадда, нима учун қўлига қалам олган экан, дея бош қотирамиз», дея хайрон бўлади. Мунаққид комедиянинг мақсади «маршал кампир» – Фармон бибини енгилгина танқид қилишдан иборат, деб билади, бу ҳол комик асар учун камлик қилишини айтади. Айрим ҳамкасблар Фармон биби образини бутунлай бошқача талқин этадилар, уни «Бой ила хизматчи»даги Ҳожи онага тақлид деб баҳолайдилар... Лекин ўша кезлари бирор кимса бу аломат образнинг миллий адабиётимиздаги сарчашмалари – «Ўткан кунлар»даги Ўзбек ойим, «Шоҳи сўзана»даги Холнисо, Ҳамробувилар билан муштарак жихатлари хусусида ўйлаб ҳам кўрмадилар. У ёғини суриштирсангиз, на Абдулла Қахҳор, на Саид Аҳмад ҳам бу хусусда ҳеч нарса деган эмаслар. Эҳтимол, Абдулла Қахҳор ҳам, Саид Аҳмад ҳам ўз комик қахрамонлари устида ишлаётганларида бу борадаги Қодирий тажрибасини ҳаёлга ҳам келтирмаган бўлишлари мумкин. Адабиётдаги ворислик ҳар доим ҳам онгли равишда эмас. беихтиёр тарзда содир бўлавериши мумкин. Худди Ойбек каби Қахҳор билан Саид Аҳмадга ҳам Ўзбек ойим маъкул тушган, уларда яхши таассурот қолдирган бўлиши табиий; айниқса, юморга – ҳазилга, кулгига мойил ана шу икки ёрқин истейод ижодида Ўзбек ойим типидagi бетакрор ёрқин характерларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас.

Фармон биби образи асл моҳиятини Ҳожи она тоифа-сидаги тимсоллар эмас, айти Ӯзбек оийм, Холнисо, Ҳамро-буви, БӮстон бибилар силсиласи орқали англан, очинш мумкин. Фармон биби шу силсиланинг сӱнгги энг юксак чӱкқиси бӱлди. «Келинлар кӱзголови»дан сӱнг шу тоифадаги онахонлар, «супер қайнана»лар образини яратишга уринишлар бӱлди. Бирок, ҳозирча, уларнинг бирортаси муваффақият козонолмади.

Фармон биби хонадони ӱзича «бир ҳукумат, ҳа, бир мамлакат», унинг «ӱз пошшоси» бор; бу «хотин пошшо»нинг юрти». «Бу пошшоликнинг ӱз қонуни, ӱз урф-одатлари бор. Пошшо хотиннинг етти ӱгил, етти келини, қирқ бир исвараси бор. Жами бӱлиб бу уйда элик олти киши туради». Элик олти жоннинг барчаси пошшо хотин – Фармон бибининг амри билан иш тутади.

Бу улкан оиланинг ҳаёт тарзи билан танишар экансиз, ғаройиб ҳолатга тушасиз. Фармон бибининг оиладаги ҳукмронлиги Ҳожи она салтанатидан тубдан фарқ қилади. Ҳожи она вужудидан қабоҳат, мутаассиблик, шафқатсизлик ёғилиб туради. Унинг хатти-ҳолати, гап-сӱзларида самимиятдан асар ҳам йӱқ. Бу хонадон қабоҳат ва инсоний фожиялар уяси. Фармон биби оилада қаттиқӱллик билан мустаҳкам интизом ӱрнатишга интилар экан, ӱзаро ишонч, иноқлик бӱлиши, ҳар бир оила аъзосининг ҳалол яшаши ва ишлаши учун қайгуради. Фармон биби оиласи бамисоли ҳалоллик ва тартиб-интизом қалъаси, Фармон биби эса шу қалъанинг посбони. Бу қалъага гоҳо гирромлик, нопоклик, тартиббузарлик, ичкиликбозлик иллатлари ҳуруж қилади. Фармон биби эса бунай ҳуружларни қатъий туриб даф этишга эришади.

Фармон бибининг «ӱз пошшолиги» доирасида олиб борган сиёсати ҳаммага бирдек маъқул тушиши мумкин эмас, албатта. Хусусан, оилага янги келган кичик келин – ӱта замонавийлашган қиз Нигорага бу хонадон оддий «уй эмас, турма» бӱлиб туюлади. Кичик келиннинг овсинларига қарата айтган мана бу сӱзлари уларни ӱйлантириб қўяди: «Ахир.

ўзинглар ўйлаб кўринглар. Меҳмонга боролмасак, меҳмон чақиролмасак, хоҳлаган кийимимизни кия олмасак, кўнглимиз тусаяган овқатни пишириб ея олмасак. Кино-театрларга бориш у ёқда турсин, уйимиздаги телевизорни фақат «Оталар сўзи, ақлнинг кўзи» бўлганидагина кўрсак...»

Бунақа баҳс-мунозаралар томошабинлар даврасига ҳам кўчиши турган гап. Боя эслатилганидек, Фармон бибининг хатти-ҳаракатлари баъзи бировларга Ҳожи онани эслатса, бошқаларда бутунлай ўзгача таассурот қолдиради. Муаллиф бадиасида эслатганидек, пьесани томоша қилган қайноналар «Нимаси ёмон, ҳаммаси тўғри! Оила бир қўлда бўлса, нимаси ёмон?!» Комедия муаллифи «доно ўзбек онасини улуғлаган!» дейишган. Келинлар эса: «Менинг ҳам шунақа қайнонам бўлса жон-жон дердим! Ишдан келсам овқатим тайёр бўлса, болаларимдан кўнглим тўқ бўлса, ҳатто шиппагимни ҳам яматиб кўйса, бозорга бормасам. Пайпоқдан тортиб ич кўйлаккача ўзи опкелиб берса! Бунақа қайнонани қаёқдан топасан?!» дея Фармон бибининг ёнини олишган.

Қисқаси, Фармон биби «кескин танқид», «қоралаш», «фош этиш» принципи асосида яратилган Ҳожи она типигаги персонажлардан фарқли ўлароқ, табиатидаги кам-кўстлари, зиддиятлари, манфий ва мусбат, ожиз ва улуғвор жиҳатлари билан намоён бўлган чин ҳаёт одамидир. У оилада ҳар қанча ҳукмбардор, ҳокиму мутлоқ тарзида кўринмасин, унинг табиатида Ўзбек ойимда бўлгани каби қандайдир ғаройиб жозиба — самимият, адолат туйғуси мавжуд. Худди Ўзбек ойим каби у ҳам бир вақтлар эрига ўткир бўлган. Юрса, ер титрайдиган, йўталса, дарахтдаги қушлар пор этиб учиб кетадиган, акс урса, осмонда момақалдиरोқ бўлиб, чақмоқ чақнайдиган одам — раҳматли эри Азим шер бўла туриб Фармон бибининг бир гапини икки қилган эмас. Ҳар куни эрталаб унга эгилиб салом берарди. Етти ўғлон, олти келини, набиралари унинг измидан чиқмайди. Мана энди кичик келин Нигора исёни туфайли оилада ўрнатилган барқарор тартибот издан чиқаётган, бошқа келинлар ва ўғлонлар ҳам кенжа келин томонига ўтаётган экан, бошда Фармон биби буни ҳазм

қилолмай тўлғонади, лекин бора-бора онги-қарашларида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Гарчи ўз жигарлари бўлса-да, уларнинг ҳар бири инсон, алоҳида шахс эканини, ўз майли, хоҳиш-истак, орзу-мақсадлари борлигини, ўз хоҳишича оила тутишга, яшашга ҳақли эканини англай бошлайди. Пировардида мардларча бу ҳақиқатни тан олади. У қанчалар ўжар бўлмасин, айти пайтда беназир танти бир инсон. Биргина мисол: Фармон биби дастлаб кенжа келиннинг “беҳаё” қилиқларини кўрганда ўз ўтмишини ёдга олиб: «Отанг раҳматлик шундоқ Азим шер бўла туриб бир марта ҳам кундузи ўпмаганди. Болалар ухлагандан кейин, чироқни ўчириб кейин ўпардилар... Менинг уйимда бунақаси кетмайди. Кўрсатиб қўяман», дея ҳайкиради. Охир-оқибат мана шу «беҳаё» келин шўхликлари замирида ҳам самимият борлигига, у ҳам ўзича ҳақ эканига иқдор бўлади. Нигорага қарата: «Кенжатоим Тўхтавойдан кўнглим нотинч эди. Ўлиб кетсам бу бўшашганнинг ҳоли нима кечади, дердим. Бахтимга сен учрадинг. Энди кўнлим тинч», дейди. Қисқаси, инсон зоти шунақа ношукур банда. Шоир айтмоқчи, чархи кажрафторнинг шевасини, замона зайлини қарангки, «пошшо хотин»нинг эзгу мақсадлар йўлида қатъият билан олиб борган жонбозликлари тукқанларига ҳам ёқмайди, шу пайтгача бу аломат аёл ўғлон ва келинларини ўз чилдирмасига ўйнатиб келган бўлса, энди уларнинг чилдирмасига ўйнашга, улар қаршисида таслим, кулги-масхара бўлишга мажбур. Худди Дон Кихот каби жангда танҳо бу «пошшо хотин» охир-оқибат мағлуб. Бу умумбашарий трагикомедиянинг ўзгинаси.

Асарга ажиб фойз, ўзгача руҳ бахш этган сеҳрли омил – айти шу: ҳам ўта миллий, ҳам умумбашарий кулгидир. Бу одамга одамнинг меҳрини товлантирадиган, одамдаги ҳамдардлик, меҳр-мурувват туйғусини оширадиган, теран инсонпарварлик туйғуси билан йўғрилган ҳаётбахш кулгидир. Айти пайтда одамни ўйга толдирадиган шўх ва ҳазин бир кулгидир. Биз саҳнада Фармон биби, унинг ўғиллари, келинлари хатти-ҳаракатини кўриб-кузатиб кўздан ёш чиқар ҳолатда хандон отиб куламиз ва театр залидан шу одамлар

билан дўст, кадрдон тутиниб чиқамиз. Шу билан баробар танти, мағрур, «пошшо хотин»нинг мағлуб ҳолатидан қисман ўқинамиз. Бугина эмас, агар синчиклаб қаралса, асар фақат шу хилдаги шўх ва ҳазин ҳазил-мутуйибалардангина иборат эмас. Ўша ҳазил-мутуйибалар замирида авваллари биз пайқамаган жиддий маъно мавжудлигини – комедиядаги қувноқ ҳазил ва қулги билан йўғрилган ҳодисалар ифодасида асар ёзилган, саҳнага чиққан кезлардаги жиддий бир ҳодисага – барчани тенглаштиришга, одамларни бир қолипга солишга йўналтирилган сиёсатга – «совет ҳаёт тарзи» ва унинг инқирозига ишоралар борлигини ҳам кўриш қийин эмас.

«Келинлар қўзғолони»нинг шу каби биз билган ва билмаган фазилатлари беҳисоб. Комик тил, ифода бобида эса бу асар XX аср ўзбек адабиётида ноёб ҳодиса. Йигирма чоғли персонажнинг ҳар бири бошқасиникига ўхшамайдиган ўзигагина хос сўзлаш, фикрлаш тарзига эга. Танқидчилик ҳали бу асарнинг жаҳоншумул доврўғи сабаблари, сир-синоатини асар матни таҳлили асосида илмий кашф эта олгани йўқ. Лекин бир нарса аниқ: Қодирий бошлаб берган ўзбекнинг ўзлигини, миллий менталитетини, гурури, шаънини улуғлаш анъанаси комедиянинг бош қаҳрамони Фармон биби тимсолида ғоят ёрқин, жозибадор, бетакрор тарзда намоён бўлган. Бу ғаройиб адабий тимсол ўзбек миллий адабиётига ҳам, муаллифга ҳам катта обрў, шон-шухрат келтирди.

Комедия муаллифи бадиасида ёзганидек, Фармон биби қалъасига қилинган штурмларга қарамай, ғанимлар уни забт этолмадилар, илоҳий адолат, холис ниятли асл одамларнинг аралашуви, ҳимояси туфайли асар юзага чиқди, кенг жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлди, сал фурсат ўтмай худди «Шоҳи сўзана» каби кўплаб ҳамдўстлик мамалакатлари саҳналарида қўйилди; Москвадаги кўрикда «мафкуравий-сиёсий юксак», «дохий» образи яратилган жиддий асарлар қолиб «ножиддий» бу комедия катта совринга сазовор бўлди, «Правда» газетаси уни юксак баҳолади. «Ишончсиз кимса», «халқ душмани» сифатида қоралангани учун умр бўйи хорижга чиқмаган адиб айти шу асар туфайли Хитойни,

Американи кўриш шарафига муяссар бўлди. Умри машаққатлар ичида ўтган адиб ҳаётининг энг кувончли кунлари шу комедия довуруғи билан боғлиқ. Бадида муаллиф мануният билан шуларни ёзади:

«Тошкентда бир янгилик кутиб турганди. Хитой Халк Республикасининг Урумчи шаҳрида Уйғур автоном вилоятининг театри «Келинлар кўзғолони»нинг премьерасига чакирибди. Эртасигаёқ йўлга чиқдим. Шу баҳонада Қашқар, Ўримчи, Ғулжа шаҳарларини кўрдим. Маҳмуд Қошғарий. Юсуф Хос Ҳожиб, Қорахонийлар давлатининг асосчиси Сўтук Бугрохон ҳамда шайх Убайдуллоҳ Офоқ Хўжам макбараларини зиёрат қилдим.

Уйғур санъаткорлари асарни жуда яхши саҳналаштирган эканлар. Хурсанд бўлиб қайтдим.

Ана шундан кейин турли мамлакат ва қардош республикалардан премьерарага таклифлар кела бошлади. Лаос, Мўғулистон театрлари ҳам асарни ўз томошабинларига кўрсатишди. Грознийда Нуриддинов номидаги Чечен-Ингуш театри билан Жанубий Осетия театрларидан ҳам таклифнома келди...

Айниқса, олис Американинг Нью-Йорк шаҳридаги «Возрождение» театрида пьесанинг намоёиш қилиниши мен учун етти ухлаб тушимга кирмаган, ҳатто орзу қилишим ҳам мумкин бўлмаган бир бахтли ҳодиса эди. Нью-Йорк телевидениесида кўрсатилган рекламада «Бунт невесток» сўзларининг жаҳонга машҳур Озодлик ҳайкали атрофида айланиши ва унда менинг ҳам номим ёзилганини кўриб ҳаяжонланиб кетдим»¹.

Саид Аҳмад прозанинг ўрта ва йирик жанрларида ҳам баракали ҳалам тебратди. Урушдан кейинги қишлоқ ҳаётидан «Қадрдон далалар» (1949), коллективлаштириш давридан ҳикоя қилувчи «Ҳукм» (1958) повестларини яратди. Ўзбек адабиётида нисбатан суст ривожланган детектив турга кўл

¹ Саид Аҳмад. Киприкда қолган тонг. Т., «Шарқ», 2003, 311 – бет.

уриб «Суд», ҳажвий саргузашт «Гилдирак» қиссаларини ёзди. Замон «адабий қолиплари» доирасида битилган «Қадрдон далалар» ва «Ҳукм» ёзувчи учун йирик насрий асарлар яратиш йўлида бир тажриба бўлиб қолди», «Суд» билан «Гилдирак» эса қизиқинш билан ўкиладиган асарлар сирасидандир. Адибга шуҳрат келтирган йирик насрий асари «Уфқ» трилогияси бўлди.

«Уфқ» трилогияси ёзувчи ижодида алоҳида ўрин тутади. Санд Аҳмад бу асар устида ўн йилдан ортиқ тинимсиз тер тўқди. Асар халқ ҳаётининг ўн йиллик даврини – уруш арафаси, уруш ва урушдан кейинги йилларни қамраб олади. Трилогия аниқ тарихий ҳодисалар – халқнинг меҳнатдаги тинимсиз жасоратини жонли гавадалантириб берувчи бадиий ҳужжат сифатида ҳам қадрли.

Бироқ трилогиянинг қиммати фақат шу билангина чекланмайди. Энг муҳими, адиб худди ўша тарихий ҳодисалар фонида халқнинг маънавий бисотини очади, меҳнаткаш халқ характериға хос азалий фазилатларни – мардлик, тантилик, олижаноблик, бирдамлик, жамоат ишиға фидойилик, ҳамжиҳатлик ва коллективизм туйғуларини ғоят самимият билан ҳаққоний гавадалантириб беради. Худди ана шу фазилатлар туфайли халқ қирқ беш кун ичида қўл кучи билан улкан қанални бунёд этади, уруш даврининг ададсиз азоб-уқубатларини, мусибатларини енгиб ўтади, оғир дамларда одамлар бахтини, ризки рўзини деб чўлларға от солади, уруш доғларига даво истаб фидокорона меҳнатға отланади.

Трилогияда халқ ҳаёти, ҳаракати, оммавий сахналар тасвири, халқ фазилати мадҳи билан алоҳида шахслар тақдири, ўзига хос олами ифодаси узвий тарзда бирлашиб, туташиб кетган. Ҳар бир персонажнинг ўз ҳаёт йўли, тақомили, характери, бетакрор хусусиятлари жонли, аниқ чизилган. Ёзувчи етакчи персонажларнинг руҳий оламиға чуқур кириб боради, қалб торининг нозик оҳанглариини сўз қудрати билан суратға солади.

Романдаги Икромжон образи – ёзувчининг жиддий ютуғи. Бу одамнинг кучли томонлари ҳам, заиф жиҳатлари

хам рўй-рост кўрсатилган. Энг муҳими, Икромжон – пок одам. Унинг фикри-хаёли Ватан, халқ ташвиши билан банд. У эл-юрт учун мардона курашган киши. Мана шу пок, бегубор, садокатли одам оиласида нопок одам пайдо бўлиб қолади – унинг яккаю ягона ўғли қочок, хоин бўлиб чиқади. Бу ҳол Икромжон қалбига зўр изтироб солади. Икромжон нури дийдасининг нопок одам бўлиб чиққанидан ниҳоятда ғазбланади, ор-номус, виждон азобида куйиб-ёнади, у ўғлини оқ қилади, ортидан уни ўлимга маҳкум этади, ўғлининг шу хил одам бўлиб чиқишида ўзи ҳам айбдор эканини эътироф этади, мана шу нарсга айниқса уни қийнайди; айти пайтда, қалбининг каеридадир ўзи оқ қилган фарзандига оталик меҳрини сақлаб қолади. Икромжон қалби, айниқса, қочок ўғли Турсунбой билан учрашув-тўқнашув лавҳасида ёрқин намоён бўлади. Бу лавҳани асарнинг олий нуқтаси дейиш мумкин. Ёзувчи қисқа бир муддат давомида қаҳрамон руҳиятида юз берган кескин, зиддиятли ва ўта нозик жараёнларни ҳассослик билан кўрсатади. Икромжоннинг узок жудоликдан, қочок ўғил ҳақидаги қатъий ҳукмдан сўнг тасодифан унга дуч келганда, дастлаб бир дақиқа аввалги ғазаб ва изтиробларни унутиб қўйиши, оталик ҳисси-меҳри кўзиб, ўғлини бағрига босиши, сўнгра ўғлининг қилмишлари ёдига тушиб, уни қўйиб юбориши, бояги меҳрнинг нафрат билан алмашиши, бола доғида ўлиб кетган она қисматидан ўғилнинг хабардорлигини билгач, Икромжондаги нафрат ғазабга айланиши, ўғлини қалтаклаши ва, ниҳоят, қочок ўғил ортидан ўқ узиши, ўқ тегмагач, бу ҳолдан таскин топиб «Хайрият» деб юбориши – буларнинг ҳаммаси маҳорат билан ифодаланган.

Агар асарда Икромжон образи чуқур психологик планда кўрсатилган бўлса, бошқа етакчи персонажлар, чунончи Дилдор лирик, Азизхон лиро-романтик, Асрора юмористик, Иноят оқсоқол сатирик бўёқлар орқали ифодаланган.

«Уфқ» трилогиясининг биринчи китоби – Катта Фарғона канали қурилиши воқеаларига бағишланган «Қирқ беш кун» романи бош қаҳрамони Азизхон ҳам танқидчиликда ёзувчининг ютуғи сифатида баҳоланди. Муаллиф қудратли

халқ ҳаракати манзараларини алоҳида шахс – бош қаҳрамон Азизхон тақдири тадрижи билан туташ ҳолда беради. Романда Азизхоннинг қисқа бир муддат – қирқ беш кун ичидаги ҳаёти акс этган. Шу қирқ беш кун унинг бутун борлигини алғовдалғов қилиб юборади. Кечагина кўча чангитиб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб, куч-қувватини қаерга қўйишни билмай, юрт кўзидан четда, майда, бесамар ишлар билан шуғулланиб юрган бола қудратли халқ ҳаракати – канал қурилишига келади-ю, меҳнат қаҳрамонига айланади, халқ назарига тушади, давлат арбоблари эътиборини ўзига тортади; илк бор у ўзининг ҳаётдаги ўрни, эл-юрт, ота-она олдидаги бурчи ҳақида ўйлай бошлайди; энди у ўз қилмишлари ҳақида ўзига ҳисоб берадиган бўлиб қолади. Шу қирқ беш кун ичида унинг ҳаётида бутун умрга татиғулик ҳодисалар бўлиб ўтади; ихтиёрсиз никоҳ қурбони бўлаётган севгилисини ҳалокатдан қутқаради, унинг васлига эришади, севги васлининг тотли дамларини туяди, севгилисидан жудо бўлиб, ададсиз қийноқлар ичида қолади, шу муддат ичида бошқа бир гўзал аёлнинг илтижою илтифотларига сазовор бўлади...

Романдаги Асрора образида ёзувчи услубининг бошқа бир қирраси намоён бўлади. Шўх-шаддод эркактабиат бу қиз кўринган жойда ҳар доим қувноқ қаҳқаҳа авжга чиқади. У масҳарабоз эмас, «дарди йўқ кесак» ҳам эмас, унинг қалбида ҳам ҳасрату надоматлар тўлиб-тошиб ётибди. Дугонаси Дилдорга у шундай ҳасрат қилади: «Сен ўлгурнинг бирон ерингда меҳриғиёнинг борми дейман, ҳадеб атрофингда йигитлар ўралашаверади. Кўзинг ўлгурни сузсанг керакки, шундоқ қилишади. Нега менга биров қарамайди?.. Муштдек бошинг билан учинчи йигитнинг бошини айлантиришинг. Эрдан чиққан хотиндан иситган ошнинг ҳиди келади, дейишарди, сен ўлгурдан нега келмайди?

Ҳа, сен чинакамига чиройли жувонсан. Зуваланг пишиқ экан. Сира айнамайсан. Мен унақамасман. Дала, офтоб тигидаги иш мени жуда хунук қилиб қўйган. Ундоқ десам, ўзим ўлгурда йигитларнинг кўзини ўйнатадиган ҳеч нарсам йўқ. Отам раҳматлик ўғилга зор бўлиб кута-кута ўғил

кўрмагандан кейин мени ўғил бола қилиб ўстирди. Эсингда борми, то бўйим чўзилгунча ҳам шим киярдим. Белимга чорси боғлаб мактабга келардим. Ўғил болалар билан кураш тушардим. Қайнатанг ўлгур мени нима деганини биласанми? Жигига тегаверганимда, сен от қизсан, деган. Ўшанда қон-қон йиғлаганман. Қандай қилай, ўртоқ, юзимга упа сурсам ярашмаса, лабимга кизил сурсам ярашмаса, худди циркдаги масхарабозларга ўхшаб қоламан.

Майли, мен учун ҳам сен йигитларга ёқавер».

Ҳазил-мутуйиба билан айтилган бу гапларда қанчалар драма-дард бор! Қиз бола учун булар ҳазилакам кўргилик эмас. Бунинг устига уруш тугаб кўплар қайтиб келади-ю, унинг севган ёри қайтмайди. Булар қиз қалбини изтиробга солади, лекин у кулги, ҳазил-мутуйибалар билан ташвишларини енгади, ўзгаларнинг ўртанган кўнглига шодлик олиб киради, далда беради, дугонаси Дилдорни ҳаётнинг катта йўлига чиқиб олишида муҳим рол ўйнайди. Бугина эмас, бу довюрак қиз тошқин пайтида зўр жасорат кўрсатади, ўзгаларнинг ёрига кўз олайтирган шилким йигитни шарманда-ю шармисор этади; пировардида у ажойиб ташкилотчи, жонкуяр раҳбар бўлиб етишади, катта хўжаликка бошлик-раислик лавозимига кўтарилади.

Адиб Асрора тасвирида чўл ҳикояларидаги йўлни тутадн – кулги орқали қаҳрамонликни ифодалайди. Лекин чўл ҳикоялари персонажларидан фарқли ўлароқ, Асрора маълум даражада фожейй шахс. Адиб адабиётда кам учрайдиган ҳам фожейй, ҳам қаҳрамонлик, ҳам комик хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган миллий оригинал образ яратади.

Ҳажвий образ – Иноят оқсоқолни ҳам кулгилн. ҳам жирканч қиёфада кўрамиз; у мумсик, мол-дунёга ниҳоятда ўч кимса; ёзувчи бу одам қиёфасини гавдалантирадиган ёрқин лавҳаларни яратади, хусусан, унинг милиционер билан тўқнашуви таъсирчан чиққан. Оқсоқол жиноят устида қўлга тушади, энди у тадбиркор милиционер кўлидан чиқиб кетгани амри маҳол, шунда у ялинади, бўлмайди, пора бермоқчи бўлади, милиционер кўнмайди, охири милиционерни ўзининг

ўлсин. деб қарғайди. Шунда каттиққўл милиционер кизик ҳолатга тушади, урушда ўғли ўлиб биргина норасида билан қолган. ўлимдан юрак олдириб қўйган бу жафокаш одам, гарчи ақидаларга ишонмаса ҳам, ўзини йўқотиб қўяди, аблах кимсани қўлдан чиқаради. Бу тўқнашув, руҳий ҳолат тасвири ҳам катта маҳорат маҳсули.

Муаллиф оксоқолнинг кулгили, жирканч қиёфасини фош этиш билан баробар, асосий диққат-эътиборни унинг аянчли қисматини, фожиасини кўрсатишга қаратади. Агар китобдаги Икромжон ўлими мардона ўлим бўлса, оксоқол ўлими аянчли ўлим. Икромжон ўзгаларга ҳаёт бахш этиб, қалб қўри билан ўзгалар дилини иситиб, олис уфқларга йўл очиб осонгина оламдан кетса, оксоқол ўзи йиққан мол-дунё оловида куйиб қоврилиб, ўзгаларни ҳам қовуриб, азоб-изтироб билан қийналиб жон беради. «Гўё қандай яшамаслик, умрни қандай ўтказмаслик тўғрисида каттакон театр қўйилаётибди-ю, одамлар келиб бу томошадан ўзларига хулоса чиқариб кетаётганга ўхшар эди», – деб ёзади муаллиф унинг азаси ҳақида.

Оксоқол жўнгина ўлиб қўя қолмайди, ўла туриб у хонадонга бамисоли секин таъсир этадиган оғу қолдириб кетади. Ўғилларидан бири – холис ниятли Низом отадан қолган ҳаром йўллар билан топилган меросни ўз эгасига – халққа топширади. Бошқа ўғил Аъзам эса унга маҳкам ёпишиб олади, бу унинг вужудини заҳарлайди, ҳаром мулк уни яна ҳам тубанликка тортади, мулк деб қабиҳ жиноят қилишга бориб етади, ўз жигари – Низом жонига қасд қилади, Маҳбубадан юз ўгиради ва пировардида шу оғу заҳри таъсирида ҳалок бўлади.

Ёзувчининг ҳажвий ҳикояларида характерли бир камчилик бор: адиб ҳажвияларидаги кулги кўпроқ вазият кулгиси бўлиб, санъат кулгисининг юксак хили – характер кулгиси заифроқ. «Уфқ»да ёзувчининг ҳажвий маҳорати ҳам ошган. Иноят оксоқол устидаги кулги – айрим камчиликларига қарамай – характер кулгиси, у ёрқин сатирик характер даражасига бориб етган. Ёзувчи ундаги комик хислатларнинг

манбаларини, ҳаётдаги илдизларини ҳам очган; уруш йилларидаги оғир шароит, йўқчилик уни шу кўйларга солиб қўйган; илгари ҳам оқсоқолда худбинлик, хасислик белгилари бор эди, оғир синов йиллари эса бу белгилар ўткирлашди. Уруш даврида жон сақлаган оқсоқолнинг бошқа шароитда, тинчлик кунларида яшаши, эркин ҳаракат қилиши мушкул бўлиб қолади. Қолаверса, адиб комик тасвирни аналитик тасвир даражасига кўтаради.

«Уфқ» бир неча бор нашр этилди, қардошларимиз тилига таржима қилинди, қўлдан-қўлга ўтиб ўқиладиган севимли асарлардан бирига айланди, 1977 йили шу асар учун муаллифга Ҳамза номидаги давлат мукофот берилди. «Уфқ» фақат ёзувчининг ютуғи бўлиб қолмай, «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар» каби 60-70-йиллар ўзбек насрининг камоли ва жамолини кўрсатувчи асарлар қаторида туради.

«Уфқ»дан кейинги йирик насрий асари «Жимжитлик» романидир. Аввало романнинг яратилиш тарихи ҳақида икки оғиз сўз. Саид Аҳмад 1970 йили «Жимжитлик» деган ҳикоя ёзган эди. Ҳикоя ўша йилнинг ёзида, адибнинг эллик ёшлик тўйи кунларида «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган эди. Ҳикояда кўп аччиқ савдоларни бошидан кечирган одамнинг ҳаёти, асаб дардига даво, жимжитлик истаб ўзи туғилиб ўсган тоғ кишлоғига келиши, бу ерда жимжитлик эмас, ҳаёт суронлари ичида дардига таскин топиши ҳаяжон билан тасвир этилган эди. Шу тариқа ҳикоядаги воқеалар кўлами кенг, ундаги ҳодисалар тасвирига ҳикоя бағри торлик қилгани шундоқкина сезилиб турарди... Орадан ўн йил ўтгач, 1980 йил ёзувчи ўша ҳикояга асос бўлган мавзуга яна қайтади, адибда уни романга айлантириш нияти пайдо бўлади, романнинг бир неча боблари қоғозга тушади, асардан каттагина бир боб — Нурмат тоға қисмати билан боғлиқ воқеалар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилади. Аммо роман устидаги иш негадир поёнига етавермайди. Роман 70-80-йиллар ҳодисалари, турғунлик даври воқеа-муаммолари ҳақида эди. Эҳтимол, 80-йилларнинг бошларида бу жараён ҳали интиҳосига етмагани, ўз ечимини топмагани, аниқ-

равшан баҳосини олмагани учун ҳам ўша кезлари роман устидаги иш кўнгилдагидек юришмагандир. Ниҳоят, 80-йилларнинг ўрталарига келиб бутун жамиятни бўҳронлар олди ҳолатига олиб келган жараёнларнинг сабаблари ошкор бўла бошлади. Ҳаётнинг ўзи берган ечим роман устида узоқ давом этган машаққатли ижодий ишни якунлашга имкон яратди. 1987 йили роман ёзиб тугатилди, 1988 йили «Шарк юлдузи»да эълон қилинди.

Шуниси характерлики, «Жимжитлик» турғунлик йиллари ҳақидаги ўзбек адабиётида пайдо бўлган яккаю ягона асар эмас. Дастлаб Одил Ёқубовнинг «Оқкушлар, оппоқ кушлар»и, сўнг Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор», Нурали Қобулнинг «Унутилган соҳиллар», Омон Мухторнинг «Эгилган бош» романлари турғунлик даврининг хилма-хил ходиса, жумбоқлари ҳақида баҳс этади. Уларнинг ҳар бири ўша давр ҳақиқати, муаммолари, зиддиятларини хилма-хил жиҳатдан ёритади. «Жимжитлик» ана шу романлар орасида ўзига хос ўрин тутади.

«Жимжитлик» романига хос асосий хусусиятлар нималардан иборат? Ҳаммадан бурун роман Саид Аҳмадга хос халқчил руҳ билан суғорилган. Саид Аҳмад истеъдоди юқорида таъкидлангандек, тартибларни унча хуш кўрмайдиган, қолипларга бўйсунавермайдиган «бебош»роқ бир истеъдод. Мана шу «бебошлик» романга алоҳида оҳанг, ранг, файз бахш этган. Тасвирдаги гоҳ ҳазил-мутойиба, беозор юмор, гоҳ кескин драма, ғам-алам, кўнгилдаги фиғон, гоҳ ошкора публицистика, гоҳ майин лиризм, романтика, гоҳ нозик психологик таҳлил, гоҳ детектив саргузашт, гоҳ ўта ҳаётий, табиий лавҳалар, салгина пардаланган, айнан бўлиб ўтган воқеалар, реал шахслар, гоҳ муболағадор лоф-қофлар, ярми ёлғон, ярми чин афсона-ривоятлар – буларнинг эркин алмашуви романга ўзига хос хусусият бахш этган. Романнинг фазилатлари, ожиз жиҳатлари ҳам мана шу «бебошлик»да. Фавқулудда детектив-саргузаштларга, лоф-қофларга, ошириб-тоширишларга ўта маҳлиё бўлиб кетиш туфайли романнинг бадиияти учун ҳаёт-мамот масаласи бўлмиш характерлар

рухияти таҳлилин, маънавийлик кўн ҳолатлари билан таърифлашди.

Роман қаҳрамонлари ҳам рави барини Мирвали билан ҳаддидан ошган, қонунибузар, ҳаёт нормаларининг асосини ақидаларимизни оёқ ости қилган кимсалар, унинг Шавкат Раҳимов, Луқмонов сингари юқори мансобидаги амалдорлар билан ҳамкорликда олиб борган қатъий сингари, ашроқчилар, шафқатсизликлари, улар орасидаги ўзаро нисбатлар билан мафия – уюшган жиноятчиларнинг фони устидан ҳам жамъиятнинг

Иккинчи томондан, Толибжон, Оралли чавандоз, Равшанбек, унинг мушфиқ онаси, Бодомгул сингари жабрдийдалар, Мирвалилар, Шавкат Раҳимовлар яратган муҳит қурбонлари. Айниқса, асарда Оралли чавандоз билан Бодомгул фожиаси ўқувчини ларзага соладиган даражада чиққан. Бутун ҳаёти эл-юрт хизматида меҳнатда ўтган, фашистларга қарши урушда от миниб душмanning додиди берган, ўта соддадил чавандознинг кексаликдаги Мирвали томонидан таҳқирланиб телба ҳолига тушиб қолиши воқеалари билан танишганда ўқувчи ўзини кўярга жой тополмай қолади. Худди ўша шафқатсиз кимса Мирвали қилмиши туфайли ҳам ўғлидан, ҳам қишлоқ булбули саналган келини Бодомгулдан айрилиб изтироблар ичида қоврилган, ўша мушкул дамларда ҳам қалб саҳоватини сақлаб қололган Рисолат кампирнинг хатти-ҳаракатлари ўқувчини ҳаяжонга солади. Қаранг, кампир Мирвали келинини йўлдан урганини билади, баҳоли қудрат уларни тартибга чакиради, соддадил ўғлига ачинади, аммо ўғлининг турмуши бузилмасин деб бу сирни ичига ютади. Диёнатли кампир ҳаром йўлларга кирган келинидан юз ўгиради, унинг қўлидан овқат емайди, ҳаром бисотдек ундан ҳазар қилади. Аммо келин ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб ўз жонига қасд қилганида, ювилиб тобутга солинганида унинг тобути тепасида туриб, унинг гуноҳларидан ўтади, бу жувонмарг аёлнинг қисмати туфайли ич-ичидан ўртаниб фарёд чекади. Республика олти миллионли оқ олтин хирмони кўтариб «довруғ» таратаётган бир кезларда Бодомгул учун қафанлик тополмай одамлар сарсон

бўлганларида кампир ўз ўлимлигига аталган кафанлигини Бодомгул учун инъом этади... Умуман, Эрали чавандоз, шунингдек, Бодомгулнинг қайнонаси Рисолат кампир образлари ёзувчининг жиддий ютуғи, бадий кашфиёти.

Асарда учинчи гуруҳ қаҳрамонлар – Жайрона, кейинчалик унга қўшилган Толибжон, қасоскор Азизбек – булар қаллобликка, турғунликка-жимжитликка қарши бош кўтарган курашчи қаҳрамонлардир.

Асар бекорга «Жимжитлик» деб аталган эмас. Жимжитлик романда «турғунлик» сўзининг синоними сифатида қўлланган. Бу роман турғунлик даври ҳақиқатини ўзига хос тарзда ифода этувчи, шавқ билан ўқиладиган романдир.

Истиқлол йилларида Саид Аҳмад зўр ғайрат билан ижодий фаолиятини давом эттирди. Шу пайтга қадар Шинжон сафарини мустасно этганда Ватанидан ташқари чиқмаган адиб Ҳиндистон, Америкага сафарлар қилди, одатдагидек она юртини ҳам кезишда давом этди, сафар таассуротлари, истиқлол йилларидаги ўзгаришлар ҳақида кўплаб мақола, очерклар ёзди. Мустақилликнинг қувончли кунларида ҳам, ғанимлар қутқуси туфайли юрт бошига тушган қайғули дамларда ҳам ҳамиша қатъият билан истиқлол фидоийларининг олдинги сафида турди. Оқсоқол адибнинг турли анжуманларда, радио ва телевидениедаги чиқишларида топиб айтган ҳар бир образли, доно сўзи халқ қалбига етиб боргани, оғизга тушганига ўзимиз гувоҳ... Адиб аввалгидек қувноқ, жўшқин ҳажвиялар, ўйчан, ғамгин, фожей, айни пайтда дилбар лирик ҳикоялар яратишда давом этди. Биринкетин «Хандон писта», «Бир ўпичнинг баҳоси», «Йўқотганларим ва топганларим», «Қоракўз мажнун» каби китоблари, янги сайланма асарлари чоп этилди. Адибнинг 1979 йилдан кейин чорак аср устози Абдулла Қаҳҳордан мерос қолган Дўрмондаги боғ ҳовлисида қишин-ёзин танҳоликда кечган ҳаёти ғаройиб жумбоқдир. Бутун вужуди, тани-жони адабий истеъдод нури билан йўғрилган, фақат адабиёт, ижод учун туғилган, ботиний дунёси ҳам фожей, ҳам қувноқ,

хаётбахш ҳазил-мutoйиба, кулгини мужассам этган, узоқ йиллик машаққатли умри давомида бошга тушган оғир кўргилик асоратларини, мислсиз фожиаларни, ёлғизлик изтиробларини ҳазил-кулги билан енгиб ўтган бу аломат зот XX аср ўзбек адабиётида ноёб ҳодисадир.

90-йиллари яратган асарлари орасида айниқса хотиралар китоби, «От билан суҳбат», «Қорақўз мажнун», «Сароб», «Офтоб ойим» ҳикоялари алоҳида ажралиб туради. Улар Республика адабий-маданий ҳаётида жиддий ҳодиса сифатида баҳоланди.

«Қорақўз мажнун» ҳикоясида, бир томондан, узоқ ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган шахснинг сўнгги видолашув дамлари, руҳий-маънавий эврилишлари, иккинчи томондан, инсон ҳаётида қувонч ва ўкинч, алам-армонларнинг ёндош, изма-из келиши ҳодисалари қаламга олинади. Саксонни қоралаган Саодат аянинг кўп йиллик орзуси ушалади; ая нафақасидан йиққан пулларини ҳажга кетаётганлардан «Ҳожи бадал» учун бериб юборган; ниҳоят, аянинг «Ҳожи бадал» бўлгани тўғрисидаги хушхабар-хужжат келади. Айни шу дамларда ўттиз йилдан бери дийдорига зор, армия хизматиға кетиб, олис Россия қишлоғида уйланиб, болачақали бўлиб у ерларда қолиб кетган ўғли ҳам қайтган. Афсус, бу қувончлар унга татимайди. Ўғлон аллақачон тилини, дилини, исмини, ўзбеклигини, энг ёмони иймонини, динини йўқотган, насроний динини қабул қилган. Бугина эмас, ўлиб кетган насроний қайнота касби хунарини қўлга олиб черков хизматчиси, қўнғироқчисига айланган. Унинг учун энди оламдан ўтган ота руҳи, қари она, ака-укалар, опа-сингиллар, Ватан, мустақиллик, юртдаги ўзгаришлар — барча-барчаси бегона. Булар уни мутлақо қизиқтирмайди.

Ҳикоя бошдан-оёқ Саид Аҳмадга хос тароватли ва марокли миллий руҳ билан йўғрилган. Нафосат ва назоката тўла миллий ҳаёт тарзи, удумларимиз қаршисида бегона ўғлон бу муҳит учун яна ҳам бегоналаша боради, охир-оқибат ҳатто мурувватга тўла она қалби ҳам уни рад этади. Лекин, барибир, бу нобакор бандани онанинг ўзи тукқан, ўзи оқ сут бериб,

опичлаб, эркалаб катта қилган. Бунинг учун она ўзини маънавий жиҳатдан гуноҳкор санайди. Доимо Аллоҳни дилидан, тилидан кўймайдиган, беш вақт намозини қанда қилмайдиган, умрини ҳалол ва пок яшаб ўтган, охирида «Ҳожи бадал»лик мақомига ҳам эришган онахон шу гумроҳ фарзанди туфайли алам, ўқинчу армонлар билан жон таслим этади.

Фожей йўналишдаги бу ҳикоя Саид Аҳмадга хос енгил ҳазил. ғаройиб бир ҳаётбахш юмор билан жилоланган. Саодат аянинг ёшлиги, гўзал жамоли, узун сочлари билан алоқадор жиндай муболағадор, ҳазил аралаш хотиралар нақадар мароқли! Унинг садоқатли шўх, бебош кучуги – Қорақўз мажнунга муносабати, қойиши, насихат, илтижоларида ўзбекона меҳр-мурувват барқ уриб турган ҳазил-мutoйибанинг ёрқин намунасини кўрамиз. Ниҳоят, Саодат аянинг яқинлари, фарзандлари билан видолашув чоғидаги сўнгги илтижоси –бу энди мўъжиза дейишга лойиқ бадиий ихтиродир. Ая ўғиллари олдида сўнгги илтижосини айтишдан ийманиб жилмаяди, жилмайган ҳолда, барибир, қизига юрагини ёзади: азага келган яқинлари олдида хунуги чиқиб ётмаслик учун қизидан қошига ўсма тортиб қўйишини сўрайди... Бу кексаликда ҳам ёшликдаги чиройини йўқотмаган, кўнглидаги гўзаллик туйғуси сўнмаган, одамларга фақат эзгулик, гўзаллик улашиб ўтган, ҳатто ўлиги ҳам бошқаларнинг дилида хунук таассурот қолдиришини истамаган гўзал инсоннинг қалб сеҳри изҳоридир. Энг тигиз видолашув дамларидаги шу ҳол одамлар кўнглига енгил табассум бахш этади.

Иккинчи муҳим жиҳат – Қорақўз мажнуннинг қисмати билан боғлиқ. Буни ҳаёт дейдилар... Бегона ўғил-ку она ҳолини, кўнглини сўрамай, суриштирмай йўлга отланади, она ўлиmidан сўнг меҳрибон фарзандлар ҳам секин-аста бу жудоликка кўникиб ўз юмушлари, ташвишлари билан овора бўла бошлайдилар. Фақат катта хонадоннинг тенг аъзосидек бўлиб қолган Қорақўз мажнунгина бу ҳолга кўниқолмайди; меҳрибони кампирни қўмсаб, унинг изини излаб бетиним елади, қариндош-уруғларники томон югуради. Орадан икки

ойлар чамаси вақт ўтиб бу кучук кампирнинг кўп қаватли уйда яшайдиган қизи хонаси деразасидан аянинг набираси тириклигида магнитофонга ёзиб олган сўзларини эшитиб қолиб ўзини кўярга жой тополмайди, йиглагандек ғингшийди, тинимсиз вовуллайди, у ёқдан бу ёққа елиб-югуради. Одамлар бу дайди ит қилигидан хавотирга тушадилар, қутурган деган ўйга бориб уни гумдон қилишга киришадилар, тўртинчи қаватдан варанглаб отилган ўқ Қоракўзни ер тишлатади, Қоракўз эса кампирнинг овози келаётган томонга юз бурганча жон таслим этади.

Шу тариқа одамлар орасида бу жониворнинг «дили»ни, «дили»даги одам зотига чексиз садоқатни англайдиган, тушунадиган кимса топилмайди. Ғаройиб оламшумул жумбоқ! Ўйга толасан киши: коинот гултожи, мислсиз ақл-заковат эгаси саналмиш табаррук инсон аввало бу беш кунлик дунёда бир-бирини тушунолмай, дўсту душманни ажратолмай, кўпинча мангу дўсти она табиат, теварак атрофдаги жониворлар тилини, дилини англолмай ўтади; бугина эмас, унга ҳаёт улашиб, меҳрини тутиб турган мавжудотни мавҳ этиш билан овора бўлади. Бир оила аъзолари қисмати ифодасидан бошланган хикоя шу тариқа умубашарий муаммоларга уланиб кетади.

Саид Аҳмад ижодида бадий адабиётнинг азалий муаммоси – авлодлар силсиласи, оталар ва болалар муаммоси алоҳида ўрин тутати. Янги ўзбек адабиётининг илк намунаси «Падаркуш», биринчи ўзбек романи «Ўткан кунлар»дан бошланиб, улар изидан бориб яратилган ўнлаб асарлар орқали муайян анъанага айланган «авлодлар можароси» талқини Саид Аҳмад ижодида ўзига хос тарзда гоҳ кулгили-комик, гоҳ кескин драматик, фожеий йўналишда давом эттирилди. «Келинлар кўзғолони»даги она ва ўғлонлар, қайнана ва келинлар, «Куёв» комедиясида ота ва қизлар орасидаги ҳазил-мутойибалар, жўшқин ва қувноқ халқона юмор билан йўғрилган зиддиятлар ифодаси XX аср ўзбек оилавий-манший турмушининг бетакрор бир кўзгуси сифатида ғоят ардоқлидир. «Уфқ»даги ота ва ўғил – Икромжон ва Турсунбой, Иноят

оқсоқол ва Низомжон зиддиятлари эса бу йирик асарнинг фожейи пафосини ташкил этади. Агар авлодлар можароси муаллиф комедияларида кўпроқ кундалик оилавий-маиший турмуш ташвишлари, икир-чикирлари доирасида намоён бўлса, «Уфк»да ота ва ўғил орасидаги инсоний бурч, ор-номус, ахлоқий тусдаги кескин зиддиятлар уруш келтирган мушкулотлар билан боғлиқ ҳолда талқин этилса, 90-йиллари яратилган «Қоракўз мажнун», «Сароб», «Аждаҳо ўтган йўлларда» ҳикояларида она ва фарзанд, ота ва ўғлонлар ўртасидаги кескин муносабатлар илдизи аср фожиасига, мустабид тузум сиёсати мафкураси, ахлоқий ақидаларга бориб туташади; жамики кўргиликлар, фожиалар машъум сиёсатнинг мудҳиш оқибати тарзида кўрсатилади. Эътибор берилса «Қоракўз мажнун» ҳикоясидаги аломат онахоннинг бу ёруғ дунёдан армон, алам-ўкинчлар билан видолашувига сабаб бўлган оқпадар ўғлон аслида миллий-ахлоқий кадриятларимизни топташга, маҳв этишга қаратилган мудҳиш сиёсатнинг ҳам жирканч маҳсули, ҳам аянчли қурбонидир.

«Сароб» ҳикоясида эса бу бадийий ғоя яна ҳам кескин ва бирмунча ошқора тарзда ифодаланган.

Ҳикоядаги фожейи воқеа бу ёруғ дунёнинг нақ дўзахи ичида, мустабид тузум қурбонлари – маҳбуслар жам бўлган Жезқозғон лагерларидан бирида, юз беради. Ёзувчи ўзи шоҳид бўлган лагер тартиботларининг шафқатсизликлари, даҳшатларини бор ҳолича гавдалантиради. Шафқатсизликлар туфайли аксар маҳбуслар бешафқат, тошбағир кимсаларга айланиб кетганлар. Айни пайтда ўша бешафқат зотлар гоҳо бандаи ожиз-инсон боласи сифатида ўзлигига қайтиб дилкаш суҳбатлар қурадилар, ўзаро ҳазил-мutoйибаларга киришадилар, тошга айланган бағирлар бир дақиқа юмшаб, тунд чехраларда табассум пайдо бўлади... Бу ҳол асло кескин вазиятни юмшатиш учун хизмат этмайди. Аксинча, ўзни овутишга қаратилган бундай ўткинчи ҳолатлар ўқувчини лагер турмушининг даҳшатларини янада теранроқ англашга, хис этишга ундайди.

Мана шу зиддиятчи вазиятлар нфотаси билан ёлган холда айна шу ерда бир-бирига дуч келган ота билан устидан — Олимжон билан Кимсанбойнинг узок давом этган ачинан қисмати ҳикоя қилиб берилади ва бу муқддас қисмат айна шу ерда — ёруғ дунёнинг дўзахи ичда ачинан тароқ у интиҳосига етади. Ота ва бола ҳикоячиға танин, ҳамқилишқок, «Кимсанбой! У бизнинг болалардан чиққан қаҳрамонимиз эди, — дея эслайди ҳикоячи. — Ўтгизинчи йилларда унинг сурати газеталардан тушмасди. Мактабларда, инюнёр уйлариди, истироҳат боғлариди, ёшлар лагерлариди одам бўйи қилиш чизилган сувратлари бир қарашда кўзга ташланадиган жойларга илиб қўйиларди... Бутун Ўзбекистон болалари ундан ибрат олишга, у адо этган ватанпарварлик жасоратини такрорлашга қасамёд қилишарди». Унинг отаси Олимжон Раҳмонов эса район маориф бўлимининг мудирин бўлган, тарих билимдони саналмиш бу одам райондаги тарих ўқитувчиларин учун устод, унинг хонадони эса Ватан тарихининг мўъжаз хазинаси, тарихимиз дарсхонасига, миллий ифтихоримиз масканига айланган эди. Бу ҳол мустабид тузум сиёсий-мафкуравий лашкарларини ташвишга солади; кув лашкарлар одатдагидек ёвуз, риёкорона кураш усулини қўллайдилар: норасида ўғлондан замона қаҳрамони — Павлик Морозов издоши ясаб, отасига қарши курашга соладилар, ота устидан керакли маълумотларни йиғишга эришадилар. Шу тариқа ота сотқинга чиқиб қамокка олинадди, унинг боласи эса қаҳрамонга айланиб шон-шуҳратларга бурканади.

Тақдири азал ҳукмини, мустабид тузум ўйини оқибатини қарангки, пировардида «сотқин» ота ҳам, «ватанпарвар» ўғил ҳам бир лагерда учрашадилар. Кўргиликлар, жабр-зулмлар туфайли ота юрак олдириб қўйган бўлса-да, у имон-этиқодига, виждонига гард юктирган эмас. Чехрасида ўша самимият, ёқимтойлик, донолик... Ўғлон эса ногирон, аянчли қиёфада. У лагерда ҳам болаликда орттирган хунари — сотқинликни давом эттиради, фаол сексотлардан бирига айланади. Бу қилмиши учун маҳбуслар уни қалтаклаб маълумот ёзадиган ўнг қўлини синдиришган, энсасига

белкурак сопи билпн уриб бошини тутолмайдиган ҳолга келтиришган. Бу аянчли кимсани ҳамқишлоғи рассом ҳам, отаси ҳам танийди, аммо у буларни танимайди. У аллақачон яқинларини таниш туйғусидан мосуво этилган... Ҳикояда хаяжонли бир детал бор. Мустабид мафкура, сиёсат бу ўғил онгини, инсоний туйғусини, қалбини асир этиш билан чекланмай, танасида ҳам ўз тамғасини қолдирган. Унинг кўксиди, юрагининг устида тушда игна билан ўйиб чизилган «буюк дохий» суврати. Бир вақтлар унга ифтихор, шухрат келтирган бу суврат эндиликда лагерда унинг учун бошга битган балога айланади. Ҳар қанча яширишга тиришмасин Кимсанбой кўксидаги сувратдан огоҳ бўлган лагердаги зеклар – дохий сиёсати қурбонлари уни тинч қўйиши мумкин эмас! Айни пайтда тандаги бу мудҳиш тамғани йўқотишнинг асло иложи йўқ! Пировардида ўғлон ўз жонига қасд қилади, кўксига пичоқ уради, пичоқ дохийнинг чап кўзидан сал пастроққа санчилади. Бундан хабар топган ота алам-ўкинчлар исканжасида қанчалик ўртанмасин-ёнмасин, жонига қасд қилган, кўксиди кофирнинг-қотил мустабиднинг суврати билан бу ёруғ дунёдан кетган бетайин кимсага жаноза ўқишни раво кўрмайди; ўғил бежаноза, бекафан кўмилади, хоиннинг жирканч умри шу тарзда якун топади.

Бундай мудҳиш ҳодисалар, фожейи қисматлар ҳақида ёзиш осон эмас, албатта. Дарвоқе, «Сароб» адибнинг лагер ҳаётидан олиб ёзган илк асари. Ҳикоядаги ровий – махбус рассом ёзувчининг ўзи. Адибимиз 50-йиллар бошларида айни ҳикояда тасвир этилган лагерда бўлган, бу ҳаётни ичдан билади. Шундай бўла туриб, у нега бу ҳақда узоқ йиллар ёзмади? Эҳтимол, кўрқув салтанати бунга йўл бермагандир; эҳтимол, мудҳиш ҳодисалар ҳақида ёзиш азоби-изтироби уни чўчитгандир. Ҳар икки тахминда ҳам асос бор; фақат мустақиллик йилларидагина вужудидаги «кўрқув салтанати» чекиниб, лагер ҳаётидан дадил сўз очишга журъат эта олди, ўзи учун қанчалик азоб бўлмасин, лагер ҳаётига оид хотираларни, ўша мудҳиш ҳодисаларни қоғозга туширишга жазм этди. «Борса-келмас дарвозаси», «Тақдир, тақдир, мунча

шафқатсизсан», «Офтоб ойим» каби туркум ҳикоялар шу тарика майдонга келди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари халқларни, биринчи гада рус адабиётида лагер ҳаёти тўғрисида жаҳонга машҳур асарлар бор. Ўзимизда ҳам айрим яхши роман ва кнессалар мавжуд. Тоталитар режим ҳукмрон бўлган мамлакатни ГУЛАГ оролларига, улкан саратон корпусига кнесс қилишлар бўлган. Саид Аҳмаднинг бу мавзудаги ҳикоялари мавжуд асарлардан баралла ажралиб туради. Аввало улар ўзбекона миллий рух билан йўғрилган, лагер даҳшатлари ҳам ҳеч қимниқига ўхшамайдиган Саид Аҳмадчасига ўзбекона бир нигоҳ билан идрок ва талқин этилади. «Борса-келмас дарвозаси»га «халқ душмани» қизининг йиғлаб айтган қўшиғидан шундай сатрлар эпиграф-бош сўз қилиб келтирилади:

Бу ватан қандай ватандир, ҳар гўшасида турмалар
Кўнгани бир ер тополмай осмонда йиғлар турналар...

Ватаннинг ўша йиллардаги манзарасини фақат Саид Аҳмадгина шу тарзда ўта миллий, жонли, бетакрор тарзда ифодалаши мумкин.

Ҳикоя яна ўша «халқ душмани» қизи қуйлаган қўшиқдан олинган қуйидаги мисралар билан якунланади:

Сиз асир бўлган қафасни тишларим бирлан бузай,
Бузмасам маҳшар қуни бағримни армон тирналар.

Бу байт адибнинг ушбу туркум ҳикояларидаги бошқа бир ғоят муҳим жиҳатга ишорадир. Асарларда қаламга олинган, бири биридан мудҳиш, маломатли, ғам-ғуссага, мусибатларга тўла лавҳалар бағридан қандайдир одамга далда берадиган умид, унинг бошини «тошдан» қиладиган қудрат, зулматни ёритадиган сирли-сеҳрли нур барқ уриб туради. Ёзувчининг беназир юмористик истеъдоди мусибатлар масканида ҳам қулги, ҳазил-мутойибалар учун имкон топади. Энг муҳими, деярли ҳар бир ҳикояда ўзлигини, қалбидаги имон-этикод,

она-юрт, ўзгаларга ҳиммат, мурувват туйғусини йўқотмаган «боши тошдан» аломат матонатли инсонларга дуч келамиз. Жумладан, асарлардаги ҳикоячи – ровий образининг ўзи ана шундай сиймодир.

Ватан, бурчга чексиз садоқат, фидойилик туйғуси, айниқса, «Офтоб ойим» ҳикоясида бетакрор-марсиядек мунгли, айна пайда мадҳия каби мардона ва мағрур янграйди. Лагерда дўст тутинган ҳикоячи билан япон асири Дюн орасидаги самимий мулоқотлар, унинг Судзе қисматига оид афсона-ривоятнамо ҳикояси, камикадзе бурчини ўтолмаган бу йигитнинг руҳий изтироблари ва ҳалокати ўқувчини ларзага солади. Қарангки, Судзенинг онаси беназир гўзал аёл гейшалар сафига кирган экан, ватан манфаатидан келиб чиқиб шу ишни қилганди, ўғли хиёрати туфайли қувончлардан воз кечиб, роҳибалар либосини кийиб монастирга кетади. Судзе энг қувончли кунда, Ватанига қайтиш имкони туғилган дақиқаларда бурч, ор-номус туйғуси туфайли ўзини ҳалок этади; ҳаста самурай Дюн эса ватани тупроғига қадам қўйиб, қони шу тупроққа тўкилганидан таскин топиб жон беради...

Бу ҳикоя фақат ўз ўқувчиларимизни эмас, дарҳол ўзгаларни, биринчи галда япон фуқаролари эътиборини ўзига тортди, у ўзга тилларга ҳам таржима этила бошланди. «Ярим асрдан кўп вақт мобайнида ўз кўнглида япон асирлари хотирасини сақлаб келиб, улар ҳақида ажойиб ҳикоя ёзган жаноб Саид Аҳмаддан бағоят миннатдорман», – деб ёзади Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кёко Накаяма «Халқ сўзи»да эълон этган хатида. Элчи хоним ҳикояда инсоннинг туйғулари ва ички кечинмалари чуқур ҳиссиёт билан акс эттирилгани, унда ҳозирги кунга келиб унутилаёзган анъаналар ҳам ёритилганлигини таъкидлайди. «Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан буён ярим асрдан кўп вақт ўтди, – дейилади мактубда, – бу урушнинг хотираси бугунги япон ёшлари орасида аста-секин унутилиб борилаётган бир пайтда Япониядан олисда бўлган Ўзбекистонда япон асирларининг қисматини эслаш мени чуқур таъсирлантирди».

Қандай бахт: ўзимизнигина эмас, ўзгаларни ҳам мафтун этган, хаяжонга солган янги аср ўзбек ҳикоясининг илк етук, гўзал намунасини яратиш 81 ёшлик ардоқли адибимиз Саид Аҳмадга насиб этди.

Адибнинг аср охирида чоп этилган «Йўқотганларим ва топганларим» китоби сал бурунроқ майдонга келган Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас», Ҳабибулло Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнги кунлари», Зарифа Саидносированинг «Ойбегим менинг» асарлари билан биргаликда XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин, ўзига хос жонли лавҳаларини ташкил этади. Уларни бемалол жаҳон адабиётининг машҳур намояндалари ҳақида битилган шу хилдаги эссе-хотиралар қаторига қўйиш мумкин.

Юқоридаги асарларнинг ҳам муштарак, ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Улар ошкоралик ва истиқлол даври маҳсули сифатида бошдан оёқ мардона ҳақиқат руҳи билан йўғрилган. К. Қаҳҳорова, Ҳ. Қодирий, З.Саидносирова хотираларидан фарқли ўлароқ, Саид Аҳмад китоби муаллифнинг ўнлаб устоз адиблар, тенгдошлари, умр йўлдоши Саида Зуннунова ҳақидаги хотиралари, шогирдлари хусусидаги кузатиш, ўйларидан, шунингдек, ўзининг ҳаёт ва ижод йўли, ижодий тажрибаларига доир мулоҳазаларидан ташкил топган. Асарда Ойбекнинг муаллифга айтган шундай маслаҳатлари келтирилади: «Сиз Ғафур билан узоқ вақт бирга бўлгансиз. Ёзинг! Нимаики билсангиз, ҳаммасини ёзинг. Шеърларини маъносини чақаман, деб уринманг. Бу гапларни адабиётшуносликка қўйиб беринг. Ғафурнинг ўзи қанақалигини ёзинг. Гапи қанақа, юриши қанақа, қилиғи қанақа, шуларни ёзинг...» Саид Аҳмад фақат Ғафур Ғуломгина эмас, бошқа устоз адиблар, тенгдошлари, Саида Зуннунова тўғрисидаги хотираларида ҳам айтиш шундай Ойбек маслаҳатига амал қилади. «Устозларимизнинг умри фақат минбарларда, олқишу гулдурас қарсақлар остида ўтган эмас, оддий бир инсон сифатида ғам-андуҳ чеккан пайтлари ҳам, дилига озор берган дўстларидан ранжиган дамлари ҳам кўп бўлган», –деб ёзади адиб. Қисқаси, устозлари ҳақида нимаики билса,

ҳаммасини қоғозга тушириш, уларни оддий инсон сифатида бор ҳолича кўрсатиш, улар яшаган йиллардаги мудҳиш вазият, жоҳил адабий сиёсатни, ижодкорлар орасидаги кутку, зиддият ва чигал муносабатларни бутун кескинлиги, шафқатсизлик-лари билан гавдалантириш муаллифнинг бош мақсадига айланади.

Ёзувчи — ижодкор шахсини ўрганиш, тадқиқ этиш адабиётшунослигимиздаги энг оқсоқ соҳалардан бири. Шу оқсоқликни бартараф этишда Саид Аҳмад хотираларининг аҳамияти катта. Адиб китобидаги хотиралар, хусусан, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саида Зуннунова шахсиятига оид кўпдан-кўп нозик кузатиш, бой маълумотлар айна шу жиҳатдан адабиёт фани учун бебаҳо ҳужжатлардир. Энг муҳими, китобда келтирилган маълумот, кузатишлар гарчи адиблар фазилатини таъкидлашга қаратилган бўлса-да, улар ижодининг фақат ёрқин, кучли томонларинигина эмас, ожиз, зиддиятли жиҳатларини ҳам англаб етишга, шунингдек, умуман бадиий ижоднинг ички, сирли-сехрли қонуниятларини теранроқ идрок этишга имкон беради. Ойбек, Ғ. Ғулом, А.Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода сингари улкан сўз усталари машғум тоталитар режим шароитида даврнинг ҳукмрон мафқурасини беихтиёр қабул қилдилар, қатор асарларида билиб-билмай, ихтиёрий-ихтиёрсиз шўро сиёсатини тарғиб этдилар. Очигини айтиш керак, улар қалбининг туб-тубида замон сиёсати, ижтимоий тузум билан ички бир зиддият аниқ сезилиб турарди. Айниқса, бу ҳол Қаҳҳорда жуда ёрқин кўринар, ҳар бир гапи албатта даврга нисбатан киноя-кесатик, пичинг билан йўғрилган бўларди. Бу туйғу-қайфият асарларига ҳам кўчиб ўтарди. Инсоф билан айтганда, ҳатто Қаҳҳорни айрим танқидчилар таъна қалганларидек, «синфий позиция»да туриб ёзилган, «миллатчиларни фош этиш»га қаратилган асарларида ҳам тоталитар режимнинг ички зиддиятларини кўрсатиш, очиб бериш шу тузумга ошқора қарши турган адиблар асарларидан асло кам эмас. Ғ. Ғуломнинг ўзини афандиларча гўлликка солиб сиёсатдан йироқроқ туриши, билганларини билмасликка олиши, ҳазил-мутойибалар билан ўзини овутишида, қатор

шеърларини ички эҳтиёж, дард билан эмас, оёқ устида турли тахририятлар буюртмаси билан ёзганлигида ҳам қандайдир мавжуд тузумга ўзига хос муносабат мавжуд. Саид Аҳмад хотираларида бу ҳолни баралла кўриб, ҳис этиб турасиз.

Биламизки, хотира, эссе субъектив ва эркин жанр. Саид Аҳмад табиатан қолипларга тушмайдиган, талабларни суймайдиган одам. Шу жиҳатдан эссе, хотира унинг табиатига ниҳоятда мос тушган. Китобда муаллиф ўзини ниҳоятда эркин ҳис этади, яйраб-ёзилиб қалам тебратади. Бу ҳол мазкур китобни ўта ҳаётий, жозибадор этган омиллардан бири. Дарҳақиқат, XX аср ўзбек адабиётида Ойбек, Айний, Ғ. Ғулом, А. Қахҳордек устозлар ёнида, ўз тенгдошлари даврасида бу қадар эркин, эркатой бўлиш бахти Саид Аҳмадгагина насиб этди. Бинобарин, шу хилда ёзиш учун у ҳар жиҳатдан ҳақли.

Адиб табиатига, истеъдод йўналишига хос яна бир жиҳат шуки, у ҳам лирик, ҳам ҳажвчи, кулги-мутойибага ўч афандитабиат қалам соҳиби эканлигидадир. Бу борада Ғафур Ғуломдан кейин унга тенглашадиган адиб XX асрда бошқа чиқмади. Мана шу хусусият хотира ва эсселарга яна бир ажиб жозиба бахш этган. У адибларнинг шахсий фазилати, ҳаёти, қисматига доир драматик, фожиавий лавҳаларни шоирона эҳтирос билан қаламга олади; айна пайтда жиддий ҳодисалар, одамлараро кескин зиддият, тўқнашувлар асносида ҳам қандайдир кулгили ҳолатларни топиб тасвирлайди. Ойбек умрининг сўнгги кунлари... Улуғ адибнинг ўз ҳовлисида, дарахт соясида тилсиз-забонсиз, оғир хаста, афтодаҳол, тушкун ва тажанг бир кайфиятда шифокорлар маслаҳатида кўра чирманда чертиб ўтиришини кўриб юрак бағрингиз эзилиб кетади. Саид Аҳмад Зарифахонимнинг илтимоси билан бу хонадонга Ойбек кўнглини ёзиш учун кирган. У ўз табиати, одатига кўра қизиқ-қизиқ ҳангомаларни бошлайди; Мирзакалон Исмоилийнинг 60 йиллик юбилейида саҳнада шими тугмаси узилиб кетганини бироз муболағадор қилиб сўзлайди, сўнг Ғафур Ғулом бир раис ошнасиникига Ҳабибийни Навоий деб олиб боргани, раис «Навоий»га тўн кийдиргани воқеасини айтади... Шунда Ойбек ҳолат-кайфияти бирдан ўзгаради, Саид Аҳмад айтган

хангомаларни тинглаб қотиб-қотиб, силкиниб-силкиниб кула бошлайди; бу вазиятдан фойдаланган ёзувчи дадилланиб Ғафур Ғуломнинг Ойбек тўғрисида тўқиган латифаларига кўчади; аниқроғи, бу ўринда Саид Аҳмад жиндай қувлик-шумлик қилади, Ойбекнинг салобати босиб ўзи тўқиган латифаларни Ғафур Ғулом панасида туриб беозор бир тарзда ҳикоя қилади... Бу хил қувноқ саҳифалар китобда кўп. Ораларидан «қора мушук» ўтиб аразлашиб юрган Ғафур Ғулом билан Абдулла Қаҳҳорнинг Саид Аҳмад воситасида «ярашув» воқеаси, самолётда учишдан, ер босиб қолади, деб метрога тушишдан кўрқадиган Қуддус Муҳаммадийнинг қизиқ саргузаштлари, шунингдек, «Сароб», «Олтин водийдан шабадалар» муҳокамаси пайтида чаласавод, демагог кимсаларнинг ўринсиз ҳамлалари, «Қудратли тўлқин» муҳокамасида мунофиқ, таъмагир қаламкашларнинг ўзларини тутишлари тасвири – булар ёрқин ҳажвий лавҳалар тарзида ёдда қолади.

Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Шухрат тўғрисидаги мухтасар хотираларда адибнинг мустабид адабий сиёсат тазйиқи туфайли етарли кадрини топмай, ҳаётда рўшнолик кўрмай ўтган замондош-тенгдошлари ҳақидаги афсус-надоматлари таъсирчан ифодаланган. Бир қарашда хотира китобига мос эмасдай туюлган «От билан суҳбат» айти иштибод даври қурбонларининг фожиясини мажозий тарзда тажассум этади, китобга ўзига хос хотима вазифасини ўтайди.

Саида Зуннунова тўғрисидаги хотиралар алоҳида ички бир дард, самимият билан битилган. Булар – ҳам нурли, ҳам ҳазин, ҳам енгил ҳазил-мутойиба, ҳам фожией оҳанглар билан йўғрилган ўзига хос насрий тарона. Уларда етук санъат асарларига хос фазилатларни-ёрқин характер-бетакрор шахс жумбоғи, ўзига хос ифода, оҳанг, туйғулар, ранглар товланиши, ниҳоят, ҳикоячи-муаллиф сиймоси – барча-барчасини кўриш, топиш мумкин.

«Саидахонни эслаб кетаман, – дея дил розини бошлайди адиб. – Йигирма етти йил тирикликнинг гоҳ нурли, гоҳ нурсиз йўлларида бирга ҳамроҳ бўлган, биргина кизини келинлик либосида кўролмай, ёр-ёрини эшитмай, етдим деганда

йиқилган кадрдон кимса тушларимга киради. Жавонларни тўлдирган китоблари қатидан чиқиб, ўзи кўрмаган неваралари бошида ўтириб тонг оттиради.

Бу гапларни ёзиш қанчалик оғирлигини биламан. Шунинг учун ҳам хотира ёзишга қўлим бормасди. Хотиралар ёзилар, аммо унинг охири Саидахондан айрилиб қолган кун билан якунланади. Ана шуниси алам қилади. Мен уни хотира бўлиб қолишини асло истамайман. У менинг онгимда, ҳаётимда ҳамиша тирик қолишини истайман. На чора! Ёзмоқ керак.

Вақтики келиб, мен ҳам кетарман. Эсдаликлар ўзим билан кетмасин».

Саид Аҳмаднинг гувоҳлик беришича, Саидахон уйим-жойим, оилам-фарзандим деган аёллардан бўлган. «Саидахоннинг иш столида ўтириб бирон нарса ёзганини эслаёлмайман. Ошхонада қозон қовлаб туриб, бир қўлида шеър ёзарди. Боласининг беланчагини тебратиб ўтириб, тиззасига дафтар қўйиб ёзган пайтлари кўп бўлган... Уйда сакланаётган қўлёзмаларининг кўпчилигида ёғ сачраганда, сут томганда қолган доғлар бор».

Адибнинг Саидахон табиати, руҳиятига оид бошқа кузатишлари билан ҳам танишиш мароқли. Хотирада келтирилишича, Саид Аҳмад гунафша рангни яхши кўраркан, шу рангга кўзи тушиши билан яйраб кетаркан. Сабаби, болалигида гунафша ранг қоғоздан ясалган варрак учираркан; кўм-кўк баҳор осмонини тўлдирган варраклар орасида унинг гунафшаранг варраги алоҳида ажралиб тураркан... Саидахон эса феруза рангни яхши кўраркан; такси чироғини кўрганда кўзлари яшнаб кетаркан; меҳмонга борганида феруза кўзли зирак таққан хотиннинг ёнига бориб ўтираркан... Сабабини сўраганида шоира шундай жавоб берган экан:

« — Э, сиз билмайсиз. Болалигимни эсимга туширади. Сомонли шувоқ қилинган томимизда баҳор кезлари кўрпадек бўлиб лолақизғалдоқлар очиларди. Атайин томга чиқиб чалқанча ётардим-да, осмонга тикилардим. Осмон сўнгсиз, кўм-кўк. Худди ферузага ўхшарди. Хаёлимга эҳ-хе, нималар

келмасди ўшанда. Учиб чиқиб кетгим келарди. Негадир, хозирги осмонда ўшанақа тиниқ ферузаранг йўққа ўхшайди».

Бир қарашда арзимас икир-чикирлардек туюлган бу хил кузатишлар шоира табиатини, ижод психологиясини, бинобарин, асарларидаги фазилатлар илдизини англашда қўл келади. Табиатга, гўзалликка, беғубор феруза осмонга шайдолик билан шоира табиатидаги поклик, беғуборлик орасида қанчалик муштараклик бор, ахир! Ўша поклик рамзи бўлган ферузаранг тиниқ осмон бир умр унинг ёдида қолган, кўнглига илҳом солган, ўнлаб асарларини бармоғидаги Шохимардон сафарида бир аёл ҳадя этган феруза тош қадалган узукка қараб ёзган экан.

Хотираларда Саидахоннинг машаққатли ҳаёт йўли мухтасар бўлса-да, хийла батафсил гавдалантирилган. Бир аёл, бир шоира ярим асрлик ҳаёт йўлида шунчалар кўп оғир савдоларни бошдан кечирган Саидахон баъзан эзилиб кетган пайтларида: «Бу дунёга фақат азоб чекиш учун келган эканман», – дея ўксиниб қўяркан.

Хотираларни ўқиб бунга тўла амин бўласиз. Шафқатсиз бир замонда яшаб ўтган, бошга тушган шунча кўргиликларга дош бериб, Чўлпон ибораси билан айтганда, кишан киймай, бўйин эгмай кўнгил хурлиги, поклигини саклаб қололган, инсонлик, аёллик, оналик шаънини юксакликка кўтарган, айни пайтда кўнгил розларини асарлари қатига жойлашга эришган аломат инсон, шоирага замондош, асрдош, ҳатто ҳамсуҳбат бўлганинг билан фахрланасан киши. Эҳтимол, аёл зоти ижод бобида, шоира айтмоқчи, даҳо бўлолмас, бироқ инсонийлик бобида шу мақомга кўтарилиш даҳоликдан кам эмас.

XX аср ўзбек адабиёти, унинг намояндалари ҳақида кўп ёзилди, кўп ёзилажак. Бироқ «Йўқотганларим ва топганларим» туридаги китобни фақат Саид Аҳмадгина ёзиши мумкин эди. Шу жиҳатдан у маънавий ҳаётимизда ноёб ҳодисадир. Шубҳасиз, келгусида унинг қадри янада ортади. Бу китоб адабиётимизнинг машъум замонларда босиб ўтган машаққатли йўли, адибларимиз қандай оғир шароит, вазиятларда яшаб ижод этгани, ўшандай замонларда ҳам ноёб бадий дурдона-

лар яратишга эришгани тўғрисида ҳаққоний тасаввур беради. Китоб муаллифи улкан алломаларни қуруқ ҳимоя қилиш, улар шаънига ҳамду санолар ёғдириш йўлидан бормайди, уларни ҳаётда қандай бўлса, шундайича кўрсатади, шахсиятидаги, ижодидаги ожиз, зиддиятли ўринларни, уларнинг инжиқликларини ҳам рўй-рост айтади. Кези келганда, бу борада ўзини ҳам аямайди. Бу ҳол ўқувчига асло малол келмайди, аксинча, ўша улкан сиймоларга бизнинг ҳурмат-эҳтиромимизни янада оширади, уларни тўғри тушунишга, асарларидаги ожиз, зиддиятли жиҳатлар боисини англашга ундайди. Аслида адабиёт илмининг бош мақсади шу. Айни шу фазилати билан илмийликка асло даво қилмайдиган бу китоб баъзи саёз «соф» илмий тадқиқотлардан кўра илмийликка кўпроқ дахлдордир. Адибнинг «Киприкда қолган тонг» (2003), «Зилзила» (2005) китобларига кирган хотираларида ҳам шу руҳ давом эттирилди.

Саид Аҳмад узоқ йиллик ижодий фаолиятидаги бу хил уютуқларнинг барчасини аввало туғма истеъдоди, бетиним меҳнати, ижодий изланишлари, миллат ҳаёти, қисмати билан мустаҳкам алоқаси, устозлар мадади, қаламкаш дўстлар далдаси туфайли қўлга киритди. Ижоддаги устозлар устида сўз борганда Саид Аҳмад ҳаммадан олдин Абдулла Қодирий номини тилга олади. Саид Аҳмаднинг ёзувчи бўлиб етишувида Ғафур Ғулом билан Абдулла Қаҳҳорнинг бевосита таъсири катта бўлди.

«Куни кеча бир даста «Муштум»ни қўлтиқлаб менинг уйимдан Абдулла Қаҳҳорникига, уникидан меникига қатнаб бирор жўяли маслаҳат қидириб юрган Саид Аҳмад бугун бакувват сатирик, юморист ёзувчимиз бўлиб етишди», деб ёзган эди Ғафур Ғулом «Адабий оила» номли мақоласида.

Саид Аҳмаднинг ўзи Ғафур Ғулом билан Абдулла Қаҳҳорнинг ижодига кўрсатган кучли таъсирини мамнуният билан эътироф этади: «Аслида мени ҳажв йўлига Ғафур Ғулом бошлаб кирган. Маълумки, Ғафур ака ўттизинчи йилларда ҳажв жанрида баракали ижод қилди. Ихчам кулгили ҳикояларнинг жуда яхши намуналарини яратди. Мен шу ҳикоялар таъсирида адабиётга кирганман. Кейинчалик бу буюк ёзувчи билан яқиндан танишганим, ундан росмана

иждодий таълим олишим ҳажвга бўлган интилишимда жуда катта ёрдам берди. Ундан кейин Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги сиқиклик, сўзни исроф қилмаслик, тагдор гап айтиш санъати мен учун бир дарслик хизматини ўтади».

Саид Аҳмаднинг иждодий тақдирида яна бир санъаткор – ҳассос шоира, моҳир носир Саид Зуннуованинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Саида Зуннуова Саид Аҳмаднинг турмуш ўртоғи эди, Ғафур Ғулом бу икки иждодкорнинг ҳаётий иттифоқини адабиёт тарихида кўп учрайдиган «маъқул жуфтликнинг намунаси» деб атаган, «Кичкинагина самимий бу оила баҳамжиҳат адабий иждодкорлик хусусияти билан кўпчиликнинг таважжуҳини ўзига тортган заҳматкаш бир ячейкадир», – деган эди. Дарҳақиқат, Саида Зуннуова саранжом-саришта уй бекаси, вафодор ёр бўлиш билан баробар Саид Аҳмад учун иждодда ҳамкор, маслаҳатгўй, ғамхўр, тенг дўст эди. Шу ўринда беихтиёр Саид Зуннуованинг мана бу сатрлари ёдга тушади:

Уфқларнинг чин ошиғи ўйинқароқ бир йигит,
Илинди-ю шеър домига, сўнгра бўлди асирим.
Суймас эди тартибларни, хушламасди ўғитни,
Мана энди сипо тортиб ўтирибди тақсирим.
Мен ёзсаму у ёзмаса гўё эдим гуноҳкор,
У мақталса мен қувондим эсланмаган кезларим...

Саид Аҳмад ҳам ўз навбатида мана шу иждодий ҳамкорлик йилларини катта эҳтиром билан эслайди.

Саид Аҳмад бутун умри давомида эл-юртини ардоқлаб, улуғлаб ўтди. Эл-юрти эса ўз навбатида уни ҳам ардоқлаб сеvimли адиблари қаторига қўшиб қўйган эди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланган, унга Халқ ёзувчиси фахрий унвони берилган, «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган эди. 1999 йили Саид Аҳмад самарали иждодий меҳнатлари учун Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

ТРИЛОГИЯНИНГ ТУҒИЛИШИ

(Ёзувчи Саид Аҳмад билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Биринчи бор ўзбек адабиётида бир муқова остида уч китобни ўз ичига олувчи муқаммал бадиий трилогия пайдо бўлди. Трилогиянинг туғилиш тарихи ҳам қизик. Аввал «Уфқ»нинг қоқ ўртаси— иккинчи китоби ёзилди, сўнг охириги ва биринчи китоблари... Ҳозирда «Ҳижрон кунлари» деб аталган илк китоб чиқиши биланок унинг теварагида қизгин баҳслар бошланган эди. «Уфқ бўсағасида», ниҳоят “Қирқ беш кун” китоблари ҳам алоҳида-алоҳида ҳолда босилди ва жиддий мунозараларга озиқ берди; ёзувчи дўстларингизнинг, адабий танқидчиларнинг “Уфқ” китоблари ҳақида айтган гаплари жамоатчиликка яхши таниш, кенг китобхонлар оммасининг “Уфқ”қа берган баҳоси ҳам маълум: “Уфқ” китоблари кўп марта нашр этилди ва жуда тез тарқаб кетди. Мен “Уфқ”қа бағишланган талай китобхонлар конференцияларининг шохидиман, ўқувчиларнинг асар ҳақидаги юрак сўзларини эшитганман...

Мана энди, ўн беш йиллик ижодий меҳнатни, трилогия устида кетган баҳсу мунозараларни сарҳисоб этиш, у ҳақда Сиздан ҳам сўз эшитиш пайти келди. “Уфқ”нинг туғилишига асос бўлган илк турткидан тортиб, уч китобнинг бир муқова остида чиқишигача бўлган жараён тафсилотлари ҳаммани қизиқтиради. Қисқаси, энг аввал «Уфқ»нинг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

ЁЗУВЧИ. Аввал қандай ҳикоя ёзишимни айтиб беришим керак. Шундагина роман қандай ёзилганини тушунтиришим осон бўлади.

Бир адабиётшунос билан ижодий баҳсимизда, ёзувчи кўли чарчагунча эмас, руҳи чарчагунча ёзиши керак, деган эдим. Ижодни жисмоний меҳнатдан қанчалик фарқ қилишини айтмоқчи бўлганман. Бир футболчи матчдан кейин майдондан чиқар экан, бир неча кило оғирлигини йўқотади, дейишади. Ёзувчи ҳам битта ҳикоясини тугатганда анчагина қонини

йўқотса керак, дейман. Ўзимдан қиёс, мен ҳикояларимнинг ҳаммасини кечаси, тонг отгунча ёзиб тугатаман. Эртасига каттиқ ҳориган, толиққан бир алпозда юраман. Фақат янги ҳикоя ёзганимнинг завқи, нашоаси мени руҳан ушлаб туради.

Энди саволингизга берадиган жавобимнинг дебочасини бошлайман. Кичкинагина бир ҳикоя шунчалик азоб билан ёзилса, энг камда қирқ-эллик ҳикояга тенг келадиган роман қандок ёзилар экан. Шунинг учун ҳам роман ёзишга сира журъат қилолмасдим. Битта роман ёзгандан кейин ўлиб қолсам керак, деб ўйлардим.

Оғир юк кўтарган кишини тасвирлаганимда ўзим ўша юкни кўтаргандек кучаниб, терлаб кетаман. Ўлим манзарасини тасвирлаганимда энг яқин кишимнинг жасади тепасида тургандек йиғлагим келади.

Хулласи, нимани тасвирласам ўзим ўша воқеанинг иштирокчисига айланаман. Шунинг учун ҳам ҳар бир бобни ёзганда каттиқ чарчаб, толиқиб қоламан.

Кулгили ҳолатлар тасвирига келганда яйраб кетаман. Сира чарчамайман. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, «Муштум» учун бир кечада икки-уч ҳикоя, телеминиатюраларнинг бутун бир кўрсатувиغا саккиз-тўққиз миниатюра ёзган пайтларим ҳам бўлган. Сира чарчамаганман.

Менинг жиддий ҳикоя ёзишим худди аёл кишининг кўзи ёришидек азобли бўлади.

Мен ҳеч қачон ҳикоями, қиссами ё романми ёзганимда сюжетни охиригача ўйламайман. Аввалдан тайёрлаб қўйилган схема қаҳрамонни адаштиради. Қаҳрамон аввалдан чизиб қўйилган чизиқдан юрмай, оёғини тираб олади.

Агар ёзувчи ўз қаҳрамонининг кимлигини аниқ билса, хулқи, иродаси, характери, тезлиги, сустлиги, қомати, жисмоний устунлиги ёки заифлиги, сўзамоллиги, журъатсизлиги... шуларнинг ҳаммасини билган ёзувчи романнинг икки-уч бобидан кейин қаҳрамонни ўз ҳолига қўйиб бериши керак. Ёзувчи уни кузатиши, қилган ишлари, учрашган одамлари, юрган йўлини таҳлил қилиб бориши керак. Агар уни аввалдан чизиб қўйилган йўлдан юришга

мажбур қилса, қаҳрамон сунъий, ясама бир одамга айланади. У ўз характериға мос келмаган қилиқлар қилиши, ўзи хоҳламаган гапларни айтиши, қўлидан келмайдиган ишларни адо этиши керак бўлиб қолади. Бундай китоб қаҳрамонининг саргузашти ўқувчини ишонтирмайди.

ТАНҚИДЧИ. Маълум бўляптики, бадиий ижод сирли, сеҳрли руҳий жараён. Бу ишда олдиндан ҳамма нарсани аниқ-равшан режалаб олиш мушкул. Ижод давомида аввалги мўлжаллар бутунлай ўзгариб кетавериши табиий... Шундай бўлса-да, «Уфқ»нинг қоқ ўртасидан бошланиш сабабини билгимиз келади.

ЁЗУВЧИ. Романни бошда икки китоб қилишни мўлжаллагандим. Уруш даври биринчи, урушдан кейинги давр иккинчи китоб бўлиши керак эди. Шундай қилиб ёздим ҳам.

Шу икки китобни ёзиш жараёнида Фарғона водийси кишилари, манзаралари мени ўзига жуда-жуда ром қилиб қўйди. Икки китоб қаттиқ ҳаяжон, изланишлар, турли руҳий эзилишлар, қувончлар билан ёзилганидан китоб битгандан кейин ҳам, ўқувчилар қўлига тегиб, адабий танқид яхши-ёмон гап айтгандан кейин ҳам унинг руҳидан чиқиб кетолмадим. Бирон ҳикоя ёзсам ё шу романга кирмай қолган бобга, ё қаҳрамонларимдан биронтасига ўхшаб қолаверди.

Бундай ҳолат сахна усталарида ҳам бўлиб туради. Агар актёр бирон рол устида қаттиқ ишласа, узок вақт ўша роли таъсиридан чиқиб кетолмай, қандай роль ўйнаса ҳам аввалгисига ўхшаб қолаверади. Халқ артисти Абдор Ҳидоятлов Отеллодан кейин ўйнаган ҳамма қаҳрамонларини Отеллога ўхшатиб қўяверди. Машҳур артист Симонов Пётр I, Бабочкин Чапаев бўлиб қолаверди. Симонов Пётр I га карама-қарши Монтанелли ("Сўна" бадиий фильми) ролидан кейингина ўзини ўнглаб олди.

Мен «Уфқ»қа карама-қарши асарга мавзу кидирмадим. Роман воқеалари юз берган жойларда содир бўлган буюк бир воқеа мени ўзига тортди. Бу жаҳон ирригацияси тарихида ҳеч қачон изи йўқолмас Катта Фарғона канали қурилиши эди.

ТАНҚИДЧИ. “Ўзбекистон маданияти”да босилган бир мақолада Сизни тўлқинлантирган шу қурилиш ҳақидаги асарни алоҳида роман деб атаган эдингиз. Қандай қилиб у «Уфқ»нинг биринчи китобига айланиб қолди?

ЁЗУВЧИ. Аввалига бу мавзунини алоҳида роман қилиш ниятида эдим. Мустақил китоб сифатида бир-икки боб ёзиб кўрдим ҳам. Аммо ҳамон руҳимда «Уфқ» ҳаяжони яшарди. Бўлмади. «Уфқ»дан кутулиш учун янги романни яна бир-икки йил кечиктирмоқчи бўлдим. Шундай қилдим ҳам. Бўлмади. Бу руҳдан кутулиш қаёқда, борган сари янги китобим «Уфқ»ка ёпишиб келаверди.

Бундан ташқари, адабий танқид роман қаҳрамонлари Икромжон билан Турсунбойлар характерларининг шаклланишида қандайдир етишмовчилик борга ўхшайди, деб таъна қилган эди. Бирдан менда янги ёзадиган китобимни «Уфқ»нинг биринчи китобига айлантириш ва ўша характерларида етишмовчилик бўлган қаҳрамонларни киритиш фикри туғилиб қолди.

Даврнинг ёнма-ёнлиги, маконнинг бирлиги ишимни осонлаштирди.

Аммо янги роман янги характерлар яратишни, янги тўқнашувлар бўлишини тақозо қиларди. Шунинг учун ҳам мустақил яшай оладиган, ҳам «Уфқ»ка дебоचा бўладиган китоб ёзиш вазифасини олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ўзингизга маълум, халқимиз ҳаётида сира унутиб бўлмайдиган буюк бир воқеанинг шу пайтгача керагича қаламга олинмаслиги ёзувчилар зиммасида жуда катта қарз бўлиб ётган эди. Канал иштирокчилари йиллар ўтиши билан озайиб борапти. Воқеалар хотирада хира торта бошлаяпти.

Тошкентда туриб Фарғона кишилари тўғрисида роман ёзиш қийин эди. Атайин Катта Фарғона каналининг Куйганёр тўғонига кўчиб бориб, ўша ерда ёза бошладим. Қаҳрамонларим – канал ветеранлари атрофимда. Воқеа содир бўлган ерлар кўз олдимда. Рассомлар «с натуры» деганларидек, мен каналга, одамларга қараб ўтириб китоб

ёздим. Шундай қилиб, икки китобли роман бсихтиёр трилогияга айланди.

ТАНҚИДЧИ. «Уфқ»нинг туғилишида аввалги ёзилган ҳикояларнинг, жумладан, «Чўл ҳикоялари»нинг аҳамияти ҳақида нима дейсиз? Менга мавзу-муаммолар жиҳатидан ҳам, услубий-тасвирий оҳанглар томонидан ҳам «Уфқ» ҳикоячилиқда тўпланган тажрибаларингизнинг синтезига ўхшайди.

ЁЗУВЧИ. Чўл ҳикояларини ёзишдан аввал «Уфқ»ни ўйлаб қўйганман. Аммо чўл романтикасини ҳис қилолмай гаранг бўлиб юрардим.

Ўзингиз ўйланг. Романларда ошиқ-маъшуқлар булок бўйларида, шаршаралар ёнида бир-бирларига роз айтишади. Гулларга бурканган чаманзорда, булбулнинг тўлиб-тўлиб фарёд уришидан энтикиб-энтикиб, ишқ изҳор қилишади. Тоғлар чўққисида оппоқ булутлар сузади. Фонтанлар олдида ошиқ-маъшуқлар сайр қилишади.

Мен нимани тасвирлайман. Менинг ошиқ-маъшуқларим қайси гулга, қайси фонтанга қарайди. Қайси булбулнинг овозини эшитади. Ҳаммаёқ тап-тақир чўл. Бу жойда на бир мусича, на бир қалдирғоч бор. Унинг устига мен гўзал деб тасвирламоқчи бўлган қизнинг қўллари уруш меҳнатидан қадок бўлиб кетган, юзларини чўл шамоллари аёвсиз дағаллаштирган. Уларнинг эғнида на бир дурустроқ кийим, оёғида бутун пойабзал бор.

Тасвирланадиган объектда ҳам, одамларда ҳам кўзни ром қиладиган бирон ранг йўқ.

Шунинг учун аввалига разведка — одамлар қалбига разведка маъносида бир неча ҳикоялар ёзишни мўлжалладим. Ёзавон чўлларида узоқ кездим. Чўлқуварлар изидан юриб, улар тўғрисида бирин-кетин ўнга яқин ҳикоя ёздим. Шу жараёнда ташқаридан қараганда дарров кўзга ташланмайдиган ажиб бир гўзалликларни кашф қила бошладим. Сап-сарик файзсиз чўлдан тополмаган гўзалликларни одамлар юрагидан топа бошладим. Бора-бора чўлда ҳам ҳеч ким пайқамаган нафислик белгилари кўриниб қолди.

Мана шу чўл ҳикоялари воқеалари романда такрорланмаган бўлса ҳам, лекин улар роман учун бир разведка вазифасини ўтади. Шу ҳикояларни ёзмаганимда ё романни ёзолмасдим, ё у жўнроқ бир китоб бўлиб қоларди.

ТАНҚИДЧИ. Ўзбек насрининг характерли бир анъанаси бор. Талай адибларимизни Фарғона водийси ўзига мафтун этган. Улар гўё “илҳом кидириб” водий томон талпинадилар. А. Қодирий «Ўткан кунлар» билан “Меҳробдан чаён”да, Ойбек “Олтин водийдан шабадалар”да, Ғ. Ғулом қатор ҳикоя ва очеркларида шундай йўл тутганлар. Мирмуҳсиннинг “Умид”, Ў.Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романларидаги ҳаяжонли саҳифалар Фарғона колорити билан боғлиқ. Сиз ҳам асл тошкентлик бўла туриб, нукул Фарғона кишилари ҳақида ёзасиз; аксари ҳикояларингиз, мана энди «Уфқ» бошдан-оёқ Фарғона колорити руҳи билан йўғрилган. Бу ўзингиздаги шахсий майл оқибатими ёки насримиздаги анъаналар билан боғлиқми?

ЁЗУВЧИ. Ўзим тошкентлик бўла туриб, Фарғона кишилари тўғрисида асар ёзишимнинг асл сабабини билмайман. Билмадим, ўзбек халқига хос миллий хусусиятлар, халқнинг анъаналари, манзараларидаги миллий руҳ бу тарафларда кучлилигими, манзараларнинг гўзаллигими, билмайман. Ҳар қалай китоб ёзишга майл йўқ пайтларида ҳам ўша тарафларга кетиб қолгим келаверади.

ТАНҚИДЧИ. Айрим танқидчи ва ёзувчилар, ҳозир «мини роман»лар даври келди, кўп китоблардан иборат қалин асарлар, йирик эпик полотнолар даври эса ўтди, дейдилар. Бу фикрга қандай қарайсиз?

ЁЗУВЧИ. Бу фикр, менимча, унчалик тўғри бўлма-са керак. Мебеллар, радиоприёмниклар, магнитофонлар, телефон аппаратлари ихчамлашиши мумкин. Аммо санъат асари ҳажм билан ўлчанмайди. Даврга, модага қараб шимнинг почаси торайиши, кенгайиши, мумкин, аммо санъат бундай модаларга бўйсунмайди.

Бир пайтлар уч бурчак, тўрт бурчак, олти бурчак... шеърлар пайдо бўлган эди. Аммо Пушкин, Лермонтовларнинг

шеърлари бунақа шаклларсиз ҳам ҳамон ўз хизматини қияпти. Ўқувчини ҳаяжонга соляпти. Агар роман катта ҳажмни кўтарадиган мазмунга эга бўлмаса, албатта мини бўлгани маъқул. Катта гап айтадиган, катта воқеаларни бағрига жо қилган романлар қанча катта ҳажмда бўлмасин, ўқувчи уларни жон-жон деб ўқийди. Бу китобнинг мазмунига, ёзувчининг маҳоратига боғлиқ.

ТАНҚИДЧИ. Аслида ҳозир «мини роман»лар билан бир қаторда йирик эпик полотноларга қизиқиш ва эҳтиёж ҳам сусайгани йўқ. Гапингиз тўғри, социологик тадқиқотларга қараганда кейинги пайтларда юпқа китоблардан кўра қалин, лекин яхши китоблар кўпроқ ўқиладиган экан.

Биз танқидчиларнинг бу хусусда бошқа бир муаммо ташвишга соляпти. Кўп китобдан иборат романларнинг деярли ҳаммасида барча китобларни тутиб турадиган яхлит ғоявий-поэтик оҳанг, драматик асос, бош ёки марказий қаҳрамон етишмай қоляпти.

ЁЗУВЧИ. Менимча, бу йирик эпик форманинг қусури эмас, балки эпик маҳорат етишмаслиги оқибати. Шуниси ҳам борки, йирик эпик полотноларда барча китоблардан ўтадиган бош сюжет чизиги, қаҳрамонлар бўлишини талаб этиш ҳар доим ҳам ўринли бўлавермаса керак. Ўзим тўғримда шундай дейишим мумкин. Уч китобни бошдан-оёқ ушлаб турадиган асосий қаҳрамон йўқ.

Мен атайин шундай йўл тутдим. Ўзингизга маълум, учала романда республикаимиз тарихининг уч муҳим даврини тасвирлашга ҳаракат қилдим. Яқин ўн йиллик давр қамраб олинган. Бу давр воқеаларини бир одам тақдири орқали ўтказишни лозим топмадим. Бу ғоят кескин, ҳар йили янги шиддатли ҳодисалар, янги-янги тақдирлар, қаҳрамонлар туғилган давр эди. Шунинг учун ҳам ҳар бир романга янги қаҳрамонлар ижод қилишни лозим топдим. Аммо уч китобни бир-бирига боғлаб турадиган руҳни назардан қочирмасликка ҳаракат қилдим.

ТАНҚИДЧИ. Асар материали, ғоявий-бадиий йўналишни тақозоси билан шундай йўл тутилса майлику-я, кўпинча

қахрамонлар ғоявий-бадий йўқнинг енгиллиги туфайли иккинчи китобга ўтганда нима қиларини билмай довдираб қоляпти, кейинги пайтларда «мини роман»ларимизда ҳам ҳатто бир китоблик юкка эга бўлмаган қахрамонлар пайдо бўлиб қоляпти. натижада қисса ёки новеллалардан, баъзан эса новеллабоп характерлар, тақдирлар йиғиндисидан ясалган романлар ёзиляпти. Буни роман жанридаги изланиш, янгилиниш деб атовчилар топиляпти.

ЁЗУВЧИ. Агар бир китобдан иборат романда асосий қахрамон марказда турмас экан, Сиз айтгандай, қахрамон романбоп юкни кўтаришга қодир эмас экан, бу ёзувчининг нўноклиги. Масалан, М. Шолоховнинг “Тинч оқар Дон”ида Григорий тўрт китобда тўлалигича тасвирланган. Шолохов ўзини уёқ-буёққа ташламай, изчил тасвирлай олган-ку. Демак, кўп китобли роман ёзадиган муаллифда эпик маҳорат ниҳоятда киёмига етган бўлиши керак экан. Биз мана шу жиҳатдан оқсаб турибмиз.

Биз бу нуқсонларимизни оригиналлик ниқобига яширмоқчи бўламиз. Баъзан оригиналлик маҳорат эмас, ожизликни кўрсатади.

ТАНҚИДЧИ. “Уфқ”қа қадар Сиз асосан лирик ва ҳажвий ҳикоялар устаси сифатида танилган эдингиз. Ҳикояда-ку тасвир оҳангини топиш, таъминлаш бирмунча осон; мавзу-материал, маъно характерига қараб, ўз-ўзидан унинг оҳанги ҳам қуйилиб келаверса керак. “Уфқ” эса ғоят кўп планли; ундаги тақдирлар, характерлар, мавзу-материаллар ҳар хил. Уларнинг ҳар бири ўзига мос тасвир оҳангини, усули ва услубини тақозо этади. Бу жиҳатдан ҳам “Уфқ” ўзбек романчилигида ўзига хос ҳодиса. Ҳам майин лирик, ҳам трагик, ҳам юмористик, ҳам сатирик ҳолатларнинг бу қадар кенг қўламда қўшилиб, тутшиб келиши авваллари романчилигимизда деярли кўринмаган эди. Бунга эришишда қандай тажрибаларга таянгансиз? Умуман, «Уфқ»нинг майдонга келишида ўзбек, рус ва бошқа халқлар адабиёти роман усталарининг таъсири, тажрибаси ҳақида гапириб берсангиз. Ижодда мавжуд

тажрибаларнинг роли ва ҳар бир ёзувчининг ўз йўли, ижодий индивидуаллиги хусусида нима дейсиз?

ЁЗУВЧИ. Ҳикоячиликда анча пишиб қолган эканман (албатта, бу гап билан ҳикоя ёзишда бошқалардан ўтиб кетдим демоқчи эмасман). Сюжет тузиш, ҳикояни бошдан-оёқ бир оҳангда олиб чиқиб кетиш тўғрисида гапиряпман. Ҳар қалай ҳикоя кичик нарса, уни бир оҳангда тутиш унчалик қийин бўлмайди. Аммо романни бундай қилиш қийин. Аввалига шундай қилишни мўлжаллагандим. Қарасам, жуда қийналиб кетадиганга ўхшадим. Кейин ўйлаб-ўйлаб бошқа бир йўл тутмоқчи бўлдим. Роман персонажларининг ҳар бирига алоҳида оҳанг бермоқчи бўлдим.

Икромжон тасвирида жиддий оҳанг танладим. Асрора тасвирига келганда бу оҳанг ўзгаради. Иноят Оқсоқол бутунлай бошқа бир нотада ёзилган. Турсунбой тасвирига келганда оҳанг гоҳ зарбли, гоҳ юқори пардага чиққанда бирдан узилиб қолади. Зебихонда эса майин халқ куйлари оҳанги аралашиб туради.

Китобни кўлимга олиб бирон саҳифасини ўқиб қолсам, дарров ёзган пайтимдаги оҳанг қулоғим остида жаранглаб кетади. Билмадим, ўқувчида ҳам шунақа бўлармикин ё ўзимга шунақа туюладими? Сиз шу ҳолатни сезмадингизми?

ТАНҚИДЧИ. Эҳтимол, Сиздаги мусликий ҳолат ўзгаларда айнан такрорланмас. Шахсан мен асарнинг энг ёрқин, ҳаяжонли саҳифаларини ўқиганимда мавжуд куйлар оҳангини эмас, авваллари сира эшитмаган, бошқаларда учратмаган ҳиссий оҳангни туйиб тураман.

ЁЗУВЧИ. Романда, айтганингиздек, персонажлар кўп. Уларнинг ҳар бирини алоҳида тасвирлаш, тақдирларини кўрсатиш, арзигулик бирон вазифани адо этдириш керак. Булардан ташқари улар ўқувчининг хотирида қолиши, уни ҳаяжонга солиши лозим. Бу ёзувчи учун жуда қийин вазифа. Ҳар қалай мен эринмай, уларни батафсил кўрсатишга ҳаракат қилдим. Лекин қанчалик уддаладим, аниқ айтолмайман. Буни сиз адабий танқидчилар айтасиз.

Таъсир ва ижодий индивидуаллик масаласига келсак, жаҳон адабиёти яратган нодир асарларни ўқимай туриб ёзувчи бўлиш қийин, албатта. Толстойни, Тургеневни, Қодирийни, Ойбекни ўқимай бирдан роман ёзиб бўлмайди. Улардан ижодий сабоқ олмаган ўзбек романчиси йўқ. Мен, албатта, бу устозлар мактабидан ўз билганимча сабоқ олганман. Лекин уларга эргашмаганман. Улар услуби ёки сюжетини такрорламаганман. Мундоқроқ бўлса ҳам, етук бўлмаса ҳам ўзим янги оҳанг, янги услубда ёзганман.

Ҳар бир ёзувчи воқеага, ҳаёт фактларига ўз кўзи билан қарайди. Ўз фикри билан мулоҳаза қилади. Ҳар бир ёзувчининг кўзи илғайдиган ранглари бор. Қулоғи эшитадиган оҳанглари бор. Ҳар бир кишининг қалби ҳаёт фактларини ўз ҳиссиётлари орқали кечиради. Бу омиллар ҳақиқий ёзувчини ҳамкасабаларидан ажратиб турадиган индивидуалликка олиб келади.

Хуллас, мен “Уфқ”да бировга ўхшамасликка ҳаракат қилганман. Ёзаётган ҳар бир жумлани, шу ростми, биров ўқиса ишонадими, деб ўзимдан-ўзим сўраб ёзганман. Биронта ёзувчининг китобидаги тасвир, биронта ўхшатиш беихтиёр кириб қолмаслигини назорат қилиб турганман.

Концертда ажойиб бир ҳофиз ўзи ихтиро қилган кўшиқни ижро этди дейлик. Томошабиннинг чексиз олқишига сазовор бу ижродан кейин яна бир одам чиқиб, худди шу кўшиқни ижро этса, қандоқ бўлади? Ҳар бир санъат асари оригинал бўлиши, бир марта яратилиши керак. Бировнинг кулгисини, бировнинг йигисини такрорлаб бўлмаганидек, бошқа бир муаллифнинг ҳиссиётларини такрорлаб бўлмайди. Ҳатто, ёзувчи ўз ҳисларини бошқа бир пайт ўзи ҳам такрорлаёлмайди.

ТАНҚИДЧИ. Асардаги бош қаҳрамонлар – Икромжон, Азизхон, Тоғаларнинг ҳаётий замини ҳақида танқидчилар орасида ҳар хил гаплар айланиб юрибди. Уларга аниқлик киритиш учун ўзингизнинг гувоҳлигингиз керак бўлиб қолди.

ЁЗУВЧИ. Икромжон билан Азизхонни ўзим яратганман. Аммо Тоға бор одам. Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида

машҳур бир колхоз бор (ҳозирги номи “Москва”), Райимберди Тўхтабоев деган бир киши раислик қиларди. Мен у киши билан кўп гаплашганман. Бир-биримиз билан борди-келдимиз бўларди. У кишини халқ Тоға деб атарди. Тоға раислик қилган колхоз бутун Фарғона водийсига машҳур эди. Тоға Ўзбекистон депутати бўлган. Қатор орден, медаллар билан мукофотланган.

Шу колхоз уруш йилларида Ёзьявон чўлларида янги ер очганди. Романда тасвирланган макон географик жиҳатдан аниқ жойлар. Тоға ҳам бўрттирилмасдан, ортиқча бўёқларсиз аниқ кўрсатилган. Икромжон образи ижодий фантазия маҳсули, аммо бу образнинг яратилишига туртки бўлган бир киши бор. Тоға раислик қилган колхозда чўлга биринчи бўлиб чиққан, қамиш куйдириб ер очган Ориф Каримов деган киши Икромжон образига туртки берганди.

Азизхонни ўзим хаёлан ижод қилганман.

Азизхон бебош, ерга урса кўкка сапчийдиган, қилиш-қилмишидан элга наф тегмайдиган бебошвок йигит. Мен уни атайи шундай тасвирладим. Бунга сабаб, Норин дарёсига уни қиёс қилмоқчи эдим. Норин дарёси кўпириб-тошиб, экинзорларни пайҳон қилиб оқарди. Шундай беқиёс хазинадан наф кам эди. Азизхон ҳам шунақа. Унда фил кучи бор. Аммо бу куч беҳуда ишларга сарф бўлади. Шу икки кучнинг бўйсунлигини тасвирламоқчи бўлдим. Бу образнинг прототипи йўқ. «Қирқ беш кун»нинг кўпчилиги иштирокчилари ўз исм-фамилиялари билан аниқ тасвирланган. Дўнан Дўсматов, Жўра полвон Ғойипов, Тожимат ота Хидиров.

Инженер Белявский образи ҳам жиндек ўзгартиш билан тасвирланган. Канал проектини тузишда, канал қазиш жараёнида катта меҳнат қилган кекса инженер Клавдий Синявский бу образга асос бўлган. Мен унинг таржимаи ҳолига ўзгартириш киритганим сабабли фамилиясини бошқача қилишга тўғри келди.

Умуман, ҳар учала романда тасвирланган жойлар аниқ, кишлоқлар, маҳаллалар, йўллар аниқ жуғрофий асосга қурилган.

ТАНҚИДЧИ. Айрим танкидчилар «Қирқ беш кун»да канал қурилишидаги ишлаб чиқариш характеридаги можаролар, конфликтлар қаламга олинмаганлигини айтдилар. Канал қурилишининг бевосита иштирокчиси сифатида бу хусусдаги мулоҳазаларга қандай қарайсиз?

ЁЗУВЧИ. Мен умуман яхши танкидга тан бераман. Шуни ҳам айтиш керакки, китобни ҳаётдан узиб олиб таҳлил қилиш менга унча маъқул эмас. Агар танкидчи ёзувчи даражасида бўлмаса ҳам маълум даражада ҳаётни кузатган бўлса, баҳо берадиган китобига бошқачароқ ёндашади. Шу баҳона билан «Қирқ беш кун» атрофида бўлган баъзи танкидий мулоҳазаларни эслатиб ўтмоқчиман.

Катта Фарғона канали қурилишидаги меҳнат жараёни яхши тасвирланган, аммо қийинчиликлар, иш юзасидан майдонга келган жиддий конфликтлар етарли кўрсатилмаган, дейилди. Бу хил таъналар кўп танкидчиларнинг матбуотда эълон этилган мақолаларида қайд қилинди.

Агар Катта Фарғона канали қурилиши жараёни танкидчиларга аён бўлса, оз бўлса ҳам, қурилиш тарихига бир назар ташлаганларида бу хил таъналарга ўрин қолмасди.

Бунга бир мисол келтирмоқчиман.

Қурилиш бошида республикамизнинг жами раҳбарлари, вазирлар туришди.

Фарғона водийсида ичкилик чиқазиб юборилди.

Иш аниқ режа-лойиҳа асосида бир меъёردа давом этарди.

Бу ерда порахўр йўқ. Ичкиликбоз йўқ. Бюрократ йўқ. Ўғри йўқ. Гўё қирқ беш кун бу ерда “коммунизм қурилгандек” эди. Овқат текин, иш кийимлари текин. Медицина, маданий хизматлар текин...

Дангаса йўқ. Бировни биров зўрлаб ишлатиш йўқ.

Бадиий асар учун энг зарур бўлган омилларни топиш амримаҳол. Мен қандай қилиб сунъий равишда конфликт яратишим мумкин? Аслини олганда, мана шу қийинчиликлар сабабли бўлса керак, шу пайтгача Катта Фарғона канали қурилиши тўғрисида бирон жиддийроқ асар яратилмади.

Агар романга тўқиб чиқазилган конфликтларни киритганимда қурилишнинг оламшумул аҳамиятига зарар етказган, шу буюк қурилиш фидокорларининг нафсониятига теккан бўлардим. Мен айти танқидчилар тавсия қилган тарздаги конфликтни тўқиб чиқаришим мумкин эмас эди. Ҳашар, бунинг устига умумхалқ ҳашари нима эканлигини билган одам бундай талабни қўймайди.

Билмадим, ҳар қалай мен шундай деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам танқидий фикрларнинг шу қисми менга унча ўтиришмади.

ТАНҚИДЧИ. Мен аввал ҳам айтган эдим, баъзилар даъво қилгандек, «Қирқ беш кун»нинг меҳнат тасвири билан боғлиқ камчилиги «қурилишдаги қийинчиликлар, кўнгилсиз ҳодисалар, салбий томонлар муаллиф эътиборидан четда қолиб кетгани»да эмас, Сизнингча, аслида ҳаётда айти шу тарздаги ҳодисаларнинг ўзи бўлмаган экан. Лекин бу билан асар конфликтдан, ҳодисалар драматизмдан холи деган маъно чиқмайди. Менимча, айрим ўртоқларнинг романдаги мавжуд меҳнат тасвиридан кўнгли тўлмаётганлигини боиси бошқа ерда – Сиз айтган халқдаги ўша мислсиз шижоатнинг маънавий омиллари, ҳаётини замини, уларнинг фалсафий-эстетик маъноси, бугунги кунга алоқадор томонлари етарли даражада чуқур очиб берилмаганида бўлса керак... Шундай қилинганда асар драматизми ҳам ўз-ўзидан янада ўткирлашган бўларди.

ЎЗУВЧИ. Бу томонига бир нарсая дея олмайман. Ҳар ҳолда бадиият талаби билан ҳақиқатга, соддадил халқимизнинг “буюк удуми”га қарши боролмадим.

ТАНҚИДЧИ. Бир вақтлар, “Уфқ”даги она образидая фуқаролик туйғуси етишмайди, деган гап бўлган эди.

ЎЗУВЧИ. Қаҳрамондаги, қолаверса, кишидаги фуқаролик туйғусини бир хил мезон билан ўлчаб бўлмайди, бу ноёб туйғу ғоят хилма-хил кўринишда намоён бўлиши мумкин. Айрим асарлардаги она образларидан фарқли ўлароқ мен яратган она ўзининг фуқаролик туйғусини эл-юрт олдида намоёйишқорона кўз-кўз қилмайди.

ТАНҚИДЧИ. Она ноқобил фарзандидан сўнгги дакикаларгача кўнгил узолмайди, аини пайтда шу ноқобил фарзандининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари туфайли эл-юрт кўзига тик қаролмай, ўз дардини ҳатто энг яқин кишисига ҳам айтолмай, юрагини ёролмай, ўқинч, ғам-аламлар исқанжасида оламдан ўтиб кетади. Шунинг ўзи фуқаролик туйғуси эмасми?!

Она образининг бошқа бир ғоявий-эстетик функциясини ҳам унутмаслик керак. Онанинг аччиқ қисмати Турсун жиноятининг нақадар мудҳиш эканлигини юракдан ҳис этишга ёрдам беради; бошқачароқ қилиб айтганда, бу аччиқ қисмат китобхон қалбидаги чуқур инсоний, фуқаролик туйғусини алағга олдиради. Кейинги йилларда эл оғзига тушган, кўп жиҳатдан “Уфк”да тасвир этилган ҳодисани ёдга туширувчи рус адиби В.Распутиннинг «Яшайверу унутма» қиссасидаги Настянинг фожей қисмати тасвири ҳам худди шундай кучга эга...

Кўряпсизми, биз танқидчилар Сизни фақат танқид қилиб қўя қолмаймиз, балки асоссиз танқиддан ҳимоя ҳам қиламиз.

Ҳап танқидий мулоҳазаларга келган экан, яна бир масалада Сиз билан баҳслашмоқчиман. Барча асарларингизда бўлгани каби “Уфк”да, хусусан, “Қирқ беш кун”да бўрттиришга, муболагадорликка мойиллик кучли. Бунда баъзан меъёрни ошириб юборасиз. Ёдингизда бўлса керак, “Уфк”нинг университет студентлари даврасидаги муҳокамасида Абдулла Қаҳҳор ҳазил аралаш: “Саид Аҳмад баъзан китобхон кулавермаса китиклаб кулдиради, йиғлайвермаса кўзига пиёз суртиб йиғлатади”, деган, бунда шу хил бўрттириш, ошириб-тоширишларни назарда тутган эди.

ЁЗУВЧИ. Ҳажвий ҳикояларимда муболага кўп бўлади. Ўқувчи ҳам муболагани хуш кўради. Бирон китобхон, бу муболага-ку, жуда ошириб юборибсиз, деб таъна қилмаган. Романлардаги бўрттиришлар ҳажвчиликдан беихтиёр ўтиб қолган бўлса ажаб эмас. Умуман, муболага бўлса, нима бўпти? Ўқувчи ишонмаса, шубҳага тушса бошқа гап эди. Албатта, муболага меъёрида бўлиши керак. Мен муболагани сира меъёридан оширмасликка интиламан. Меъёридан ошган

пайтларда ҳажв баҳонаси билан ўқувчини чалғитаман, шу муболағани таҳлил қилишга фурсат бермай, уни бирон қизик гап билан овора қилиб қўяман. Бу ҳам бир приём-да!

“Қирқ беш кун”да муболаға кўпроқ деган маънода шама қияпсиз. Асло ундай эмас. Канал қурилишида бир ярим минг процент норма бажарган кишилар бўлган. Мен улар қилган ишларнинг ярмини ёздим. Етти, саккиз юз процент деб кўрсатганман. Агар аслини ёзганимда, билмадим, муболағанинг қанақаси бу, деб хайрон бўлардингиз. Андижоннинг Заврак қишлоғидан келган етмиш яшар Тожимат Хидиров деган киши кунлик ер қазииш топшириғини минг процентдан бажарган. Китобда унинг нормасини анча камайтириб кўрсатганман.

Халқ қурилишларидаги кўтаринки меҳнат кишиларини ҳозирги кўп ёшлар ҳатто тасаввур ҳам қилолмайдилар. Ҳақиқатда эса муболағанинг бўйи етмайдиган ғалати ишлар бўлган. Икки юз етмиш километрлик каналнинг умумхалқ хашари ва қўл кучи билан қирқ беш кунда битиши ҳар қандай муболағадан баланд эмасми?

ТАНҚИДЧИ. Шундайку-я, лекин ҳаётдаги мана шу фавқулудда ҳодисаларга, қаҳрамонлардаги ғайритабиий хусусиятларга китобхонни ишонтириш керак-да...

ЁЗУВЧИ. Азизхоннинг фавқулудда кучи Сизни шубҳага солаётган бўлса керак.

Романнинг бир неча боби ёзилгандан кейин ўзим ҳам сизга ўхшаб қаҳрамонининг қилаётган ишларига шубҳалана бошладим. Буёғини ёзмай, Азизхонни сал бошқачароқ тасвирласаммикин, деб турганимда Водил қишлоғида қаҳрамонининг ёши билан ёши тенг бир полвон бор экан деб эшитиб қолдим. Водилга борсам, полвон Ҳамзаободга ўйин кўрсатгани кетган экан. Қидириб бордим.

Алижон исмли бу ёш полвон киши ақлини хайрон қолдирадиган ўйинлар кўрсатарди. Тоғдан думалаб тушган катта харсангтошни саккиз киши аранг судраб унинг қорнига қўйишди. Тўрт киши ҳар бири йигирма беш кило келадиган тўртта болға билан харсангни унинг қорнида майдалашди. Ичи

тўла одам автобусни Алижон корнидан юргизиб ўтказди. Қорнига тахта қўйиб йигирма кишини чиқазди. Азамат йигитлар унинг қорнида туриб «Андижон полка»сига ўйин тушишди... Мен Азизхоннинг полвонлигини ана шу Алижондан олганман.

Майли, Азизхоннинг полвонлигини муболаға дейсизми, ҳақиқат дейсизми, ўзингиз биласиз. Агар ёзувчи сифатида ишонтиролмаган бўлсам айб менда.

Иноят Оқсоқол образи бўрттириб юборилган бўлса, мен уни атайин шундай қилганман. Азбаройи ўқувчи шунақа одамлардан жиркансин деб бутун нафратимни ўшанга сочгандим. Очигини айтганда, Иноят оқсоқол образи ҳар қанча муболагани, бўрттиришни кўтаради. Бу муболагалар ўқувчининг гашига тегмаса керак.

Хатто китоб босилиб чиққандан кейин ҳам ўқувчилар кўп хат ёзиб, қишлоғимизда фалончи деган ҳасис бор, мана бунақа ишлар қилган, китобингиз қайта босилганда шуни ҳам қўшиб қўйинг, деб ёзишганди. Кўряпсизми, Иноят оқсоқол образидаги бўрттиришга ўқувчи тўймай қоляпти.

Булардан ташқари, ўзим ҳазил-мутойибага ўч одамман. Ўзингизга маълумки, ҳажв, ҳазил муболагасиз бўлмайди. Баъзи жойларда меъёрдан чиқиб кетган бўлсам, бу муаллифлик ҳуқуқимни бир оз суиистеъмол қилишимдан бўлса керак.

ТАНҚИДЧИ. Кейинги пайтларда ибрат бўладиган севги тасвири ҳақида кўп гапириладиган бўлиб қолди. “Уфқ”даги севги можаролари бир қарашда ундай севгилардан эмас, хийла чигал, мураккаб ва асосан барбод бўлган севги тасвиридан иборат. Бунинг сабабини билсак бўладими?

ЁЗУВЧИ. Менимча, бу тушунчада жиндек англашилмовчилик борга ўхшайди. Текис-силлиқ севги, қаршиликсиз, осонгина ҳал бўладиган севги ибрат бўлолмайди. Инсонда тугиладиган бу энг эзгу ҳиссиёт нихоятда мураккаб жараён эканлигини тасвирлаш керак. Биз севги жараёнини қанчалик оғир имтиҳонлардан ўтказсак, қанчалик қарама-қаршилиқларга учратсак шунчалик ибратли бўлади деб ўйлайман.

Севгини «Аршин мал олам» юниси «Урғусини тасвир» толарда дуруст. Аммо жиддий роман севгини «Аршин» тасвирлай олмайди.

Булардан ташқари, сиз шарқ адабиётини тасвирлаш билан етганмиз. “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” “Бетма” “Зухро”лар руҳимизда, алоҳида, ўз тасвирини билишнинг ўрни керак. Трилогиядаги севги тасвирида ана ўшаниқнинг тасвири бўлса ҳам ажаб эмас.

Умуман, бизнинг шарқ адабиётининг ана шундай мураккаб севгилар тасвирланган. Ўшаниқнинг руҳининг шуларнинг тасвири сизнинг келган бўлишини керак.

Ўзбек ўқувчиси ҳаётда бахтли севгини, китобда мураккаб севгини ёктиради. Бу ҳол музикаларимизда, қўшиқларимизда аниқ кўринади. Тингловчи қўшиқни юракни бўшатгани деб тушунади. Бу хислатдан китобхон ҳам алоҳида ҳоли эмас.

ТАНҚИДЧИ. “Қирқ беш кун”даги меҳнат тасвири масаласига яна қайтиб, бу хусусдаги мунозарани бир таътиб эътиборингизни жалб этмоқчиман. Тарихий мавзу деганда биз нукул инқилоб, жангу жадаллар, тарихий шахслар тақдири тасвирини тушунар эдик. энди бу мавзу доираси кенгайиб, улкан қурилишлар тарихи ҳам адабиётимизга кириб келяпти. “Қирқ беш кун” насримиздаги шу тенденциянинг бир кўриниши. Шунга кўра бу ерда тарихий ҳужжатларнинг роли ва бадий талқини алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирча тажрибанинг камлиги оқибати бўлса керак, кўпчилик асарлар катори “Қирқ беш кун”да ҳам канал қурилиши воқеалари асар учун бир фон бўлиб қолгандек туюлади. Қурилиш жараёни, манзараси бор-у, унинг бутун тарихи тўлалигича бадий таҳлил этилмаган...

Сезиб турибман, бош қаҳрамон Азизхоннинг характерини шу қурилишда товланди-ку, дея эътироз билдирмоқчисиз. Тўғри, шундай, лекин Азизхон тақдиридаги энг жиддий ҳодиса, унинг севги фожиаси канал қурилиши ҳодисаларини билан фақат макон жиҳатидангина боғланган ҳолос. Бу фожа қурилишдан бошқа ерда ҳам, ё кейин ҳам юз бериши мумкин эди. Бу хил фактларни яна келтиравериш мумкин. Қурилиш

асарда асосан фон бўлиб қолган деганда шуларни назарда тутяпман... Яна бир нарсани сўраб олай: «Қирқ беш кун»даги канал қурилиши билан боғлиқ мавжуд тасвирлар аниқ хужжатми ёки кўрган-кечирганлар асосида ижодий қайта гавдалантирилган манзараларми? Бу борадаги хужжат билан бадний фантазиянинг муносабати ҳақида гапириб берсангиз.

ЁЗУВЧИ. “Қирқ беш кун” асосан аниқ хужжатлар асосида ёзилди. Ўзингиз яхши биласиз, хужжатлар, аниқ рақамлар, конкрет шахслар иштирок қиладиган асарда ёзувчи ўзини эркин сезолмайди. Айниқса, бўлиб ўтган воқеанинг иштирокчилари елкангдан қараб турганда, бемалол ёзолмас экансан.

Агар хужжатлар таъсирига тушиб қолсанг, фалончи мунча тупроқ қазидидан нари ўтолмайсан. Ҳар қандай йирик асар учун ҳаммадан бурун инсон тақдири керак. Аммо қирқ беш кунда қандай қилиб тақдир яратиб бўлади?

Бу кийин вазифани Азизхон орқали кўрсатишга ҳаракат қилдим. Бунинг учун мен танлаган қаҳрамон характери бошқачароқ, шиддатли оқимга тушганда тўлқинга қарши дадил суза оладиган бўлиши керак эди.

Азизхонни катта оқимга ташладим. Унинг тақдир жараёнини тезлаштириш керак.

Селекционерлар янги пахта навини яратиш учун унга кеча билан кундузни улаб юборишади. Тунда ҳам сунъий қуёш нури орқали кундузги ҳаётни давом эттиришади. Ўсиш жараёнини бир дам тўхтатмайди. Мен ҳам Азизхон тақдирини тезлатиш учун ҳар бир дақиқада тўқнашувларга дуч келтирдим.

Шу қирқ беш кун ичида у ўлимни ҳам, севгини ҳам, обрўни ҳам, таъналарни ҳам, юрт муҳаббатини ҳам, ота-она меҳрию зорларини ҳам кўрди. Ўт-олов, ҳаётни бир ўйин, эрмак деб тушунган бола юрт кўзида жамиятнинг актив қурувчисига айланди.

Албатта, бир кишининг характерини бутунлай ўзгартириш учун бу муддат жуда оз эди. Шундай қилиш керакки,

ўқувчи айтган гапларимга ишонсин, унинг кўнглида заррача гумон қолмасин.

Бу ерда энди бадий маҳорат иш бериши керак.

Биринчидан, ўқувчи Азизхонни севиб қолсин.

Иккинчидан, ўқувчи ҳаммавақт Азизхон тарафида бўлсин.

Учинчидан, сюжет оқими ўқувчин шошириб қўйсин.

Агар ана шуларга эришолсам, ўқувчи Азизхонни қирк беш кунда бошқача одам бўлиб қолганига ишониши мумкин.

Энди аниқ ҳужжатлар масаласига келайлик. Сюжетни фақат ҳужжатлар асосига қуриб бўлмасди. Мен қаҳрамонларимни сон-саноксиз ҳужжатлар орасидан олиб ўтдим. Романда тасвирланган меҳнат кунлари аниқ, қайси куни қанча тупроқ қазилган, қайси куни қайси участка олдинда, қайси бири орқадалиги ҳам аниқ ҳужжат асосида ёзилди. Ҳатто, қайси колхоз қаерда ишлагани ҳам факт.

Ўзим хаёлан ижод қилган уч-тўрт персонаждан бошқа иштирокчиларнинг ҳаммаси ҳам бор одамлар. Уларнинг прототипларини ҳам, характерларини ҳам аниқ тасвирлаганман.

Шуни ҳам айтиб қўяйки, фантазиям маҳсули бўлмиш персонажлар ҳам аниқ шахсларнинг йигиндиси эди. Азизхонни Дўнан Дўсмаатовни кўз олдимга келтириб туриб ёздим. Эш полвонни қаламга олганда тасаввуримда избосганлик Ўсар полвон гавдаланиб турди. Эшон ака, Жўра полвон, Тешавой Мирзаевларни ўзим шахсан танирдим. Бу образларга ортиқча хислатлар қўшмадим. Мумкин қадар улар характери ва фаолиятидан бадий адабиётга мос ҳолатларни танлашга уриндим.

Энди воқеа содир бўлган жойларнинг аниқ объекти тўғрисида бир-икки оғиз сўз.

Воқеа кечган жойларни бир эмас, бир неча бор кезиб чиққанман. Театр режиссёри пьеса ижрочилари сахнанинг қаеридан туриб гапиришини, қайси ишни қаерда қилиши кераклигини машқ қилгандек, мен ҳам ўз қаҳрамонларимни бу йўллар, бу кўчалардан хаёлан неча марталаб юргизиб кўрганман.

Хуллас, бадий фантазия билан аниқ фактларни бир-бирига омухта қилишга ҳаракат қилдим. Агар ўқувчи назарида

қурилиш бир фон бўлиб қолган деган фикр туғилган бўлса, демак, мен аниқ фактларни бадиий тўқима билан етарли омухта қилолмабман.

Шуни унутмаслик керакки, Катта Фарғона каналининг тўла бадиий тарихини яратиш, бу тарихни қаҳрамонлар тақдирида мукаммал гавдалантириш ҳазилакам иш эмас. Сиз айтгандай инқилоб, уруш воқеаларини қаҳрамонлар тақдирида мужассам этиш борасида катта тажрибаларимиз бор-у, ҳали улкан тарихий қурилишларни ифода этишда тажрибамиз кам.

ТАНҚИДЧИ. “Уфк”даги энг азиз, қалбингизга яқин персонажлар қайсилар? Танқидчиликда юксак баҳо олган Икромжоннинг тўқайда қочоқ ўғил билан учрашув картинаси қандай туғилган эди, эслай оласизми?

ЁЗУВЧИ. Ой-куни яқин аёлни икки йўл ўртасида турипти, дейишади. Аёл ё бола туғади, ё ҳалок бўлади. Ана шундай азоблар билан ўнлаб бола туққан хотинлар бор. Шулардан, болаларингизнинг қайси бирини яхши кўрасиз, деб сўраб кўринг-чи. Бир чеккадан ҳаммасини айтиб чиқади. Она учун боланинг яхши-ёмони бўлмайди.

Ёзувчи ҳам худди шу онага ўхшайди. Романдаги ҳар бир персонажни яратишда қанча кечаларни бедор ўтказганман. Қанчалаб саҳифаларни қоралаганман. Улар билан хаёлан гаплашганман, йиғлаганмай. Улар худди қайсар, бебош болалардек мени қанча қийнашган.

Хасис, ярамас Иноят оқсоқолни қандоқ қилиб ёмон кўрай. Ахир уни яратгунча қанча азоб тортганман. Унинг эски бир сўмликларни самоварнинг қорнига ёпиштириб дазмоллашидан тортиб, милиционер билан учрашишганигача менга қадрли.

Шундоқ бўлишига қарамай, Икромжон образини яратишда қаттиқ қийналганман. Чунки унга ниҳоятда чигал, қийин йўлни танлагандим. Романнинг бошидан то охиригача Икромжон руҳий азоб ўтида ёнади. Салкам етти юз саҳифали китобда шу руҳни ушлаб туриш осон иш эмасди.

Икромжон худди ҳаётда бор одамдек ўн беш йил менга ҳамроҳ бўлди. Китобга сўнгги нуқта қўйганимда бирдан энг қадрдон бир кишимни йўқотгандек кўнглим хувиллаб қолди.

Икромжоннинг қочоқ ўғли Турсунбой билан тўкайда учрашувини қандай ёзгансиз, деб сўрадингиз.

Эрта баҳор эди. Одатда мен кеч соат ўн иккилардан кейин то тонг ёришгунча ишлайман.

Одатим бўйича ўн иккиларда уйғониб, ташқарига қарасам, ёмғир ёғяпти. Иш пайтида кўп чекамани. Уй тутунга тўлиб кетади. Шунинг учун машинкамни кўтариб айвонга чиқдим. Ёмғир шариллаб қуйиб турипти. Тарновдан қуйилаётган ёмғир сувига тикилиб туриб кўнглимга аллақандай нохуш ўйлар кела бошлади. Ёзавон тўқайларида ҳам шундай ёмғир ёғаётган-микин, деган хаёлга бордим. Назаримда, елкалари ёмғирдан шалаббо бўлган Икромжон қамишлар орасида кетаётганга ўхшади. Дарров машинка олдига ўтирдиму ёза кетдим.

Буёғи эсимда йўқ. Қандоқ ёздим, Икромжонни, Турсунбойни қандай тасвирладим, улар бир-бирига нималар дейишди, сира-сира билмайман.

Машинкага бошимни тираб ухлаб қопман. Кўзимни очсам ёмғир ҳали ҳам ёғяпти. Ҳаво шунчалик нам эдики, машинкадан чиққан қоғозлар худди сувга ботириб олгандек ҳўл эди. Ёзилган беш-олти саҳифани йиғиштириб, панага олдим. Аммо ўқимадим. Ўқигани кўрқардим. Энг ҳаяжонли, масъулиятли ҳодиса тасвири маромида чиқдимикан, деган андиша мени чўчитар эди. Тушдан кейин қуриб, буралиб-буралиб кетган қоғозларни чўчиброқ ўқий бошладим. Йўқ, ажабтовур ёзилпти. Фақат баъзи жумлалар тўмтоқ, кераксиз, ўрнига тушмаган сўзлар кўп. Машинка ҳарфлари жойига тушмаганидай мутлақо тушуниб бўлмайдиган сўзлар анчагина эди.

Лекин бутун бир бобни аллақандай бир ғамгин музика оҳанги ушлаб турарди. Мен қочоқ ўғил билан отанинг учрашуви учун зарур бўлган бу руҳни кўпдан тополмай юрардим. Бу рух қандай келиб қолдийкин?

Энди, шунча йиллар ўтиб кетгандан кейин сабабини билипман. Ўша тундаги ёмғир кайфияти бу руҳни олиб кирган эди.

Уруш йилларидаги ўзбек кишлокларида узоқ савалаб ёққан ёмғир қандай манзаралар яратишини бир кўз олдингизга

келтириб кўринг. Одамлар юпун кийинган, дала йўллари юриб бўлмас даражада лой, ивиган деворлар гурсиллаб қулайди, лой томлардан тинимсиз чакка томади. Боғлар хунук; отлар, сигирларнинг қорниларигача лой, елкаларидан буг кўтарилади. Одамлар эшик олдида тўпланиб, кўчага чиқолмай ғамгин туришади. Далалар кимсасиз, жимжит. Қабристонларда гўрлар гупиллаб чўқади...

Мана шу манзара, мана шу кайфият роман бобига ғамгин бир оҳанг олиб кирган эди.

Тўғри, бу бобни кейин қанча марталаб таҳрир қилдим. Ота-бола ўртасидаги суҳбат, жумлалар, ҳолат неча марталаб ўчириб тузатилди. Аммо ўша ёмғир ёққан тун қолдирган ғамгин оҳанг ўзгармади.

ТАНҚИДЧИ. Бадий ижоднинг туғилиши, илҳом дақиқалари кўпинча беихтиёр кечади дейишади; ижод психологиясида интуициянинг ролини алоҳида таъкидлашади. Сизнинг тажрибангиз ҳам шуни тасдиқлаб турибди.

ЁЗУВЧИ. Бошқаларда қандай, билмайман. Бўлажак асарим қанақа бўлишини олдиндан етарли тасаввур этолмайман. Бироқ руҳиятимда ғалати кайфият пайдо бўлиб қолади. Музыка, кўшиқ эшитишга майл пайдо бўлади. Арзимаган кичик кўнгилсизлик ҳам менга ёмон таъсир қилади. Арзимаган гапга ҳам кулгим келади. Назаримда, умрим бекорга ўтиб кетаётганга ўхшайди. Нимадир ёзишим керак, деган ички интилиш пайдо бўлади. Ана шундан кейин кайфиятимга қараб мавзу кела бошлайди. Агар ғамгин ўйлар чулғаб олган бўлса – тақдири оғир кишилар ҳаёти, кайфим чоғ бўлса бахтли тақдирлар кўз олдимдан ўтаверади.

Шуни ҳам айтиб қўяйки, одамлар орасида кўп юрганымдан, яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўп кўрганимдан менга одамларни тасвирлаш унча қийин бўлмайди. Сюжет ҳам ўз-ўзидан келаверади. Боя айтганимдек, воқеани охиригача ўйлаб тайёр қилиб қўймайман. Наридан борса асарнинг ярмигача пишиқ қилиб ўйлаб оламан. Баъзан воқеанинг энг охирини ҳам пишитиб қўйман.

Агар ўзим яхши кўрган бирон куй таъсирига тушиб қолсам, шу оҳангни лейтмотив қилиб оламан-у, китоб битгунча ўша куй кўнглимда чалиниб туради. Бу менга худди шеърга ўхшаб вазни сақлашга ёрдам беради. “Ўукм” кассасини ана шундай оҳанг билан ёзгандим. Билмадим, бу қанчалик тўғри, аммо мен шунақа қиламан.

ТАНҚИДЧИ. Эҳтимол, Сизда шундайдир-у, бироқ, менимча, ижодда тасаввур, фантазия ҳамда интуициянинг ролини бир оз ошириброк кўрсатаётган кўринасиз. Укиб турибман, Сиздаги ўша ихтиёрсиз руҳий ҳолатлар замирида ҳам аслида ҳаётий тажрибалар, кўрган-кечирганларингиз ётибди.

ЁЗУВЧИ. Дарвоқе, янги асар, асар воқеалари кўнгилда беихтиёр туғилгани билан, айтиб қўяй, одатда ўз кўзим билан кўрмаган нарсаларни тахминан ёзолмайман. Бир мисол. Романда тўқайга ўт қўйиш боби бор. Аввалига уни тахминан, тасаввуримга ишониб ёзганман. Роман битгандан кейин қайта ўқиб сира кўнглим тўлмади. Тошкент атрофида тўқай йўқ эди. Атайин Мирзачўлга бордим. Крупская номли қолхознинг Сирдарёга туташган бригадасининг ерларида қаттагина тўқай бор экан, қолхоз раиси ва бригада бошлиғининг руҳсати билан тўқайга ўт қўйдим. Шундагина аввал ёзган бобимдаги ёнғин тасвири нақадар ғариб эканини билдим.

Қамиш барглари аввал ёниб, учидagi попугига ўтқи узатар экан. Барғи ёниб бўлган, танасини ҳали ўт олмаган. фақат учидagi попуғи худди шамга ўхшаб ёниб тураркан. Ердаги ҳашаклар билан қўшилиб қамиш танаси ёнар экан. Сал шамол эсса, ўт ёнбошлаб, ерни олов тили билан ялаб, илондек ўрмалаб кетаркан.

Қамишлар орасидан учиб чиққан қушлар фарёд уриб, қора тутун орасида қарх уради. Баъзан қуёнми, қаламушми ўтдан қочиб чиқади.

Романдаги ёнғин боби шундан кейин бошқатдан ёзилди. Бундай ҳолатлар кўп бўлган.

1976 йил, октябр

КУЛГИ СЕҲРИ

(Ёзувчи Саид Аҳмад билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Саид Аҳмад ака, Сиз ҳикоячиликдаги тажрибаларингиз, “Уфк” трилогиясининг тугилиш тарихи ҳақида озми-кўпми гапириб бергансиз. Ўйлаб қарасам, ҳажвий асарларингиз тўғрисида айтарли ҳеч нарса демаган экансиз. Ҳолбуки, ижодингизнинг каттагина қисми ҳажвиядан — комедия, сатирик, юмористик ҳикоялар, фельетонлардан иборат. Сатира-юмор жиддий асарларингиз, ҳаттоки “Уфк” трилогияси бағридан ҳам кенг жой олган. Бунинг устига ижодингизга оид энг кўп баҳс-мунозара Сизнинг худди шу ҳажвий асарларингиз устида борган. Қатор ҳикояларингиз ўз вақтида жиддий тортишувларга асос бўлган, “Келинлар кўзго-лони” теварагида аввал даҳанаки, сўнг “Ўзбекистон маданияти”¹ газетаси саҳифаларида кетган мунозара ҳам жуда қизгин ўтган эди, бу борадаги баҳс ҳали ҳам давом этапти. Сиз, негадир, шу баҳсларнинг бирортасига ҳам ўз муносабатингизни билдирмай сукут сақлаб келяпсиз. Менимча, энди сал «ёрилиш» пайти ҳам келгандир, малол келмаса, суҳбатимизни ҳажвий асарларингиз, бу борадаги ижодий тажрибаларингиз, баҳсларга муносабатингиз, шу баҳонада ҳажвиётнинг ҳозирги аҳволи, истиқболи масалалари хусусида олиб борсак.

ЁЗУВЧИ. Гапларингиз жуда маъқул. Ҳажв ҳақида жиддий бир гап айтадиган пайт келди. Мени кечиринг-ку, шу пайтгача сиз адабиётшунослар ҳам ҳажв ҳақида лом-мим демай келасизлар ёки жуда кам, фақат қўл бўшаб қолганидагина ёзасизлар. Ҳажвни биз яратамиз, аммо ҳажв ҳақида. унинг адабий тур сифатида ҳозирги замон адабиётида тутган ўрни, қай даражада маҳорат билан ёзилган, ёзилмагани тўғрисида сизлар гапиришингиз керак.

Ҳозир адабиётимизда ҳажвчиликда анчагина тажриба орттирган, бир қанча асарлар яратиб ўқувчининг оғзига тушиб қолган таланти ёш ёзувчиларимиз бор. Уларнинг китоблари

¹ Ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси.

тўғрисида нари борса кафтдеккина тақриз битиш билан чекланиб қўя қоласизлар. Менимча, ҳажвий асарлар тўғрисида кенг, атрофлича таҳлил қиладиган, маҳоратда ўша асарлардан қолишмайдиган мақолалар яратилиши керак. Ҳозирги ҳажвчи ёшларимиз уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар қабилида иш тутиб эплаб-сеплаб ёзиб туришибди. Уларга бош бўладиган, бошларини бир жойга қовуштирадиган одам йўқ.

Гали келиб қолди. Икки оғиз ҳажвчилик таланти ҳақида гапирсам. Қоракўлчи чорвадорларнинг гапига қараганда, мингта қоракўл кўзи орасидан гоҳи-гоҳида битта “Антиқа” деган ноёб терили кўзи туғилар экан. Шу гапга қиёс қилиб айтсак, юзта жиддий ёзувчи орасидан атиги битта ҳажвчи ёзувчи чиқиб қолади.

ТАНҚИДЧИ. Бир оз ошириб юбордингиз, чамамда.

ЁЗУВЧИ. Бор гапни айтяпман. Ҳажвчилик, яъни бировни кулдира билиш ноёб истеъдод ҳисобланади. Ана шунинг учун ҳам уларни тарбиялаш, адабиётимизнинг ажралмас қисми бўлган бу тур ривожига хизмат қилдиришимиз керак. Аввало ҳажвчи халқ тилини, шу тилнинг бутун рангларию оҳанглари-ни бошқалардан кўра нозик ҳис қиладиган ва уни жуда чиройли қилиб, одамлар чехрасига табассум пуркайдиган қилиб айтиб бера оладиган маҳорат эгаси бўлмоғи керак. У сўзни сўзга уриштириб жаранглатадиган, гап тагига гап яширадиган, сўз билан одамлар руҳини қитиклайдиган, тингловчини оғир руҳий ҳолатдаги мувозанатини бузиб, енгил, қувноқ кайфият ҳолатига олиб кирадиган бўлиши керак. Кулиш осон, кулдириш қийин. Кулгисиз ҳаёт ғоятда зерикарли бўлиши, кулгини кундалик ҳаётимизда жуда муҳим роль ўйнашини ҳаммамиз биламиз-ку. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, кимдир бирон марта кулмай умрини ўтказган бўлиши мумкин. Аммо шу одам чинакам умр кечирди, деб бўладими? Кулмаслик худди жисмоний нуқсондек гап. Унинг аллақайси сезги аъзоси ишламагандек, танасига, руҳига қандайдир зарур витамин етишмагандек.

Телевидение орқали курсатилаётган миниатюраларнинг, радио “Табассум”нинг ишқибозлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Театрларимизда кўрсатилаётган комедиямизга

ҳалигача бемалол билет олиб бўлмайди. Тўй-ҳашамлар, базмлар аскияларсиз, латифасиз ўтмайди.

Демак, ҳажв ҳаётимизни безайдиган, руҳларимизни енгиллатадиган ва шу билан бирга ҳаётимиздаги иллатларни турткилаб турадиган, йўлдан чиққанларни кўпчилик орасида пўстагини қоқадиган ғоявий қурол ҳамдир. Шунинг учун ҳам биз олим ўртоқларимиздан ҳажв тўғрисида яхши-яхши илмий асарлар яратишларини илтимос қиламиз.

Энди “Келинлар кўзғолони” тўғрисида. Рост айтдингиз. Бу комедия атрофида кўпдан бери шов-шувлар бўлиб келяпти. Қайси бир танқидчининг қўли бўш қолса, албатта, унга битта тош отиб қўяди. Танқид албатта яхши нарса. Биз оддий томошабин асарни кўриб яхши ё ёмон деса, айбини бўйнига қўйиб бер, ёмонлигини исботлаб бер, деёлмаймиз. Томошабин ёкмаса, ёмон экан, деб кетаверади. Аммо адабиётшуноснинг бундай дейишга ҳаққи йўқ. У нима учун ёмонлигини, қандай қилса яхши бўлишини айтиб бериши керак. Шунинг учун ҳам бирор асар устида фикр юритаётган танқидчи ўртоғимизнинг асарни ёзган муаллифдан савияси паст бўлмаслиги керак. Муаллифга унча-мунча гап айтиб бера оладиган, унинг чинакам маслаҳатчиси, шу асарнинг ҳақиқий жонқуяри бўлмоғи керак.

“Келинлар кўзғолони” тўғрисида уни ҳар тарафлама чуқур таҳлил этиб, ютуқ ва камчиликларини кўрсатадиган мақола ҳали чиққани йўқ. Айрим ўртоқларимиз уни ёмонлагани сари томошабин кўпайиб кетяпти. Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театрида жуда оз вақт ичида икки юз саксон мартадан ортиқ ўйналди. Ўйналганда ҳам тўла зал билан, бирикки кун олдин билет сотилиб бўлган, ташқарида қиролмаган юзлаб одамлар қолган ҳолда ўйналди. Спектални ўн-ўн беш марта лаб кўрган одамлар бор. Биргина бу театрда эмас, Мулла Нафас номидаги Туркман Давлат Академик драма театрида икки юз марта худди шундай зал тўла томошабин билан ўйналди. Мухтор Авезов номидаги Қозоқ Давлат академик драма театрида ҳам юз мартадан ортиқроқ кўйилди. Бу театрнинг спектаклларига билет қорхона илғорларига мукофот тариқасида бериляпти. Касса тепасида ҳамиша “Билет йўқ”

деб ёзилган тахтача осифлик туради. Ҳозир “Келинлар кўзғолони” Иттифоқимизнинг ўн тўрт театрида муваффақият билан ўйналмоқда. Модомики суҳбатимиз кулги устида кетаётган экан, мен ҳам кулги учун жиндай макташиб кўйдим... Сиз бўлган ва бўлаётган танқидларга ўз муносабатингизни билдирмай, сукут сақлаб келяпсиз, деб таъна қилдингиз. Мен ҳали ҳам сукут сақлаш ниятидаман. Чунки мен учун “Келинлар кўзғолони”нинг ўзи баҳсларга жавоб берапти. Бу асарнинг республикамиз ташқарисида муваффақият билан ўйналиши баҳсларга яхшигина жавоб эмасми?! Иттифок Фанлар академиясининг Сибир бўлими шаҳарчасида кўрсатилган спектаклга академиклар чалган қарсак, улар кўзидаги севинч ёши мен учун жуда мўътабардир. Санъатшунос олим профессор Рудницкийнинг “Правда”да босилган “Талантлар ҳамоҳанглиги” мақоласида айтилган илиқ гаплар мен учун ниҳоятда кадрлидир. Адабиётшунос олим Ҳафиз Абдусаматов, Муҳсин Қодировлар комедияни ҳимоя қилдилар. Аммо улар ҳам баъзан чўчиб, орқа-олдиларига қараб, жиндеккина журъатсизлик билан ҳимоя қилдилар. Шундоқ бўлишига қарамай, ўшандай ҳимоячиларим борлигидан хурсандман. Шунини яхши биламанки, ҳеч қачон комедия осонликча саҳнага чиқмаган. “Келинлар кўзғолони” ҳам ўшандай қийинчиликларни бошидан кечирган асардир.

ТАНҚИДЧИ. Кузатиб бораётган бўлсангиз керак, бир неча ойдан бери “Литературная газета”да комедиянинг ҳозирги аҳволи тўғрисида жўшқин мунозара давом этапти. Шу мунозарада, шунингдек, сатира, юморга оид баъзи илмий ишларда ғалати бир фикр ўртага ташланыпти. Ҳозир, яъни фан-техника инқилоби даврида, кишилар хилма-хил ахборотлар юки остида ғоятда билимдон, ақлли бўлиб кетган шароитда кулги, сатира-юморнинг умри тугаб борапти, кулги эндиликда эскириб қолди, комедия – сатира, юмор инқирозга учради, деганнамо гаплар айтиляпти.

ЁЗУВЧИ. Менимча, бу мутлақо нотўғри фикр. Тўғри, ҳозирги замон, яъни йигирманчи аср кишиси – чинакамига фикри тараккий этган, билимдон кишилар. Дарҳақиқат, улар фан-техника ривожига қўшганида турли хил информациялар

юки остида қолганлар. Уларнинг ниҳоятда жиддийлашиб кетгани ҳам рост. Ҳар бир оилада техникага оид, илм қудрати билан вужудга келган хилма-хил асбоблар бор. Электровентилятор, дазмол, музлаткич, конденсионер, минг хил транзистор ва чизмалар билан тўлган; телевизор, магнитофон, радио, чангюткич, соқол олиш машинаси, соч жингалак қиладиган қайчисимон асбоб, болаларнинг моторли ўйинчоқлари, тикув машинаси, кир ювиш машинаси... эҳ-ҳе, бунақалардан яна қанчадан-қанчаси битта оилада жамланган. Ўтган аср кишиларининг тушига ҳам кирмаган нарсалар ҳозир уйимизда турибди. Ҳар куни, ҳар қадамда уларга ишимиз тушади. Хўш, шулар бизнинг кулги туйғуларимизни йўққа чиқазадими? Мутлақо йўқ. Куни кеча Москва телевидениеси орқали давримизнинг буюк комик артисти Аркадий Райкин фазода учиб юрган икки космонавт учун ҳажвий ҳикоялар айтиб берди. Зангори экранда космонавтаримизнинг мириқиб кулганларини ва уларнинг Райкиндан яна номер ижро қилишни талаб қилганларини кўрдик. Биламизки, жаҳондаги барча одамлардан кўра фан-техника информациясини кўп қабул қиладиган, ҳар бир томиридан тортиб, танидаги ҳарорат ҳам, ухлаб-уйғониши ҳам фанга беқиёс хизмат қилаётган киши космонавтлардир. XX аср фан-техникасининг энг буюк мўъжизаси саналмиш космик кема ичида, вазнсизлик ҳолатида ҳам одам боласи кулгига ташна, кулги шайдоси... Шундай экан, кулги ҳеч қачон инсонни тарқ қилмайди. Инсон қувончсиз, табассумсиз, хандасиз яшолмайди. Демак, комедия ҳам, ҳажв ҳам яшайверади. Асло инқирозга учрамайди. Бунинг учун яна баъзи далиллар келтирай.

Олимларни ниҳоятда жиддий одамлар деб ўйлаймиз. Чунки улар илмий кашфиётлар хаёли билан формулалар, схемалар, жадваллар оламида яшайдилар. Ана шу кишилар ҳам кулгига зарурият сезадилар. Жаҳонда “Раҳматуллин тўлкини” деб аталган тўлқин назариясини яратган академик Ҳабиб Раҳматуллин, “Материаллар қаршилиги” назариясини яратган академик Муҳаммадjon Ўрозбоев, ерости бойликларини топишнинг янги усулини ихтиро қилган

академик Ҳабиб Абдуллаевларни жуда кўп марта аскиячилар даврасида завқ билан кулишларини, латифалар айтиб хандон уришларини кўрганман, кузатганман.

“Нисбийлик назарияси”ни ихтиро қилган жаҳон фанининг энг мўътабар намояндаларидан бири Алберт Эйнштейннинг қувноқ латифалари ва ё у ҳақида тўқилган сон-саноксиз латифаларни биламиз, ҳар кунни эшитамиз.

Кўриниб турибдики, фан-техника ривожини, инсон ақли ва онини қабул қилаётган хилма-хил информациялар уни қувончдан маҳрум қилмайди, билъакс унда кулгига, қувноқликка эҳтиёж уйғотади.

ТАНҚИДЧИ. Ҳажв, комедиянинг инқирози ҳақидаги гаплар беихтиёр яқин-яқинларда бўлиб ўтган роман, драма, поэма, ҳикоя теварагида борган баҳсларни ёдга туширади, худди ўша баҳсларда ҳам мазкур жанрларнинг “инқирози” ҳақида “башорат”лар қилинган эди; мана, кўрдик, кўриб турибмиз, роман ҳам, драма ҳам, ҳикоя ва поэма жанри ҳам бугунги кунда муваффақият билан ривожланиб борапти. Ҳатто комедиянинг ҳозирги аҳволи ҳақида жуда кескин танқидий фикрлар изҳор этилаётган “Литературная газета”даги баҳсда ҳам бу турда кўплаб яхши асарлар пайдо бўлаётгани айтилди. Ўзбек адабиётидан ҳам сатира ва юморнинг истиқболига яхши умид боғлаш учун асос берадиган қатор яхши асарларни тилга олиш мумкин. Худойберди Тўхтабоевнинг Иттифоқ бўйлаб донг қозонган, жаҳон сафарига отланган “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими” романларини эслайлик. Танқидчил-икда улар кўпроқ саргузашт, детектив адабиёт намунаси, деб талқин этилди. Аслида улар ҳажвий асар, сатира ва юморнинг яхши намунаси, бинобарин, худди “сатира ва юмор инқирози” ҳақидаги гап кетаётган бир пайтда ўзбек адабиётида илк бор Иттифоқ, ҳатто жаҳон китобхонига манзур бўлаётган ҳажвий роман туғилди. Худойбердининг “Жонгинам, шартингни айт” кассаси, Неъмат Аминовнинг ўнлаб ҳажвий ҳикоялари, “Елви-зак” повести ҳажвийтимизнинг бугунги ютуқларидандир...

Мен атайлаб олдин Сизнинг ҳажвийётдаги издошларингиз – шогирдларингиз номларини тилга олдим. Мазкур факт шуни

кўрсатадики, бизда барқарор ҳажвчилик анъаналарини муносиб равишда давом эттираётган авлод бор, бинобарин, ҳажв инқирозга юз тутган, ривожига тўхтаган эмас, унинг истиқболи ишончли қўлларда.

Бевосита Сизнинг асарларингизга келсак, 60-70-йиллар давомида яратган ҳажвияларингиз етти ёшдан етмишга қадар ўзбек ўқувчисига маълум ва манзур. “Келинлар кўзголини” орқали энди Сизнинг кулгингиз ўзбек аудиторияси доирасидан чиқиб Иттифоқ бўйлаб жарангламоқда, Фармонбиби, унинг азамат ўғил ва аломат келинлари ҳозирда рус, қозок, туркман, қирғиз, тожик, арман тилида сўзлаб, турли миллат, элат одамларини қаҳқаҳага солмоқда, минглаб кишилар кўзида севинч ёшини қалқитмоқда...

Бу билан мен ҳажвиётдаги аҳвол ҳар жиҳатдан кўнгилдагидек демоқчи эмасман; саёз асарлар, “сатира” ва “юмор”, “комедия” деб тақдим этилаётган, аслида бу турга мутлақо алоқаси йўқ нарсалар тўлиб-тошиб ётибди. Ҳозир сатира ва юморга майдон ҳар қачонгидан кенг, ривожига йўл очик, сатира ва юморни бирёқлама тушуниш, тушунтириш давлари ҳар ҳолда орқада қолиб кетди. Қаранг, “Муштум” ойда икки марта чиқиб турибди, деярли барча газета ва журналларда ҳажв минбари мавжуд, радио ва телевидение махсус кўрсатув ҳамда эшиттириш дастурига эга. Минг афсуски, мана шу кенг майдон, қулай имконият кўпинча суниистеъмол қилиняпти, юксак маҳорат билан ёзилган талантили ҳажвий асарларга ҳар қадамда муҳтожлик сезиляпти.

Мавзудан бир оз четга чиқиб кетдик, чамамда. Аввало, Сизнинг ижодингиз, тажрибаларингиз ҳақида гаплашмоқчи эдик. Асосий муддаога қайтсак.

Баъзан ҳажвиётдаги анъаналар ҳақида бирёқлама гаплар эшитишга тўғри келади, чунончи Абдулла Қаҳҳор Гоголдан қандай қилиб кулиш ва кулдиришни ўргангани ҳақида ёзган кишилар бўлган. Бу хил қарашлар кейинги йилларда кескин танқидга учради. Дарҳақиқат, бисотида кулгига мойиллик, кулиш, кулдириш лаёқати, тўғрироғи, истеъдоди бўлмаган одам ўзгалардан бу фазилатни олиши, ўзлаштириши асло

мумкин эмас. Бироқ, шуниси ҳам борки, туғма комик истеъдод эгаси мавжуд адабий-ҳажвий анъаналар доирасидан ташқарида камол топиши мумкин эмас. Умуман бадиий ижодда бўлгани каби, комик истеъдод соҳиби ҳам устозлар таъсирида, улардан ўрганиб вояга етади. Сиз ҳажвиётдаги устозларингиз, улардан олинган сабоқ ҳақида нима дер эдингиз?

ЁЗУВЧИ. Устозлардан ўрганиш ҳам ҳар хил бўлади. Кўпинча устозлар яратган асарларни такрорлаш ҳоллари учраб туради. Бу – нотўғри йўл. Аслида ўша устозларни устоз санъаткор даражасига кўтарган сирларни ўрганиш керак, мен ҳам ижодимнинг бошланиш даврларида баъзи жиддий хатоликларга йўл қўйганман. Аввал тақлид, кейин устозлардаги ноёб оригинал фикрларни бошқача қилиб кўчириш ҳоллари ҳам бўлган. Бу ҳам майли-я, мен Чеховни ўзимга устоз билиб, унинг ижодига шунчалик берилиб кетганманки, унинг санъатини ўрганиш бир ёқда қолиб кетиб, Чехов тасвирлаган кишиларга ўхшаган кишиларни, Чехов тасвирлаган воқеаларни бугунги ҳаётдан қидирадиган бўлиб қолдим. Мен Чехов билан бугунги давр оралиғини унутиб қўйдим. Шунинг учун ҳам ҳикояларимда замон учун хос бўлмаган кишилар ва воқеалар аралашиб қоладиган бўлди. Ҳайриятки, мен бу нуқсонимни тез англаб, ўзимни ўнглаб олдим.

Мен бу устозлардан ўргандим. Аммо уларга тақлид қилмадим. Мен улардан санъаткорлик сирларини ўрганишга интилдим. Шу пайтгача нимаики ёзган бўлсам, ўз йўлимдан боришга, баҳоли қудрат ўзимга хос услубда ёзишга интилдим.

ТАНҚИДЧИ. Демак, устозлардан кулгини санъат даражасига кўтариш, кулги воситасида муҳим ижтимоий-ахлоқий масалаларни ўртага қўйиш, ҳаётнинг катта ҳақиқати, гапини айтиш, даврнинг комик типларини яратиш сирларини ўрганиш мумкин. Дарҳақиқат, Сизда бўлганидек, кўпгина ёшларда устозлардан ўрганишда баъзан шу бош масала қолиб, нуқул устознинг комик услубига, сўзлаш тарзига тақлид қилиш ҳоллари учрайди. Бу билан узоққа бориш мумкин эмас. Масалан, мен кейинги йигирма йил давомида ҳажвиётда сизга ўхшатиб ёзишга уринган ўнлаб ёш қаламкашларни учратган-

ман, лекин уларнинг бирортаси ҳам ҳажвда шуҳрат қозона олмади. Ҳажвиётда ўз услубини топиш ниҳоятда қийин муаммо. Бунинг учун ҳажвда куч синаётган қаламкаш энг аввало тақлидчиликни йиғиштириб қўйиб, қаламни ўзининг кўнгил майлига қўйиб бериши керакка ўхшайди. Масалан, Неъмат Аминов ҳажвиётга худди шу йўл билан кириб келди, у бошдаёқ ҳеч кимникига ўхшамаган ўз овози билан кула бошлади. Афсуски, кейинги пайтларда у ўзини-ўзи такрорлаб қўяётир, кулгиси бир хил доирасида қолаётир, кулги созининг янги жилolari, имкониятларини ишга солиш борасида етарли бош қотирмаётир.

ЁЗУВЧИ. Бунга сабаб ёш қаламкашда ҳаётни кузатиш, ҳаётдан олган таассуроти камлигида деб биламан. Ҳаттоки ёзувчи услубидаги жилolarни кўпинча унинг шахсий-ҳаётий тажрибаси белгилайди. Стил – бу ёзувчининг ўзи, деган нақл бор-ку ахир. Ёш ёзувчининг биринчи китоби болалигидан бошлаб то қўлига қалам олиб ижод қилган давригача кўрган-кечирган ҳодисалари асосида ёзилган бўлади. Аммо иккинчи китобга келиб ҳаётдан олган запас материал тугаб қолади. Шунинг учун ҳам ўзини ўзи такрорлай бошлайди. Ёзувчи қанча кўп кўрса, кечинмаларга қанча бой бўлса, ўз-ўзини такрорлашдан қутулади. Шунинг учун ҳам мен ёш ёзувчи укаларимга юртни кўп кезишни, одамлар орасига киришни, халқнинг ажойиб қочириқли гапларини ўрганишни маслаҳат бераман. Кўп кўрган, кўп эшитган ёзувчининг асари ҳаётий бўлади. Ҳаётда кулгили ҳолатлар кўп, уни кўра билиш керак...

Умуман, ҳажвни бировга ўргатиб бўлмайди. Ҳажвчи бўламан деган одамнинг ўзида бу жанрга мойиллик, бировни кулдира билиш қобилияти бўлиши керак. Ана шундай одамга, ҳажвдан дарс берса, жуда тез илғаб олади ва қолганини ўзи ривожлантиради.

ТАНҚИДЧИ. Ўзингиз айтганингиздек, ижодингиз бошланиш йилларидаги тақлидчилик ҳоллари фақат адабий тажрибанинг камлиги оқибати бўлмай, бунга сабаб шахсий-ҳаётий тажрибанинг камлиги ҳам экан-да. Дарҳақиқат, ўша кезлари сизда услубда гоҳ Ғафур Ғуломга, гоҳ Абдулла

Қаҳҳорга, гоҳ А. Чеховга тақлид қилиш ҳоллари бўлган. Шу билан баробар илк китобингиз – “Тортик”да устозлар анъанасидан чекиниш – ҳажвни, кулгини шунчаки ҳазил-мутойиба, эрмакка айлантириб юбориш ҳоллари ҳам учрайди. Бунинг учун ўз вақтида қаттиқ дакки ҳам эшитгансиз. Лекин ўша пайтдаёқ сизда Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорлардан фарқ қилароқ, кулгининг захарханда жиддий, фош этувчи хилига эмас, ҳазил-мутойиба кулф уриб турувчи, енгил, ҳаётбахш, тасдиқ этувчи кувнок турига мойиллик кучли эди; дастлаб кулгининг ана шу кувнок турида даврнинг катта гапини, ҳақиқатини айтиш тажрибаси етишмайроқ турган эди. Маълум бўляптики, бу ҳаётини тажрибанинг етарли эмаслиги билан боғлиқ экан. Дамак, оригиналлик шахсий услубни санъат даражасига етказиш сизда осонликча кечгани йўқ. 60-70-йилларга келиб Сиз танлаган йўл ижобий самаралар берди, аммо бу йўлда ҳали ҳам баъзи қусурлар учраб қолади; шу билан бирга, Сизнинг ҳажвий асарларингизга баҳо беришда индивидуал услубингизни, Сиздаги кулгининг ўзига хос томонини етарли ҳисобга олмаслик ҳоллари кўп бўлди ва ҳамон учраб қолаётир. “Эгар бозори”, “Чол куёв билан кампир келин”, “Ихтиро”, “Гувала”, “Отпуски”, “Карнай”, “Синовчи ичувчи” – буларнинг барчаси ҳазил кўтармайдиган жиддий кишилар назарида шунчаки бир ҳангома, оддий ҳазил-мутойиба бўлиб туюлиши мумкин. Ёки “Келинлар кўзғолони” хусусида айтилган баъзи танқидий мулоҳазаларни эслайлик. Айрим ўртоқлар комедияда олди-қочди, ҳазил-мутойибалар кўпайиб кетгани, асарда жиддийлик етишмаслиги ҳақида ёздилар. Агар асар шу хил олди-қочди, ҳазил-мутойибалардан ҳоли этилиб жиддийлаштирилса, унинг комедиялиги қаерда қолади? Замонамизнинг атокли юмористи Юрий Никулин “Литературная газета”даги суҳбатида комедия асосида ётувчи ҳодиса – олди-қочди, ибтидоий, ўта жўн бўлиши мумкин ва лозим деган эди. Баъзан мана шу ибтидоий, ўта жўн олди-қочдидек туюлган ҳодисалар замирида ётган маънони, комедия воситаларида ифода этилган ҳаёт ҳақиқатини англаб етиш қийинроқ кўчади. Шундан бўлса

керак, комик асарга берилган баҳолар баъзан бир-бирига тамомила зид келиши ҳам мумкин. “Келинлар кўзғолони” қардошлар сахнасида муваффақият билан қўйилаётган, марказий матбуотда, “Правда”да юксак баҳоланган бир пайтда Норбой Худойберганов “Литературная газета”даги комедия баҳсида Сизнинг шаънингизга илиқ гаплар айтиш билан баробар, беҳосдан: “Комедия билан танишгач, биз драматург нега, қандай мақсадда, нима учун қўлига қалам олган экан, деб бош қотирамиз”, – деб ёзади, танқидчи комедиянинг мақсадини маршал кампир – Фармон бибини енгилгина танқид этишдангина иборат деб билади, бу ҳол комик асар учун камлик қилишини айтади. Менимча, “Келинлар кўзғолони” маъносини фақат шу тарзда тушуниш ҳам жуда-жуда камлик қилади.

ЁЗУВЧИ. Мен боя “Келинлар кўзғолони” теварагидаги танқидга муносабатимни айтиб ўтдим. Комедияни, ҳажвий асарни музикага қиёс қилиш мумкин. Яхши куйни марок билан тинглайсиз-у, маъносини, бастакор мақсадини тушунтириб беришга келганда қийналиб қоласиз. Кулгили асар ҳам шундай. Уни ичак узилгудек бўлиб кулиб ўқийсиз, томоша қиласиз, аммо бунинг сирини изохлашга келганда ўйлаб қоласиз. Бироқ танқидчи – ўз соҳасининг устаси, билимдони, у бу сирни билиши, англаши, ҳис этиши, ўзгаларга тушунтириб бера билиши лозим, деб биламан.

ТАНҚИДЧИ. “Келинлар кўзғолони”да, умуман, Сизнинг ҳажвияларингизда, Ўрик домла-ю, Азизхондан тортиб Фармон бибига қадар барча юмористик персонажларингизда муболаға, бўрттириш, лоф хийла кучли. Ҳаётда айни Ўрик домладек мутаассибларни, Синовчи-ичувчидек одамларни, Фармон бибидек маршал кампирларни учратиш қийин. Биринчидан, шу тур комик образларнинг туғилиш тарихи, ҳаётий замини ҳақида гапирсангиз, иккинчидан, ҳажвиётдаги муболаға, лофнинг ўрни, ролига қандай қарайсиз, шу хусусда сўзласангиз.

ЁЗУВЧИ. Мен туғилган маҳаллада Махсуд ўлик деган қўшнимиз бўларди. Резавор етиштиришда ундан устун одамни ҳалигача кўрмаганман. Қаторасига тушган тўрт уйнинг олди

полсиз айвон эди. Қиш кириши билан айвон олдига ромлар ўрнатиб пол ўрнини кетмонлаб, унга турли резаворлар экарди. Қиш билан шу резаворларни сотиб рўзгорини дурустгина тебратарди. Ердан қор кетиши билан томини кетмонлаб чопиб редиска уруғи сепарди. Тошкентда у ҳаммадан олдин бозорга редиска чиқазарди. Хулласи, у йилига шу кичкина ҳовлисида уч-тўрт марта ҳосил кўтарарди. Ундан ташқари шу маҳалламизда кулоғи огир бир боғбон бўларди. Боғида ўрик кўп эди. Ўрикларга ранг кириши билан унинг кулоғи баттар том битарди. Нима сўраманг, нима гап айтманг кулоғига ўрик бўлиб эшитиларди. Салом берсанг ҳам: «Ҳали ўрик пишгани, йўқ», – деб жавоб берарди. Биламан, Фарғона пединститутининг бир ўқитувчиси ўрикнинг биологик хусусияти тўғрисида номзодлик диссертацияси ёқлайди. Бу домлани ҳамма “Ўрик домла” деб атайдиган бўлиб қолишади. Сайфиддинхон деган қариндошимиз бўларди. У киши машҳур соҳибкор Ризамат отанинг дўсти. Шредер номидаги боғдорчилик илмий-текшириш институтида маслаҳатчи-аграном бўлиб ишларди. Сайфиддинхон ака ҳовлиларига турли хил мевали дарахтларни уруғидан кўкартириб асил мевалардан пайванд қиларди. Ўғил-қизлари ҳам пайвандга уста эди. Мен шу киши билан кўп гаплашардим. Пайванд вақтида уйларига чиқиб томоша қилардим...

Мана шу кўрганларим бир ерга жамланиб ҳикоя ёзгим келаверди. Оддий боғбон ҳақида жиддий ҳикоя ёзиш мумкин. Мен табиатан юморга, мойил одам бўлганим учун ҳикояни қувноқ оҳангда ёзгим келди. Шунда ўша учратган кишиларимнинг кулгили, аммо беозор қилиқлари хотиримга келаверди. Ундан ташқари, ёзувчи сифатида ўзимдан ҳам анчагина қизиқ гапларни кўшиб ҳикоя ёзишга ўтирдим. Бу ҳикояда сиз айтган лоф ҳам, муболага ҳам, олиб қочиш ҳам бор. Ҳикоядаги гаплар ҳеч кимга малол келмади. Аксинча, самимий, қувноқ кайфият кўзғотди. Бу ҳикоя ёзиб бўлинганидан кейин икки газетадан қайтди. Редакциядагилар сарлавҳасини кўриб, бачканароқ нарса бўлса керак, деб ўқимай қайтиб беришган. «Шарқ юлдузи» журналида

босилгандан кейин шу газеталарда ҳикояни кўкларга кўтарадиган икки-уч мақола босилиб чиқди.

Энди “Келинлар кўзғолони”даги Фармон биби образига келсак, унда, Сиз айтганча, ортиқча муболаға йўк. Бир оз бўрттириш йўли билан шу кунлардаги қайнананинг типик образи яратилган, холос. Ўзингиз яхши биласизки, қайнана билан келин проблемаси йиллар оша ўзгармай, бир хил келяпти. Кўп ёш оилалар қайнана “зулми”дан бузилиб кетяпти. Мен бу мавзуда жуда кўп ҳикоялар ёзганман. Миниатюраларим телеэкран орқали неча бор кўрсатилган. Қайнана-келин можаросини қанча кўп ёзмай, ҳар гал бу мавзунинг янгидан-янги қирралари очилаверди. Ёзаман деган каламкашга бир умр тугамайдиган сюжет берадиган мавзу бу. Биласиз, “Ҳасрат”, “Қатлама” деган ҳикояларим худди шу мавзуда битилган.

ТАНҚИДЧИ. “Келинлар кўзғолони” комедиясига айна шу номдаги аввал ёзилган юмористик ҳикоя асос бўлган. Хабарим бор, “Келинлар кўзғолони”ни даставвал кинокомедия қилиш ниятингиз бор эди, кейинчалик саҳна асарига айланиб кетди...

ЁЗУВЧИ. Қайнана-келин можароси устидаги узок йиллик кузатишларимни, кичик ҳикояларда айтиш, ифодалаш мумкин бўлмаган дилдаги кўп гапларимни каттароқ асарда яхлит қилиб айтишга аҳд қилдим. “Келинлар кўзғолони”ни аввал ўқувчининг назаридан ўтказиб олиш учун ҳикоя қилиб ёздим. Барибир, қоникмадим. Бу мавзуга киночилар фикрини қаратмоқчи бўлдим. Ёш кинорежиссёрлар оила ҳаётини яхши билмаганликларидан бўлса керак, ҳикояни ўқиб, завқланмадилар. Аслида мен қайнанани ҳикояга сиғмай қолган картина-боп жуда қизиқ қилиқларини топиб қўйган эдим, масалан, кампирнинг “Жигули” машинасини ўғилларига бермай, машина калитини сочининг учига боғлаб олиб, бозорда ўзи харид қилиб, келинларига қовун-тарвуз қўлтиқлатиб юриш лавҳалари қоғозга туширилган ҳам эди. Бу лавҳа, деталлар кинода жуда яхши чиқиши мумкин эди. Афсуски, улар қолиб кетди. Кейинчалик бу ниятимни драмага айлантирсам қандок

бўларкан, деган ўй ҳаёлимдан ўтди. Ҳамза театрининг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошевга шу фикримни айтганимда, у бирдан завқланиб кетди. Ҳикояни ўқиб, режаларим билан танишиб, бунга жуда қизиқиб қолди. Комедия ёзишимга даъват қилди. Шу режиссёрнинг далдаси билан комедия тез орада ёзилди ва жуда тез сахна юзини кўрди.

Комедияда деярли муболага йўқ. Одамлардаги турли хусусиятлар кулгили ҳолда бир жойга жамланган ва жиндек бўрттирилган, холос. Сизга муболага бўлиб туюлаётган жойлари артистларнинг рол завқига берилиб пафос билан ўйнашидан келиб чиқаётган бўлиши керак.

Энди “Синовчи-ичувчи”га келсак, у, ўша, Сиз айтган муболаганинг худди ўзгинаси. Лоф билан муболага бу ерда бирлашиб кетган. Томошабинларда кулги кўзгатиш учун атайи шу йўлни қўллаганман. Бу образ халққа жуда тез сингиб кетди. Улар порахўрни синовчи-олувчи, пора берадиганни синовчи-берувчи, текинхўрни синовчи-суювчи, зўравонни синовчи-урувчи, деб атайдиган бўлиб қолишди.

Тўғри, асар бирон иллатни қоралаш учун ёзилмаган. Шунчаки кулги кўзготиш учун ёзилган. Аммо у ҳаётда иллатлар устидан қулиш учун бир баҳона бўлиб қолди. Демак, адабий асар баъзан ўзи катта бир мақсадни олға сурмаса ҳам, у одамлар кўнглидан жой олиши, уларга маъқул бўлиб қолиши, ҳаётда бўлмаган факт санъат асари баҳонасида ўз томошабинларини иллатлар устидан қулишига йўл топиб бериши мумкин экан. “Синовчи-ичувчи” ана шундай асарлардан бири бўлиб қолди.

Бўрттириш, муболага масаласига келганда шуни айтиш керакки, фақат ҳажвчигина эмас, жиддий асар ёзадиганлар ҳам лоф, муболага қилса, бу қусур эмас, унга бир ижодий усул деб қараш керак. Ҳар бир санъаткор ўз мақсади йўлида тилимизнинг, адабиётимизнинг ранг-баранг усул, услубларидан фойдаланиши мумкин. Бунинг учун уни айблаш керак эмас. Аммо ҳар бир нарсанинг ўз меъёри бўлиши керак. Меъёрдан чиқиб кетмаганимиз дуруст.

ТАНҚИДЧИ. Айтганларингиз тўғри, бироқ муболага, лоф, бўрттириш ҳажвий асар учун ҳар доим шарт деб билмаслик керак, менимча, бу шарт бўлмаса керак; муболага, лофлардан холи табиий, изчил комик реалистик тасвир намуналари адабиётда кўп учрайди.

Энди бошқа бир баҳсли муаммога эътиборингизни тортмоқчиман. Комик асарда кулгининг вазифасини фақатгина жиддий камчиликларни фош этишдангина иборат деб билиш унчалик тўғри эмас. Кулги — ғоят сирли, сеҳрли қурол. Кулгининг маъно жоллари беҳисоб. Кулги бир пайтнинг ўзида одамни қоралаб ер билан яксон этиши, улуғлаб осмону фалакка кўтариши ҳам мумкин. Кулгининг бошдан-оёқ қувноқ, ҳаётбахш хили мавжудлиги фанга аён. Бу тур кулгининг яхши намуналарини ўзбек адабиётида Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ижодида ҳам учратиш мумкин. Сўнгги йилларда кулгининг бу тури, бу вазифаси Иттифоқ адабиёти ва санъатида кенгрок намоён бўлаётир. Биргина мисол келтираман — миллионлаб томошабинлар олқишига сазовор бўлган, Давлат мукофоти билан тақдирланган “Тақдир ҳазили” фильми фикримизни тасдиқловчи ёрқин далилдир. Боя айтилганидек, Сиздаги кулги асосан шу хилдаги қувноқ, ҳаётбахш кулги, унинг замирида баъзи бир камчиликларни қоралаш мавжуд бўлса-да, асосан одам зотини улуғлашга қаратилган; кўпдан-кўп ҳажвияларингиз, “Чўл ҳикоялари” туркумидаги Ўрик домла, Бургут, “Уфқ”даги Асрора, Азизхон каби персонажларингиз ва, ниҳоят, “Келинлар кўзғолони” комедияси бошдан-оёқ шу хил қувноқ, шу хил шарафловчи юмор билан йўғрилган. Ҳаттоки “Ханка билан Танка”, “Менинг дўстим Баббаев”, “Лаъли бадахшон” каби ҳажвияларингизда танкид тиғи хийла ўткир бўлса-да, барибир, оқибат натижада кулги, ҳазил-мутойиба устунлик қилади. “Келинлар кўзғолони”да ҳам ҳаётдаги, одамлар табиатидаги айрим қусурларни қоралаш бор: қаллоблар, енгил ҳаёт кечириш йўлига ўтган кимсалар, оилавий муносабатларда ҳамон сақланиб келаётган, тараққиётимизга зид тушаётган қоқоқ удумлар танкид остига

олинади, бироқ асардаги етакчи ҳол -- асосий кулги ҳалол, покиза одамларни, миллий ҳаёт тарзимизнинг бебаҳолигини улуғловчи кулги, одамга одамнинг меҳрини товлантирадиган, одамдаги ҳамдардлик туйғусини жунбушга келтирадиган, гуманистик руҳ билан йўғрилган кулги. Кулгининг, комик асарнинг шу хилдаги жозиба сири, сеҳри ҳали адабиётшуносликда етарли ўрганилган эмас.

ЁЗУВЧИ. Олмаотада бўлганимда М. Горький номидаги рус драма театрининг сафарда намоиш этган “Келинлар кўзғолони” спектаклини кўрган бир украин томошабинининг мен билан суҳбатда айтган гапи Сизнинг фикрингизни тасдиқлайди. “Мен, — дейди у, — шу пайтга қадар Ўзбекистоннинг нималарга эришгани ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. “Келинлар кўзғолони”ни томоша қилиб бир ўзбек оиласи мисолида ўзбек халқи онгида қандай буюк ўзгаришлар юз берганини ҳис этдим; бу оила аъзолари ҳалол, покиза, эл-юрт ғамида юрган одамлар, мен бу одамларни ниҳоятда севиб қолдим”. Қараиң, томошабинга комедиядаги камчиликлар, танкидидан кўра одамлардаги фазилатлар ифодаси кучли таъсир кўрсатибди. Демак, асардаги кулги ҳаётни, одамларни улуғлашга хизмат этибди.

ТАНҚИДЧИ. Сиз ҳажвий асарлар билан ёндош ҳолда жиддий насрда қалам тебратайсиз. Жиддий услубий йўналишдаги асарларингизда лиризм устун, аммо улар ҳам юмористик лавҳалардан холи эмас. Лирик кайфият билан комик кайфият бир-биридан кескин фарқ қилади, балки кўп ҳолларда бир-бирига зид келади. Бир ижодий руҳий ҳолатдан, айтайлик, юмористик, кайфиятдан лиро-драматик ҳолатга кўчиш Сизда қандай кечади? Юмористик тасвирдан жиддий лиро-драматик ифодага ўтиш осон бўлмаса керак...

ЁЗУВЧИ. Табиат ҳодисалари, инсоннинг саргузашт ва ички кечинмалари унинг руҳий ҳолатида хилма-хил ёки шундай ҳолга рўбарў келиши, куч-ғайратини кўзғайдиган, руҳини кўтариб юборадиган ҳодисага юз келиши, севги деган ажиб бир туйғу сеҳрига берилиши, юзага чиқмаган армонлари ёдига тушиб афсус-надомат чекиши мумкин.

Кўп планли катта асарларда турли одамлар иштирок этади. Уларнинг ҳаёт тарзлари, қилиқлари, орзу-армонлари бир-бирига ўхшамайди. Агар йирик асар бошдан-оёқ бир оҳангда ёзилса, у ўқувчини зериктиради. Кўз олдида бир хил одамлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам мен қаҳрамонларим табиати, турли руҳий ҳолатларига қараб оҳанг танлайман, гап-сўзлари, юриш-туришларини ҳам ана шу руҳий ҳолатларига мослаб ёзаман. Яхши кузатибсиз, менда, ҳаттоки жиддий персонажларим тасвирида ҳам кулги учрайди. Улардаги кулгили ҳолатлар, қувноқ кайфият ўқувчида ҳам табассум уйғотади. Асли мен ўзим кулгини севадиган бўлганим учун улардаги шу ҳолатларга кўпроқ урғу бераман. Қаҳрамоннинг бир кайфиятдан иккинчи кайфиятга ўтиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Гарчи мен асар сюжетини, воқеалар ривожини олдиндан ипидан-игнасиғача белгилаб олишни ёқтирмасам ҳам, аммо қаҳрамонларим қандай одам эканини аниқ тасаввур этаман. Тунд одамми у? Кула биладими? Қаршиликларни осонликча енга оладими? Ғам-алам чангалига осонликча тушадиган одамми ва ёки у ҳар қандай оғир дамларни сабот билан енгиб ўтадими? Бу гаплар китоб ёзилмасдан олдин ҳал қилинади. Мен қаҳрамонни энг яқин кишимдек ташки кўринишидан тортиб, ички оламиғача, қилиқларидан тортиб гап-сўзиғача, фазилатларидан тортиб нуқсонлариғача – ҳаммасини билишим керак. Ана шундай аввалдан кимлиги билиб олинган қаҳрамоннинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини тасвирлаш осон бўлади.

ТАНҚИДЧИ. Шу пайтга қадар бизда юмористик шеър, ҳикоя, қисса, борингки роман мавжуд бўлса-да, юмористик адабий-танқидий мақола айтарли учрамас эди. Сиз шу тур қувноқ танқидий мақоланинг яхши намуналарини яратаётир-сиз, мен Ғафур Ғулом ижодий лабораториясига оид мақолалар туркумини, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий, энг кейингиси Носир Фозилов ҳақидаги қайдларингизни назарда тутяпман. Булар шуни кўрсатадики, юмористик планда ҳам ёзувчи ижодий лабораториясига кириб бориш, ижодига оид характерли томонларни очиш мумкин экан.

ЁЗУВЧИ. Бу ёзувчининг ижодий услубига боғлиқ Халқда “Қозончининг қўлида, қайдан кулоқ чиқарса” деган гап бор. Яъни қозон ясайдиган уста унинг туткичини қайси томонга ўрнатса ўз ихтиёрида, деган гап. Гафур Ғулом ижодий лабораториясига оид мақолаларимдаги қувноқ руҳга Гафур Ғулом табиатидаги қувноқлик сабаб бўлган. Бундан ташқари, унинг ўзи ҳам мақолаларида бирон қувноқ гап қистирмай ўтолмасди. Қайси бир мақоласини олманг, ичига чироқ ёкиб қўйилгандек қувноқлик барқ уриб туради. Мен устоз санъаткор ҳақида ёзар эканман, ундаги мана шу хусусиятни четлаб ўтишим мумкин эмас эди. Энди тенгдош ҳамкасб дўстларим, шоғирдларим тўғрисида ёзган тўй табриги сифатидаги мақолаларим эса уларнинг маълум босқичдаги ижодий яқунларини ҳисобга олган ҳолда қувончли бир кайфиятда ёзилгандир. Умуман, ижодкор бирон ижобий ҳолатни тасвирламоқчи экан, унинг кўкси қувончга тўлиши, ўз ўқувчисини мана шу қувончли ҳодисага шерик қила билиши керак. Раҳмат Файзийнинг олтмиш ёшли, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин ва Носир Фозиловнинг эллик ёшлик юбилейлари муносабати билан ёзган мақолаларимда ўзимдаги юбилей қувончига ўқувчиларни шерик қилмоқчи бўлдим. Буларнинг бари қўлга қалам олишдан олдин қандай кайфиятда бўлишга боғлиқ. Мен ҳамиша ўқувчиларим юзига табассум бағишласам дейман. Китобхон ҳам, газетхон ҳам бу хил мақолаларни жуда севиб ўқишади. Бирон сатрини ҳам қолдирмай ўқишади. Модомики, ўқувчи шуни истар экан, биз унинг хоҳишини ҳам эътиборга олишимиз керак... Бу хил мақолаларим анчагина. Тенгдошларимнинг деярли ҳаммаси тўғрисида шунақа қувноқ мақолалар ёзганман. Улар матбуотда чиққан. Шу мақолаларни тўплаб, қайта кўриб, таҳрир қилиб, нашриёт режालаштирган “Танланган асарлар”имнинг бирон томига киритиш ниятим бор.

ТАНҚИДЧИ. Кичик жанрларда узоқ вақт қалам тебратиб юриб, сўнг йирик жанрга ўтган адибнинг кичик жанрга қайтиши қийинроқ бўлади шекилли. “Уфқ” трилогиясидан кейин жиддий ҳикоялар ёзмай қўйдингиз. “Келинлар қўзғолони”га қадар ҳажвия ёзмаган кунларингиз кам бўларди, комедиядан кейин, мана, икки йилдан ошаётирки, ҳажвий ҳикоя ёзганингизни билмайман.

ЁЗУВЧИ. Кичик жанрда асарлар ёзмаётганим бу жанрни писанд қилмай қўйганимдан эмас ёки фақат катта жанрдан кичик жанрга ўтиш қийинлигидан ҳам эмас. Кейинги пайтларда яна катта нарсаларга кўл уриб қўйганман: “Жимжитлик” деган роман бошлаганман, отахон театримиз Ҳамза номидаги театр учун “Куёв” деган янги комедияни тугатиш олдидаман. Очигини айтсам, “Келинлар кўзголони”нинг озми-кўпми муваффақияти кўлимни боғлаб, журъатсиз қилиб қўйди. Янги комедияни давом эттириш учун ёзув столига келишим билан бирдан журъатсизлик бошланади. Аввалги комедия даражасида бўляптими ё ундан пастрок бўляптими, деган ўй мени бир оз чўчитмоқда. Бирдан асар бўш чиқиб қолса-я, қанча машаққат билан орттирган томошабинимнинг ҳафсаласини пир қилиб қўйсам-а, деган андиша мени совитади. Бунинг устига Саидахоннинг йўқлиги ҳам жуда-жуда билиняпти. Саидахон умр бўйи ўзидан кўра менинг ижодий тақдирим ҳақида кўпроқ ўйларди, мени доимо тергаб, ёзишга рағбатлантириб турарди, қаламим остидан чиққан ҳар бир саҳифанинг илк ўқувчиси ҳам, илк танқидчиси ҳам шу Саидахон эди. Бу нозиктаъбли шоира, ҳассос, талабчан носир нигоҳидан ўтиб, унга маъқул бўлган нарсани ўзгаларга кўрсатиш ҳам мен учун осон эди. Ана шундай одамнинг йўқлиги роман билан комедия устидаги ишнинг сустрок боришига маълум даражада сабаб бўляпти. Ёзиб тугатаётган комедиям шу кунлар, атрофимиздаги ҳар куни кўриб, кўришиб турган кишилар тўғрисида. Уни яқин орада театр ижодий коллективи ҳукмига ҳавола қиламан. Роман ва комедияни эсон-омон ўз эгаларига топширгандан кейин яна кичик жанрларда ижод қилиш ниятим бор.

ТАНҚИДЧИ. Ниҳоят, яна бир муҳим муаммога диққатингизни жалб этмоқчиман — ўқувчи, томошабиннинг завқи, юмористик диди, савияси масаласини назарда тутяпман. Гарчи суҳбатимиз бошида тилга олинган муаммо — фан-техника инқилоби даврида ҳам одамларда кулги туйғуси сўнмаган, комик асарларга эҳтиёж ортиб бораётган бўлса ҳам, янги давр, янги шароит одамларининг комик завқи ўзгариб

бораётгани табиий бир ҳол. Бундан йигирма-ўттиз йил бурун кишиларга ниҳоятда қизиқ, кулгили туюлган ҳодисалар, тасвирлар бугунги кунда жўн нарса бўлиб кўриниши мумкин. Буни ҳисобга олмай туриб чинакам ҳажвий асар, комедия яратиш бўлмайди. Сизнингча, бугунги одамларнинг комик завқига, дидига оид характерли хусусиятлар, янгиликлар нималардан иборат?

ЁЗУВЧИ. Сиз ўртага ташлаган масала фақат ҳажвгагина дахлдор бўлмай, санъат ва адабиётнинг жами турларига алоқадордир. Адабий архивимизни бир титкилаб кўрсак, қанчалаб шеър ва ҳикоялар тўпламларини учратамиз. Аммо уларнинг кўпчилигини бугунги ўқувчи билмайди. Борди-ю уларни қайта нашр қилсак, эҳтимол, китобхон ўқимас. Худди шунингдек, йигирманчи йилларда сахнада донг таратган пьесаларни бугун қайта қўйса томошабин кирмас. Бир-икки марта шунга ўхшаш уринишлар ҳам бўлди. Театрлар пулига куйиб қолаверди. Ҳажв ҳам шундоқ. Ўша йиллардаги кўпгина ҳажвларга ҳозир ҳеч ким кулмайди. Бунга фақат ҳозирги замон кишиларининг диди ўсиб кетганининг ўзигина сабаб бўлолмайди. У пайтларда адабиётимиз ёш эди. Аср аввалида янги замон бошланди. Янги замон ўз адибларини, ўз санъаткорларини ҳам яратиши керак бўлиб қолди. Ҳазал ва халқ дostonлари руҳида тарбияланган Ўрта Осиё халқлари адабиёти эндиgina чинакам реалистик проза, драмалар яратиш йўлига кирган эди. Бу, даврларда янги шакл излаш, халқнинг дилидагини соддароқ, ҳамма тушунадиган формада ифода қилиш зарур эди. Буни биринчи бўлиб Ҳамза бошлаб берди. Оғизга тушган классик куйлар оҳангига янги сўзлар ёзиб берди. Чинакам истеъдод эгаси бўлган Ҳамза, Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғуломларнинг ўша даврларда яратган асарлари ҳали ҳам адабиётимизнинг нодир намуналари бўлиб хизмат қиляпти. Аммо ҳали ўзини ўнглаб олмаган, ижод маҳоратини пухта ўрганмай туриб қўлига қалам олган ижодкорларнинг асарлари ҳозир архив мулки бўлиб қолди.

Кўрдингизми, бунга фақат ҳозирги замон кишисининг дидигина эмас, ўша давр адибларининг маҳоратсизлиги ҳам сабабдир.

Ҳозирги замон кишиларининг ҳажвга бўлган завқи ҳамон ўша-ўша. Бироқ диди, савияси баланд. Улар чинакам ҳажвий асар билан бўш асарларни фарқлайдиган бўлиб борапти. Санъатсиз, маҳоратсиз уларни кулдириб бўлмайдиган бўлиб қоляпти.

ТАНҚИДЧИ. Ҳажвий, комик асарларнинг истикболи, улардаги кулгининг халқчиллиги, оммавийлиги, ҳамма учун бирдек тушунарли бўлишига, ҳаммага бирдек бир вақт ичида етиб боришига боғлиқ, деган ҳақ гап бор.

ЁЗУВЧИ. Аслида-ку шундоғ-а. Аммо ҳаётда кўпинча бунинг акси учраб туради. Умуман кулги кимнингдир нуқсони ва ё бирон қилиғини бошқаларга кўрсатиб беради. Энди бир чуқурроқ назар ташлайлик. Кулдирувчи бор, кулгига сабаб бўлувчи бор. Хўш, шу кулги ҳар икковига бир хил таъсир қиладими? Бу кулги бировда завқ, бировда алам уйғотади. Айниқса, кўпчилик ўртасида ижро қилинган ҳажвий асар кулгига сабаб бўлган кишини эсанкиратиб кўяди. Кулаётган одамларга ёв қараш қилиб ўтиради. Ноилож қолгандан кейингина, бу гап ўзига алоқаси йўқдек кўпчиликка кўшилиб кулаверади.

Демак, ҳажв ҳаммага бир хил таъсир қилавермас экан.

ТАНҚИДЧИ. Охирги бир савол. Кулгининг имкониятлари, ҳали санъат ва адабиётда, фанда очилмаган сирлари, сеҳри ҳақида нима дер эдингиз?

ЁЗУВЧИ. Ҳаёт қанча фаровон бўлса, одамлардаги олижаноб хислатлар шунча орта боради. Ана шундай пайтларда ҳажв уларнинг ҳаётини безайди. Ҳаётдан завқланишга, шу ҳаётнинг кадрига етишга ёрдамлашади.

Кушлар сайрашининг қай бир оҳанги кулги, буни биз билмаймиз. Гулларнинг яшнаб очилиши ҳам, менинг назаримда, гиёҳларнинг хандон кулгисига ўхшайди. Халқимиз бирон чиройли иморатни кўрса, кулиб турибди-я, дейди. Менимча, бу гап бежиз айтилмаган. Кулгининг бу хилдаги маънолари ҳали кашф этилган эмас. Кулгининг бу хилдаги ҳали очилмаган сир, сеҳрли жилолари беҳисоб.

1979 йил, август

РИСОЛАНИНГ ДАВОМИ (Хотима ўрнида)

Муҳтарам китобхон! Юқорида Сиз танишган лавҳалар беназир адиб ҳақида ёзганларимнинг ҳаммаси эмас, бир қисми холос. Ўтган аср 80-йилларининг бошларида, хонадонимизда бўлиб ўтган тўй маросимида, Саид Аҳмад ака одатдагидек муболағадор ҳазил-мутойиба гаплари билан даврадагиларни ханг-манг қилиб қўйган эди. “Азизлар, бемалол яйраб-ёзилиб, еб-ичиб ўтираверинглар, бу тўкин дастурхон менинг ҳисобимдан. Қолаверса, мана шу кошонани ҳам Умаралига ўзим куриб берганман, – дея сўзни кутилмаган жойидан бошлади адиб. – Бу укам йигирма йилдан бери мени тинч қўймайди, мен ҳақимда китоб, неча ўнлаб мақолалар ёзди; радио, телевидениедаги, адабий-илмий анжуманлардаги чиқишлари, талабаларга ўқиган маърузалари қоғозга туширилиб ҳаммаси бир жойга йиғилса, менинг ёзганларимдан ўн баробар кўп китоб бўлади. Улар учун олган қалам ҳақлари қопга солиниб юкланса, тулпор отнинг бели ҳам синиб кетади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, азизлар, Саид Аҳмад деган ёзувчи бўлмаса, бу тўкин дастурхон, мана бу кошона, унинг эгаси танқидчи Умарали Норматов қаёқда эди...”

Ҳар қанча муболағадор, кулгили бўлмасин, бу гапларда жон бор. Дарҳақиқат, Саид Аҳмад ака ҳақида бир рисола, кўплаб мақола эълон этганман, уни ғаразли ҳамлалардан баҳоли қудрат ҳимоя қилганман. Кези келганда, мактаниб қўяй. “Уфқ” трилогиясининг 1980 йилги нашрини устоз қуйидаги дастхат билан каминага тақдим этган эди: “Ҳурматли Умарали! Шу китобни жуда кўп бало-қазолардан сақлаганингиз учун ҳамиша миннатдорман”.

Адиб вафотидан сўнг ўйлаб, сарҳисоб қилиб кўрсам, ярим аср давомида мен шахсий мулоқотда бўлган ёзувчи-шоирлар орасида энг кўп суҳбатини олганим адиб Саид Аҳмад ака эканлар. Дўрмондаги боғ ҳовлида, Республика, хусусан, водий бўйлаб сон-саноксиз сафарлар чоғи бу афандитабиат

инсон билан боғлиқ ҳангомалар, кўксидан қайнаб чиққан ажиб латифалар қоғозга туширилса, бир неча томлик ғаройиб китобларга айланиши мумкин эди-ку! Фақат кулгили ҳангомалар эмас, кўпни кўрган бу одам жиддий, мунгли, қоғозга тушмаган, аниқроғи, қоғозга сиғмайдиган хотираларини, кўплаб тарихий воқеалар, шахсларга оид фақат ўзигагина аён маълумотларни – барча-барчасини ўзи билан олиб кетди. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидай, адибнинг ўз ижодий тажрибаларига оид фақат иккитагина суҳбатини ўз вақтида қоғозга тушириб матбуотда эълон этган эканман.

Жудоликдан кейин бу аломат сиймо, беназир истеъдод соҳибининг ҳаётдаги, адабиётдаги ўрни хувиллаб қолди. Унинг қувноқ давраларини, янгидан-янги асарларини қўмсайдиганлар сон-саноксиз. Шуни назарда тутиб, ҳозирга қадар адиб ижодига оид ёзганларимнинг “қаймоғи”ни адабий-илмий очерк шаклига солиб, ёнига ёзувчи билан олиб борган иккита суҳбатимизни илова қилиб Сиз азиз китобхонларга рисола ҳолида ҳавола этар эканман, уни маънавий бир таскин ўрнида қабул қилгайсизлар. Насиб этса, бу кадрдон мавзуга яна қайтиш ниятим бор.

МУНДАРИЖА

Эзгуликка баҳшида умр	3
Ижоднинг машаққатли ва нурафшон йўли	6
Трилогиянинг туғилиши	49
Кулги сеҳри	72
Рисоланинг давоми	93

Норматов, Умарали.

Уфқнинг чин ошиғи: (Саид Аҳмаднинг ижодий йўли, адиб билан суҳбатлар)/ У.Норматов; Масъул муҳаррир Б.Каримов. Тошкент: YURIST-MEDIA MARKAZI, 2008. – 96 б.

УФҚЛАРНИНГ ЧИН ОШИҒИ

*(Саид Аҳмаднинг ижодий йўли,
адиб билан суҳбатлар)*

Адабий-бадний нашр

Муҳаррир: Адиба Ҳамро қизи

Техник муҳаррир: Иноят Зоҳидова

Мусахҳиҳ: Шерзод Ҳайитмуродов

Босишга 08.05.2008 да рухсат этилди. Бичими 60x84^{1/16}.

Офсет босма усули. Times гарнитураси. 10 кегл.

Адади 1000. Ҳажми 6,0 б.т.

“Sano-standart” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Широқ кўчаси 100-уй.